

34
4-60

390

О. ҲУСАНОВ, О. КАРИМОВА, Х. АЗИЗОВ,
Х. ТҮЙЧИЕВА, З. КАРИМОВ

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

(максус курс)

2030200



«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИНИНГ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 1997

Узбекистон Республикаси Ҳалқ таълими вазирлиги Республика таълим маркази умумтаълим мактабларининг 10—11-синфлари, янги турдаги таълим муассасалари ва ўрта маҳсус ўқув юртлари ўкувчила-ри учун ўқув қўлланманга сифатида тавсия этан.

Ўқув қўлланмаси раҳбари ва масъул муҳаррир — юридик фанла-ри доктори О. ҲУСАНОВ.



КИРИШ

Ҳар қандай мамлакатнинг демократик жусусиятжарини кўрсатувчи шартлардан бири — инсон ҳуқуқ ва эркинликларига қандай ёндошганлиги ҳамда унинг амалга ошиши учун қандай шарт-шароитлар яратилганлиги билан белгиланади. Ўзбекистон Республикасининг демократик ва ҳуқуқий давлат қуришдан мақсади — мамлакатда яшовчи ҳар бир кишининг ҳуқуқ ва эркинликларини тұла таъминлашдир. Бунинг учун, аввало Ўзбекистонда ҳуқуқий асос яратилди, яйни деспублика Конституцияси ва кабул килинган қонунларда умумэътироф қилинган халкаро ҳужжатлар қоидаларига мос келувчи инсон ҳуқуқ ва эркинликлари белгилаб қўйилди.

Тарихий тажрибалардан маълумки, инсон эркинликларини фақатгина қонунларда белгилаб қўйилишининг ўзи масалани ҳал қилмайди. Собиқ иттифоқ қонунларида ҳам кўплаб ҳуқуқ, эркинликлар белгиланаар, лекин улар амалга ошмай қолар эди.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари масаласига, уларнинг амалга ошишини таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисining 1996 йил август ойида бўлиб утган олтинчи сессиясида республика Президенти И. А. Каримов «Ҳозирги босқичда демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари» мавзусида маъруза килиб, демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим ва ажралмас қисми бу инсон ҳуқуқлари ва эркинликларга эътибор эканлигини қайд қилди. Маърузада инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг асосий бойлиги, деб таъкидланар экан, бундан кейин ҳам бу масалага катта эътибор бериш, ҳуқуқ ва эркинликларга риоя этилиши устидан доимий назоратни кучайти-

риш, бунинг учун назорат олиб борувчи тузилмалар тизимини такомиллашибди, бу борада халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни яхшилаш алоҳида уқтирилди. Шу масалаларнинг амалий ифодаси сифатида 1996 йил 11—13 сентябрда Тошкентда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти иштирокида «Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари бўйича миллий муассасалар» мавзусида ўтказилган семинарни кўрсатиш мумкин. Семинарда халқаро ташкилотлар ва кўпгина хорижий мамлакатлар вакилларининг эътироф этишича, инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида республикамизда кўпгина ишлар қилинган ва давлат сиёсати бу масалани юқори даражада ҳал қилишни назарда тутмокда. Семинарда мамлакатларда инсон ҳуқуқларига риоя этилишини назорат қилувчи муассасаларнинг фаолиятини янада ривожлантиришга қаратилган тавсия ва таклифлар баён қилинди.

Инсон ҳуқуқларига амал қилишнинг таъминловчи воситаларидан бири — ҳар бир кишининг ўз ҳуқуқини яхши билиши, ҳуқуқий онгни юқори даражада шаклланиши ҳисобланади. Шунинг учун Олий Мажлис сессиясида инсонларнинг янгича ҳуқуқий онгини шакллантириш зарурлиги қайд қилиниб «Шундай бўлсинки, ҳар бир киши инсон эркинликлари — айни вақтда муайян бурч, мажбурият ва масъулият эканлигини чуқур ҳис этиб турсин. Барча ўқув юргларининг ўқув дастурларига «Инсон ҳуқуқлари» маҳсус курсини киритиш. шунингдек, таълим ва тарбиянинг бутун жараёнига инсонпарварлик гоясини бўйсундириш зарур», дейилди. Президентнинг кўрсатмасини амалга ошириш ва инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги маълумотларни барча таълим тизимида ўтишни назарда тутган ҳолда ушбу ўқув қўлланмаси тайёрланди.

Маҳсус курсда белгиланган мавзулар инсон ҳуқуқлари бўйича дастлабки ва энг зарурий маълумотларни ўз ичига олади. Қулланмада ўқув курсининг вазифаси ва уни ўрганишнинг аҳамияти, шахснинг ҳуқуқий ҳолати тушунчаси, фуқароликнинг аҳамияти, инсон ҳуқуқларига Узбекистон тарихи нуқтаи назаридан ёндошув, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари борасидаги ҳуқуқий ҳужжатлар, шахсларнинг шахсий, сиёсий, иқтисо-

дий ҳуқуқлари, ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатлари, шахснинг бурчлари, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига амал қилишни назорат қилувчи муассасаларнинг фаолияти ҳақида маълумотлар алоҳида мавзуларга булиниб. ўқувчиларга тушунарли тилда баён қилинган.

Қулланмани тайёрлашда шу соҳанинг йирик олимлари, амалиётчилар жалб қилинди.

Махсус курс — бу соҳада ишланган илк тажриба бўлганлиги учун ўз фикр-мулоҳазаларингизни Республика таълим марказига юборишингизни илтимос қиласиз. Манзилимиз: Тошкент—27, Ўзбекистон шоҳ кучаси, 80.

I-мавзу. «ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ» МАХСУС КУРСИНИ ҮРГАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ

«ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ» КУРСИНИНГ МОҲИЯТИ

Сиз «Давлат ва ҳуқуқ асослари» дарсида фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари бўйича қатор тушунчаларга эга бўлдингиз. Яъни сизга маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддимасида фуқаролик жамиятининг ифодалаш шакли бўлган демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш асосий вазифа деб белгиланган. Фуқаролик жамияти қарор топиши учун бир қанча ишлар бажарилиши шарт. Шулардан бири республикада ҳуқуқ ва Конституциянинг устунилигини ва баъча фуқароларнинг қонун олдида тенглигини таъминлаш, жамият манфаати ва аҳоли хавфсизлигини ҳимоя қилиш, шунингдек, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳақиқий кафолатини таъминлашдир.

Маълумки, ҳар бир жамиятнинг етакчи кучи бу — Инсон. Инсон жамият ривожланишида, унинг таркиб топишида энг асосий ўринни эгаллайди. Инсон яратилишидан то умри охиригача меҳнат қиласи, яшаш учун интилади, жамиятга ўзининг борлигини доим сездириб туради. Шу сабаб инсон меҳнаткаш, тиришқоқ, олим ёки аксинча ишёқмас — дангаса бўлиши мумкин. Инсон зоти табиатдан шундай яратилганки, тирикликтининг ҳар қандай масаласини ҳал этиш унинг қулидан келади. Сабаби — ёруғ оламда қанча одам ёки воқса-ҳодиса бўлса, уларнинг ҳаммаси инсон билан боғлиқ. Ҳозирги даврда, демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш бўсағасида инсоннинг жамиятда тутган ўрни биринчи масалага айланаб боряпти. Жамиятда инсон шахсиятга ухшайди.

Инсонга туғилишидан то умрининг охиригача ҳуқуқ ва эркинликларнинг берилиши Конституция ва қонунларда ёзиб қўйилган.

Инсон ҳуқуқлари давлат томонидан рухсат этилган, ман этилган ёки унинг ўз ҳоҳиши билан амалга оширилиши мумкин бўлган ҳуқуқларга бўлинади. Масалан, инсон туғилиши билан унга исм қўйиш, отонасини аниқлаш, фамилиясини кўрсатиш, фуқаролигини белгилаш ҳуқуқи давлат томонидан назорат

қилинса, унга исм танлаш эса ота-онасининг шахсий ҳуқуқи ҳисобланади. Демак, инсон туғилишидан бошлаб ўзи сезар-сезмас ҳолатда ҳуқуқ, эркинликларга эга була бошлайди, айрим ёшга етишдан бошлаб бурчини бажариши керак.

Гўдаклигидан у ота-онаси билан бўлиш, яшац, шифокор назоратида бўлиш, тарбияланиш, илм олиш каби ҳуқуқларга эга. 13 ёшдан бошлаб огираштирган ҳолатларда қасдан одам ўлдирганликлари, 14 ёшдан қасдан одам ўлдириш, кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасдан одам ўлдириш, қасдан баданга оғир шикаст етказиш, номусга тегиши, одам ўғирлаш ва бошқа оғир жиноятлар учун жиноий жавобгарликка тортилишларини Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 17-моддасида кўрсатилган.

Меҳнат қилиш ҳуқуқи 16 ёшдан, ўқувчиларга ёзги таътилларида 14 ёшдан берилса, қандай ишда ишлаш, ~~касб танлаш, неча соат ишлан~~ каби ҳуқуқлар, улар нинг истагига қараб аниқланади. Ишлаш, ишламаслик ёшларнинг эрки бўлса, ишлаётган вояга етмаганларни ишдан бўшатиш конун асосида тартибга солинади.

Илм олиш ҳуқуқи республика Конституцияси ва «Таълим тўгрисида»ги конунларда кўрсатилиб, 9 йиллик ўрта мактабда ўқиши шарт дейилса, қандай мактабда, қайси тилда ўқиши инсоннинг шахсий ҳуқуқи ҳисобланади.

ЖАҲОН МИҚЁСИДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИНГ ЎРНИ

Инсон ҳуқуқлари тўгрисидаги фикр узоқ йиллар олимлар томонидан ўрганила бошлаган. Лекин давлат ва ҳуқуқ вужудга келган даврдан то 1948 йилгача жаҳон мамлакатларида бир йўналишда «Инсон ҳуқуқи»нинг қонуний асосини аниқ бир шаклда яратилиш муаммоси ҳал қилинмаган эди. 1948 йилда, сизга маълумки, «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси» қабул килинди. Бу Декларация Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) томонидан қабул қилиниб, йигигрманчи асрда жуда бир муҳим давр бошланганини, инсон ҳуқуқларини поймол этиб келган, шахснинг қадр-қимматини ерга урган, бутун халқларни эзib, эркин тараққиёт ҳуқуқларидан маҳрум этган тоталитар тузумлар, диктаторлик режимларни йўқотиш учун кураш бошланганлигини кўрсатади.

Бу даврга келиб инсон узининг кимлигини англаб, онгини, билимини оширишни ва ўз эркинликларига ҳурмат билан қарашни талаб кила бошлади. Мамлакатлар орасида эса инсон ҳуқуқларига ва асосий эркинликларига қанчалик риоя этилаётганлиги ва ҳурмат қилинаётганлигига қараб, шу мамлакатнинг жаҳон миқёсидаги обруси ва унинг бошқа давлатлар билан муносабатлари белгилана бошланди.

БМТ Уставининг муқаддимасида: «Биз, Бирлашган Миллатларнинг халқлари, инсоннинг асосий ҳуқуқлари, инсон шахсининг қадр-қимматига, эркаклар ва аёлларнинг тенг ҳуқуқларига ҳамда катта ва кичик миллатларнинг ҳуқуқий тенглигига ишончимизни яна бир карра тасдиқлаб, БМТ Уставини қабул қилишга ва БМТни тузишга қарор қилдик» дейилган. 1945 йилда қабул қилинган Уставдаги бу сатрлар бутунги кунда ҳам амалда қўлланилиб, тўлдирилиб борилмоқда.

БМТ томонидан 1948 йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясидан кейин яна уч ҳужжат: «Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида»ги халқаро пакт (халқаро битим), «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида»ги халқаро пакт, сўнгги пактга факультатив протокол қабул қилинди.

Бу ҳужжатларга 1976 йилдан амал қилина бошланди ва халқаро ҳуқуқий муносабатларда Билль (қонун) деб атала бошлади.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси — инсоннинг барча оила аъзоларининг ажралмас ва бузилмас ҳуқуқларини ўзлон қилган асосий ҳужжат. Бу ҳужжатнинг асосий вазифаси унда қайд этиб утилган барча ҳуқуқлар ва эркинликларни ялписига ҳамда самарали тан олиш ва риоя килишни таъминлашдаги куч-гайратларида ҳамма халқлар ва давлатлар ўз зиминаларидаги бурч деб билишларидадир.

Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Билль халқаро ҳуқуқшунослик тафаккурини ривожлантиришга жуда катта таъсир ўтказади. Бу ҳужжатларда баён этилган мақсадлар ва принциплар эндилиқда БМТга аъзо бўлган кўпчилик давлатларнинг конституциялари ва қонунларида акс этмоқда.

Республикамиз Президенти И. Каримов 1992 йилнинг март ойида Хельсинки шаҳрида Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик Ташкилоти ҳужжатларига имзо чекди. Шу билан биргага Узбекистон Республикаси хам БМТ принципларида баён этилган инсоннинг асосий

ҳуқуқларига риоя этиш борасида ўз зиммасига мажбуриятлар олди.

Инсон ҳуқуқлари умумжағон Декларацияси — жағондаги барча давлатлар қайси ижтимоий тузумда яшашидан қатын назар инсон ҳуқуқлари ва асосий әркинликларига амал қилиб, унинг бажарилишини күрсатади. Яқинда Ўзбекистонда «Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий марказини тузиш тўғрисида» Президент фармони қабул қилинди. Миллий марказнинг асосий вазифаси инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилиш, барча аҳолининг инсон ҳуқуқлари бўйича маданиятини оширишга хизмат қиласи.

Сиз республикамиз Президенти И. А. Каримовнинг асарлари билан танишгансиз, укигансиз. «Буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати» китобида шундай сатрлар бор: «Демократик жамият қуриш учун, демократик ташкилларни тұла карор топтириш учун, энг аввало, шу мұтабар заминда таваллуд ва тарбия топган шахс, ўзини айнан шу юрт фарзанди деб билгувчи инсон ўз давлати, ўз халқи олдидаги, уни катта умидлар билан тарбия этган, вояга етказган жамият олдидаги бурчини адo этиши керак».

Юқорида зикр этилган ишларни бошқариш учун, сиз үқувчилар аввало ўз ҳуқуқ ва эркинликларингизни, жамият олдидаги бурчларингизни мукаммал билишларингиз лозим. Шу мақсадда янги үқув йилидан бошлаб 10-синф үқувчиларига «Инсон ҳуқуқлари» маҳсус курсини үқитиш давр талаби булиб қолди. Бу курсда сиз: Инсон ҳуқуқи тушунчасини, Инсоннинг жамиятдаги ўрнини, Инсон ҳуқуқига тааллуқли қонун ва қонуний актларнинг мазмунини, мақсад ва вазифасини, фуқаролик тушунчасини, фуқаролик вужудга келиши, тутатилиши асосларини, фуқароларнинг тенг ҳуқуқларини, ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда бурчларининг келиб чиқиши, ривожланиши, Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги тўғрисидаги қонун қабул қилинган даврдан то шу кунгача фуқароларга нисбатан қаратилган қонуний хужжатларнинг мақсадини, республикамизда яшовчи ҳамма инсонларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари қандай кафолатланишини, Инсонлар эса давлат олдida ўз бурчларини бажаришларини ўрганасиз.

Маҳсус курсни тұлароқ ўзлаштириш учун, сиз қўйидаги манбалардан фойдаланишингиз мумкин.

Инсон ҳуқуқлари тұғрисида халкаро Билль; Ўзбекистон Республикаси Конституцияси; Ислом Каримовнинг «Биздан озод ва обод Ватан қолсин», «Ўзбекистон» нашриети 1-4 томлар, Леонид Левитин, Дональд С. Карлайл «Ислом Каримов — янги Ўзбекистон Президенти», О. А. Каримова, З. М. Faффоров «Давлат ва ҳуқуқ асослари», «Ўқитувчи» нашриети, 1995 йил, О. А. Каримова, Х. Н. Туйчиева «Давлат ва ҳуқуқ асослари», «Ўқитувчи» нашриети, 1996 йил, О.Т.Хусанов, Х.Т.Азизов «Давлат ва ҳуқуқ асослари», изоҳли лугат. Т.:«Ўқитувчи», 1996 йил,... ва бошқалар. Юқорида курсатилган адабиётлардан сиз Инсон ва фуқаролар шахсини, ҳуқуқий ҳолатини, ҳуқуқ ва эркинлик тушунчасинигина билиш эмас, балки айрим шахсларниң масалан, республикамиз Президентининг уз Ватани, халқи олдида улкан ва мураккаб вазифаларни бажаришдаги қылган ишлари мисолида, жамиятда шахснинг ўрнини ҳам ўрганасиз. Леонид Левитин И. А. Каримов тұғрисида шундай фикрлар билдирган: «Ўзбекистоннинг сиёсий раҳбари, президенти Ислом Каримов ниҳоятда ўзига хос хислатларга эга шахсdir. Унинг табиатида бир кишида учраши қийин хислатлар: миллий уйғониш тоғасыга мутаассибларча ишонч ва хомхаәлга мутлақо берилмаслик, романтизм ва соглом сиёсий мүлжал омухта бўлиб кетгандир». Бу сатрларни ўқиб ҳар бир республикамиз ўғил-қизи келажагимиз посбонлари, ўзлари ҳам шундай хусусиятга эга бўлишга, Ватани, халқи олдида уз бурчларини тұлалигича бажаришга интилади, деган умид туғилади.

ЎЗБЕКИСТОНДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

Республикамизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, давлатимиз ишларини ривожлантириш, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга қаратилган 200 дан орттк қонунлар қабул қилинди. Бу қонунлар ичida: Фуқаролик кодекси, Мехнат кодекси, Ер тұғрисидаги қонун, Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рагбатлантириш тұғрисидаги қонун; Таълим тұғрисидаги қонун, Маданият тұғрисидаги қонун ва бошқалар. Қонун ва қонуний ҳужжатларнинг ҳаётга тадбиқ этилишини инсон, шахс амалга оширади. Биласиз, ҳар бир шахс қаерда бўлмасин, оилада, ишда, ўқишда қонун доирасида иш тутади. Қонун меъэрлари унга нима қилиши мумкин, нима қилишдан сақла-

ниш кераклигини курсатади. Демак, инсон қонун билан тұқнашғанда үзига берилған ҳуқық ва эркинликтарни ҳамда бурчларини аниклайды, унга риоя этишга интилади.

«Давлат ва ҳуқық асослари» дарси сизни назария билан таништирган бұлса, «Инсон ҳуқуқлари» маҳсус курси назарияни чуқурроқ үргатиб, амалиєтта жамиятдаги үрнингизни әгаллашингизга ердамчи бұлади.

«Республикада яшаётган ҳар бир шахс, айниқса, Узбекистон фуқароси, шу давлат, шу жамият, менға нима берди? деб эмас, балки мен үзим Ватанимга, әлу юртимга нима бердім?» (И. А. Каримов) деб үйлаши, яшашы керак. Республикализ Конституцияси эса бу ерда яшовчи ҳар бир шахсга иктисадий, сиёсий, ҳуқуқий ва маданий ҳаётида қатнашиш, тулароқ иштирок этиш имкониятини беради. Узбекистон фуқароси фуқароликни қабул қылған күндән бөшлаб Конституциямизда күрсатылған ва қонунларда мустаҳкамлаб қойилған ҳуқық ва эркинликларға эга бұлади. Лекин, улуг бобокалонимиз Амир Темур «Қаерда қонун ҳукмронлик қылса, шу ерда эркинлик бұлади» дегендаридек, фуқаролар үз бурчларини бажаришлари, Конституция ва қонунларға бүйсунишлари шарт. «Сизга маълумки, республикализнинг янги шарт-шароитта үтишдаги үзига хос босиқ-вазмин концепцияларидан бири — қонун ҳамма нарсадан устун бұлиши кераклиги, ким бұлишидан катын назар — у камбағалми өзи бойми, мансабдорми, йұқми, қонун олдида баробар бұлиши лозим! Чинакам демократик жамиятта Президент ҳам, оддий фуқаро ҳам конунга риоя қилишни талаб этади. Бошқа илож йүк! Юрт фаровонлиги учун меңнат қылсангиз раҳмат! Қонунни буздингизми, ватан бойлигини үгирладингизми, жавоб беринг!» (И. Каримов). Дарҳақиқат, ҳар бир фуқаро кенг ҳуқық ва эркинликлардан фойдаланар экан, үз бурчини бажариши ҳам шарт. Мустақиллик туфайли республикализда яшовчи ҳар бир шахсга ҳар томонлама равнақ топишга шарт-шароитлар яратыла бөшлади. Лекин инсон қайси ишни бөшламасын, қонун доирасыда ҳаракат қилиши керак, шундагина у қонун кафолатида бұлади.

Сиз юқорида инсон ҳуқықи, эркинлиги, бурчи деған иборани құп учратдингиз. «Инсон ҳуқуқлари» ибораси қандай вужудға келған? Маҳсус «Давлат ва

хуқуқ назарияси» фанида кишиларнинг муайян ижтимоий муносабатларини ўрганиш билан биргаликда шахснинг хуқуқий аҳволи ҳам ўрганилади, чунки давлатда мавжуд бўлган ва ҳуқуқ томонидан бошқариб туриладиган ижтимоий, сиёсий ва ҳуқуқий муносабатлар шахснинг ҳаракатидан таркиб топади. Бунда давлат ва ҳуқуқ назарияси инсонни муайян синфлар вақили, жамият ва давлат аъзоси сифатида ўрганади. Инсон — табиий куч, фақат бу кучга у меҳнат қилиш, ишлаб чиқариш қобилиятига эга бўлгандан кейинги на эга булади. Инсоннинг кучи шундаки, у ижтимоий куч, жамоанинг, жамиятнинг бир булагидир. Жамият ривожланиши билан инсоннинг онги шаклланади, тафаккури ривожланади, тили бойийди, тажрибаси ортади ва у моддий ва маънавий бойликлар яратади. Инсон жамиятдаги ўрнини англайди, ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларини аниқлаб олади. Инсонни тартиб доирасида тутиб турувчи қонун, ҳуқуқий меъёрлар борлигини билади, ҳам уларни ўрганади.

Маълумки, ҳуқуқий меъёр кишининг хулқ-атвори қандай бўлишини белгилайди, ҳуқуқлар, эркинликлар ҳамда бурчларни бажариш йўли билан унинг фаолиятини тартибга солиб туради. Аммо шунга эътибор бермоқ лозимки, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари давлатнинг ёхуд бошқа бирон-бир кимсанинг «муруввати» ва «холис нияти» бўлмай, инсон ҳуқуқлари ижтимоий табиатининг маҳсули, тузумнинг маҳсулидир; ҳуқуқ йўли билан тартибга солиб туриш вазифаси эса кишиларнинг ҳаракатини тузумимиз томонидан белгилаб қўйилган имкониятларини қонун асосида тўла-тўкис ифодалаш, юрилик жиҳатдан мустаҳкамлаш, уларга кафолат бериш демакдир.

Ҳолбуки, яқин вақтларга қадар фуқаронинг ҳуқуқлари ҳақида гапирилганда, шу жиҳат четлаб ўтиларди. Бунга бизнинг «инсон ҳуқуқлари» иборасига нисбатан назарий фикрлашимиздаги танқидий муносабат кўп жиҳатдан ёрдам берар эди.

Буржуа жамиятида кенг тарқалган «инсон ҳуқуқлари» ибораси аввал бошдан гояда буржуача, худбинларча талкин қилинди. У «тугма» хусусий мулк гояси билан, кишини жамиятга қарама-қарши қилиб қўйиш, чексиз эркинликларни, назорат қилинмайдиган хатти-ҳаракатларга йул қўйилишини талаб қилиш билан боғлиқ қилиб қўйилди.

Бироқ кейинги ўн йилликлар ичida жаҳон демокра-

тик жамиятида инсон ҳуқуқларини тушуниш борасида жиддий силжишлар рўй берди; Улар талқинидаги «Инсон ҳуқуқлари» иборасидан натуралистик, худбинник тузи йўқола бошлади ва бу ибора тобора умумдемократик, умуминсоний мазмун билан бойиб борди. Биздаги назарий фикр ана шу ўзгаришларни пайқай олмади ёки, тўгрироги, пайқашни истамади.

Бугунги кунда «инсон ҳуқуқлари» тушунчасини қайта идрок этиш жараёни бормоқда ва у таъсирчан аҳамият касб этмоқда. «Инсон ҳуқуқлари» бўйича миллий марказининг мақсад ва вазифаси айнан шунинг далили. Бизнинг жамиятимиз одамларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига синфий ёндашишдан воз кечиб, умуминсоний манфаатларни биринчи ўринга қўйди. Инсоннинг шахсий эркинлигини асосий ҳаётый қадрият деб эълон қилинди.

Республиканинг Конституцияси инсонни деярли барча ҳуқуқлар ва эркинликлар билан таъминлатди, бу инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари умумжаҳон Декларациясида, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлари тўғрисидаги ҳалқаро битимда назарда тутилган. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига доир фикрлар аввалги Конституцияга нисбатан янги Конституцияда гоятда мазмуни баён қилинган.

Конституцияда мустаҳкамланиб қўйилган ҳуқуқлар ва эркинликлар суд томонидан ҳимоя қилинади.

Ҳуқуқлар ҳам, бурчлар ҳам кишининг белгилаб қўйилган меъёлларга мос бўлган хулқ-атвори ҳуқуқини акс эттиради. Бироқ, ҳуқуқ ҳаракат қилиш имкониятини билдиrsa, бурч заруриятни билдиради. Фуқаро бурчини бажаарар экан, қонунда белгилаб қўйилган тарзда иш тутиши лозим, у ўз ҳуқуқини амалга оширап экан, ҳаракат қилиш керакми ёки йуқлигини танлайди. Инсон ҳуқуқи — бу муайян хулқ-атворга йўл қўйишилкдир, кишининг ўз хоҳишига кура ҳаракат қилиши учун маълум бир кенгликдир, эркин ҳаракат қилиш чегарасидир.

Шу боис қонун билан белгилаб қўйилган имкониятларни бир ҳолатда ҳуқуқлар деб, бошқа ҳолатларда эса эркинликлар деб аташади. Бу тушунчалар уртасига қатъий чегара қўйиб бўлмайди, чунки у ёки бу ҳуқуқий имкониятини ҳуқуқ деб ҳам, эркинлик деб ҳам ифодалаш мумкин.

Шуни назарда тутиш зарурки, ҳуқуқ шу ҳуқуқ орқали ҳаракатларни танлашда кенг эркинлик бериш

билин бир қаторда, шу ҳуқуқлардан фойдаланишнинг аниқ-равшан чегараларини ҳам белгилаб беради. Бинобарин, қонун ва эркинлик бир-бирига зид тушунчалардир, деб ҳисоблайдиганлар ҳақ эмас. Оқилона ахлоқий асосларга таянувчи эркинликлар қонундан ташқарида булиши ва бунинг устига қонунга зид булиши мумкин эмас.

Узбекистон Республикасининг МКнинг 228-моддасидан бунга мисол келтириш мумкин. Ҳомиладор аёлларни ва ўн турт ёшга тўлмаган боласи (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи) бор аёлларни уларнинг розилигисиз тунги ишларга, иш вақтидан ташқари ишларга, дам олиш кунлардаги ишларга жалб қилишга ва хизмат сафарига юборишга йул қўйилмайди. Мехнат қилиш аёлларга берилган ҳуқуқ бўлса, айрим вақтларда ишлаш ёки ишламаслик уларнинг эрки. Демак, меҳнат қилиш ҳуқуқи айни бир пайтда эрк бўлиб ҳам ҳисобланади.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ЎРГАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Кишининг ҳуқуқий ҳолати унинг юридик ҳуқуқлари ва эркинликларининг, шунингдек бурчларининг бутун мажмуи билан белгиланади. Аммо шундай ҳуқуқ ва бурчлар гуруҳи борки, улар инсоннинг ҳуқуқий ҳолатини белгилаш учун асосий аҳамиятга эгадир. Ҳуқуқ ва бурчларнинг бу гуруҳи асосий ёки конституциявий ҳуқуқ ва бурчлар гуруҳи деб аталади, чунки улар Конституцияда белгиланади. Бундан ташқари, асосий ҳуқуқлар ва бурчлар давлат билан шахс ўртасидаги муносабатларни ифодалайди, фуқаро давлат идоралари, меҳнаткашларининг жамоалари билан ўзаро иш олиб бориши натижасида ана шу муносабатлар юзага келади.

Асосий ҳуқуқлар ва бурчлар фуқаро ҳуқуқий ҳолатининг бошқа жиҳатларидан қўйидаги хусусиятларга кўра фарқ қиласди:

— ҳуқуқ ва бурчлар бевосита Конституциядан келиб чиқади, Конституция уларнинг мазмуни ва ҳажмини белгилаб беради;

— ҳуқуқ ва бурчлар энг аввало фуқаро билан давлат ўртасидаги ҳамма муносабатлар ва алоқаларни ифодалайди;

— ҳуқуқ ва бурчлар тўхтаб қолмайди ва қайтадан пайдо бўлмайди. Шахс республика фуқароси бўлиб қолар экан, улар амал қиласверади;

— конституциявий ҳуқүк ва бурчларнинг мазмуни ва ҳажми барча фуқаролар учун бир хилдадир;

— асосий ҳуқүк ва бурчларнинг реаллиги бутун давлат тузуми ҳамда ижтимоий тузум билан таъминланади. Ҳуқуқнинг барча соҳаларидағи тегишли нормалар ана шу ҳуқүк ва бурчларни ҳимоя қилишга жалб этилган.

Конституция ва қонунларда кўрсатилган ҳуқүк, эркинлик ва бурчлар доираси чегараланиб қолмасдан, жамият ривожланиши билан кенгайиб, ўзгариб, такомиллашиб боради. Эски қонунларнинг ўрнига янгилари қабул қилинади, янги қонунлар эса инсон ҳуқуқларини ҳам ўзига мос ўзгартиришларига олиб қелади. Масалан, аёлларга бериладиган туғишдан олдинги декрет таътиллари 56 кун эди, ҳозир 70 кун бўлди, боласини бир ярим ёшгача уйда қарashi учун берилган вақт икки ёшгача узайтирилди, вояга етмаганларга меҳнат қилини **16 ёндан** эди, **ҳөзир ўн турт ёндан** ҳам рухсат этилди. Бу қонундаги ўзгаришлар инсонлар учун жорий этилиш, инсон ҳуқуқининг такомиллашишини кўрсатади. Давр талаби билан бизнинг республикамиздаги қонунлар ҳам жуда янги-янги йўналишларни ўз ичига олмоқда. Бу ўзгаришларни сиз ҳаёт билан бирга ўрганиб борасиз.

Инсон ҳуқуқларини, шу билан боғлиқ бўлган ҳуқуқий меъёрларни ҳаётга тадбиқ этишда у ёки бу ҳуқуқ меъёрига риоя этиш, ундан фойдаланиш, уни бажариш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳуқуқ меъёрларига риоя этиш деб, рухсат этилмаган ҳаракатларни қилишдан сақланиш тушунилади. Масалан, қонунбузарликдан жиноят қилиш моддий шикаст етказиш, маъмурний тартиб бузиш, меҳнат интизомини бузиш ва ҳоказолар.

Ҳуқуқий меъёрни бажариш эса инсон ўз ҳаракати билан у ёки бу мажбуриятини амалга ошириш тушунилади. Масалан, дарсга қатнашиш, дарсни ўзлаштириш, вазифаларни бажариш, қонун доирасида иш тутиш ва ҳоказолар.

Ҳуқуқий меъёрлардан фойдаланиш, бу инсон ҳаракатларини амалга оширишда қонун доирасида иш курди, ундан фойдаланиб ҳуқуқий муносабатларини амалга оширади. Масалан, у ёки бу нарса сотиб олиш, совға қилиш, ижарага бериш ва ҳоказолар.

Ҳар бир вазиятдан келиб чиқиб ҳуқуқий меъёрларни қуллаш мумкин. Инсон ўз ҳаракатларини айрим

вақтда фақат ҳуқуқ месъерларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширади. Масалан, меҳнат шартномасини тузиш, никоҳдан ўтиш, уй-жой сотиб олиш ва ҳоказолар.

«Инсон ҳуқуқи» маҳсус курсида кишиларнинг ҳуқуқий муносабатлари билан боғлиқ масалаларни ҳам билиб оласиз. Бу дарс сизга ҳаётдан, Инсон, унинг ҳуқуқий ҳолати билан боғлиқ масалаларни тушунтиради.

Кейинги мавзуу инсон ҳуқуқларининг келиб чиқиши тарихини ва қонун ҳужжатларини баён этиб беради.

Саволлар ва топшириқлар

1. «Инсон» тушунчасини айтib беринг?
2. «Инсон ҳуқуқи» деганда нимани тушунасиз?
3. «Инсон ҳуқуқи» маҳсус курсидан нимани урганасиз?
4. «Инсон ҳуқуқи» түгрисидаги маълумотни қайси китоблардан уқишингиз мумкин?
5. Инсон, жамият, ҳуқуқ, бурч деганда нимани тушунасиз?
6. Жамиятда инсон сифатида қандай бўлишни истайсиз?
7. Яхши инсон булишингиз учун ким, нима ўрнак була олади?

2-мавзуу. ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ РИВОЖЛАНИШИ

«АВЕСТО» – ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ БЕЛГИЛОВЧИ МАНБА

Халқимизда инсон фарзандига, эл юртига ҳурмат ва инсониятга бўлган улуг муҳаббат гояси ҳар доим баланд бўлган. Бу гоялар асосида инсонларни бирбирига якинлаштирувчи, тенгма-тeng қўювчи инсон-парварлик ётади. Инсонни улуғлаш гояси муқаддас китоблар: «Авесто» ва Қуръони каримда ўз ифодасини топган. Буларда инсон ҳуқуқларига даҳлдор кўплаб қоидалар мавжуд.

Инсонни ва унинг ҳуқуқларини ҳурмат қилиш азалдан халқимиз табиатига хос хислатдир. Кўхна ўтмишимизга назар ташласак бунинг гувоҳи бўламиз. Бу борадаги илк ҳуқуқий манба — зардуштийлик динининг муқаддас китоби «Авесто»дир. Уша даврда янги диний-фалсафий, ҳуқуқий таълимот сифатида «Авесто» халқ ва аркони давлат учун сиёсий ва ҳуқу-

қий тафаккур мезони ҳамда амалиёт учун манба бўлиб хизмат қилган. Зардушт бу таълимотда қабилаларни бирлаштириб, ҳалқларни чет зулмларидан ҳолос қилиш ҳамда фаровон ҳаёт кечириш мумкин деб хисоблаган. У ўз ваъз-насиҳатларида инсонни ҳаётдан маҳрум қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, дейди.

«Авесто»да ҳалқимиз тарихининг энг қадимий даврларидағи ҳаёти, турмуш тарзи, ахлоқий қоидалари, урф-одатлари, диний эътиқоди, дехқончилик касбкори ва бошқа ҳалқлар билан иқтисодий-маданий муносабатлари тұғрисидаги маълумотлар берилган. Шунингдек, дастлаб айнан шу китобда инсон ва у билан боғлиқ ҳукуқий муаммолар ҳамда жамият аъзоларининг ҳақ-ҳукуқлари тилга олинган.

«Авесто»да баён этилган маълумотларнинг энг қадимги қисмлари мил.ав. 2000 йилнинг охирлари, 1000 йилнинг (яни мил.ав. 10-а) бошларига оид. Бу қисмлар Гатлар ва Яшта номлари билан маълум. Сунити асрларда, бу қисмларга турли диний урф-одатлар, ахлоқий ва ҳукуқий қонун-қоидалар күшилиб борган.

Ўзига хос қомусий билимлар мажмуаси бўлган «Авесто»нинг фақат Ясна, Яшта, Виспарад, Вендиат номлари билан маълум бўлган қисмлари бизгача етиб келган. Вендиат аслида қонуннома бўлиб, 22 бобдан иборат. Бу Заратуштра билан Ахура Мазда ўртасида мусоҳаба шаклида берилган. Ахура Мазда инсоннинг маънавий жиҳатдан пок бўлишини, яхшиликка ва эзгуликка амал қилишини талаб этади. Эзгулик ва баҳтсаодатга эришиш йўлида ҳалол меҳнат қилиш, адолат ва ҳақгўйлик, истиқболи порлоқ ҳаётга эришиш Ахура Мазда таълимотининг асосий гоясидир.

«Авесто»га кўра, инсоннинг асосий бурчи ҳаққоний ҳаёт тарзи бўлиши керак. Шунинг учун ҳам «Ҳақиқат олий шарофатдир» дейилади.. Инсон яхшиликка ҳамкорлик қилишда ҳамиша «Яхши фикр» айтмоғи, «Яхши иш қилмоғи» лозим. Бу юксак инсоний фазилат ва сифат инсон манфаатини ҳурмат қилишга қаратилгандир. Эзгу фикрат, Эзгу калом, Эзгу амал — Зардуштийлик ахлоқининг асосий училиги қоидасидир. Зардуштий бутун ҳаёти давомида ушбу учликни узида мужассам этмоғи керак бўлган. Ана шундагина қалби покиза, руҳи мададкор, тафаккури соглом бўлади. Эзгу фикрат — бу ниятнинг яхшилиги, кишилар баҳтсаодати учун ёвузликка қарши курашга ҳозирлик руҳидаги ўй-фикр, барча билан тинч-тотув яшашга инти-

лишдир. Эзгу фикр эгаси жаҳолатга тушмайди, чунки жаҳолатда киши эзгу ниятларини йўқотади, бурч ва адолатни унугтади, ўйламай иш қиласди.

Зардустийликда, тўғрилик, поклик, ҳалоллик инсон яшаш тарзининг ахлоқий қоидалар мезони бўлган. Бу мезонлар «Авесто»нинг туб мазмунини ташкил этади.

«Авесто»да юксак маърифатлилик ва меҳнатсеварлик туйгусини шакллантиришга эътибор берилган. Бу эзгуликка эришишнинг манбай ҳисобланади. Шу боис таълим-тарбия ҳаётнинг муҳим таянчи сифатида қаралиб, ёшлиарнинг билим олиш ҳуқуқини таъминлаш изчил амалга оширилган. Ўша даврда болаларни ўқитиш ва тарбиялашнинг қўйидаги йўналиши тартиби уз ифодасини топган. Булар — диний ва ахлоқий тарбия, жисмоний тарбия, уқиш ва ёзишга ўргатиш кабилардир. Болаларга 7 ёшдан диний тарбия бериш йўлга қўйилган. Тарбиянинг асосий мақсади болаларда яхшилик ва эзгуликка хайриҳоҳ бўлиш ҳамда ёвзлик ва ёмонликка нафрат ҳиссини уйғотищдан иборат бўлган.

Зардустийликда, маърифат ва билимнинг кучига эътиқод қилинади ва жамият ҳаётida ҳам оқибат натижада маърифат ютиб чиқади, деб ҳисобланади. Ўша даврда болаларда ёшлиқдан меҳнатга, касб-хунарга қизиқиш шакллантириб борилган ва бу борада гамхурлик кўрсатилган. Бу эса билим олиш ва меҳнат ҳуқуқини рӯёбга чиқариш учун етарли имкониятлар яратилганлигидан далолат беради.

«Авесто»да дехқончилик меҳнати эзгулик намоён булишинини шаклидир. Унда меҳнатдан бўйин товла ган одам охир-оқибатда хор-зор булиши таъкидланади, кишиларни улуг меҳнатсеварликка чорлайди. Меҳнат инсондаги инсонийлик фазилатларини белгиловчи, унинг маънавий хулқ-атворини баҳолашда улчов мезони бўлиб хизмат қиласди.

Шунингдек, «Авесто»да инсоний бурч фақат ахлоқий йўриқларнинг ўзлаштиришдан иборат бўлиб гина қолмасдан, балки инсон оила ва фарзанд тўғрисида ҳам ўйлаши зарурлиги таъкидланади. Жамиятнинг асоси оила бўлган. Оила бошлиғи «нманапати» шаклида берилган. Оиланинг таркибини: оила бошлиғи нманапати, унинг хотини нманапатни ва фарзандлари ташкил этган. Зардустийликда, оилавий бурч ва фарзанд тарбияси алоҳида ўрин тутади. Бун-

да, ўзаро қариндоштарнинг оила қуриши ман этилган. Қавм ва уруг қонини тоза, авлодини бенуқсон саклаш учун шундай қилинганд. Қўп болали оиласа-рга давлат ҳисобидан нафақа тайинлаш лозимлиги қайд этилган, бир йўла 2-3 та туқсан аёллар муко-фот олишга сазовор, деб уқтирилади. Бу эса, ижти-моий таъминот ҳуқуқининг шу даврда ҳам амалда бўлганлигини билдиради.

«Авесто»да жамият иқтисодий асосини уруг жамоа-си ташкил этган. Уруг жамоаси ижтимоий-сиёсий, ҳу-қуқий вазифаларни ҳал қилиш ваколатига эга бўлган. Мулкий муносабатларда эса, мулк вис (уруг)га қарашли бўлган. Висга камида 15 та бир-бирларига қарин-дош оила кирган. Жамоани бошқариш ҳарбий де-мократия принципларига асосланган. Жамоа тасарру-фида никоҳ муносабатлари, гаровга туриш масалала-ри ҳал этилган. Вис (уруг) тепасида виспати (уруг бошлиғи) турган. **У нманапатилар (оила бошлиғи)** ичидан эркин сайлаб олинганд. Демак, сайлов ҳуқуки амалда бўлган.

«Авесто»да табиатни муҳофаза қилиш муаммоси ҳуқуқий жиҳатдан ҳал этилган. Олов, ер, сув ва ҳаво муқаддас ҳисобланган. Уни ифлос қилиш катта гуноҳ бўлган. Шу боис зардуштийлик инсон бутун ҳаёти давомида сув, тупроқ, олов, умуман, дунёдаги жа-миyики яхши нарсаларни пок ва бус-бутун асрашга бурчлидир, деб таълим беради.

«Авесто»да фақирларга меҳрибонлик гояси устун туради. Унга кўра, ҳар бир инсон кишига иснод келтирадиган ишлардан тийилиши керак. Самимият, хо-лислик, ўзаро ҳурмат каби қадриятлар инсонлар ўрта-сидаги устувор ахлоқий қоидаларга айланиши керак. Фаразгўйлик, манманлик, фитна-фасод «Авесто»да қаттиқ қораланиб, яхши ҳайвонларни ўлдириш, зино-га берилиш катта гуноҳ ҳисобланади.

Шундай қилиб «Авесто» одамларнинг одоб-ахлоқ месъёрларини тизимга солди. У жамоанинг ҳар бир аъзоси бажариши шарт бўлган қоидаларни белгилаб берди. Мехнат ва илм уйғунлашгандагина инсон фа-ровон яшаши мумкинлиги гояси илгари сурилди. Ях-ши ният, яхши амал инсон ҳастиининг мазмунини ташкил этмоғи зарурлиги уқтирилди. Ана шу умумин-соний қадриятлар мажмуаси ўша даврдаги аждодлари-миз тафаккурининг асосини ташкил этарди.

ҚУРЬОНИ КАРИМДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИНГ ҲУРМАТ ҚИЛИНИШИ

Инсон ҳуқуқларининг тарихий ривожланиши «Авесто»дан Қуръони каримгача узоқ такомиллашув йулини босиб утди. Қуръон бутун инсониятнинг маънавий-маданий мероси бўлган ҳуқуқий ёзма ёдгорликдир. У Аллоҳ таоло томонидан илоҳий қонун сифатида нозил қилинган сўзлар бўлиб, мусулмонлар амал қилиши лозим бўлган қатор қоидалар тўпламидир. Қуръон 114 та катта-кичик суралардан ташкил топган.

Қуръонда инсон азиз ва мукаррам, барча мавжудотларнинг зарин тожи ва фазилатлари эгаси сифатида эъзозланади. Уларнинг инсоний ҳақ-ҳуқуқларини ҳурмат қилиш гояси етакчилик қилади. Бу ҳақ-ҳуқуқларни ислом уламолари ўнтага ажратишади. Шулар жумласига: ота-онанинг ҳақ-ҳуқуқлари, фарзандларнинг ота-оналардаги ҳақ-ҳуқуқлари, қариндошлиарнинг ҳақ-ҳуқуқлари, эр-хотиннинг ҳақ-ҳуқуқлари, ҳокимият ва раъиятнинг ҳақ-ҳуқуқлари, қўшиналарнинг ҳақ-ҳуқуқлари, мусулмонларнинг ҳақ-ҳуқуқлари киради.

Қуръони каримда ота-она ҳақ-ҳуқуқлари ўта масъулиятли ҳисобланади. Чунки ота-оналийк ҳуқуқини қозониш учун бола туғилишининг ўзи кифоя қилмай, балки уларга таълим-тарбия бериш энг муҳим шартлардан биридир. Фарзандга одоб-ахлоқ ўргатиш, уни касб-ҳунарли қилиб тарбиялаш, балоғатга етгандан кейин ўғил бола бўлса уйлантириш, қиз бола бўлса турмушга чиқариш, уларни моддий ва маънавий таъминлаб туриш каби сермашаққат вазифалар ҳам ота-оналар зиммасидадир.

Шунингдек, ислом шариатида фарзандларнинг ҳам вазифалари курсатилган. Фарзандлар ўз ота-оналарига яхши муомалада бўлиши, моддий ёрдам бериши, миннат қилмай иззат-ҳурмат кўрсатишлари ҳам қарз, ҳам фарз ҳисобланади. Бу хусусда, Қуръони каримда шундай дейилади: «Парвардигорингиз, ёлгиз Унинг Узига ибодат қилишларингизни ҳамда ота-онага яхшилик қилишларингизни амр этди. Агар уларнинг (ота-онангизнинг) бирори ёки ҳар иккиси сенинг қўл остингда кексалик ёшига етсалар, уларга қараб «уф» тортма ва уларнинг (сўзларини) қайтарма! Уларга доимо яхши сўз айт...!» (Ал-Исро сураси, 23-оят). Бу таълимотга биноан

фарзанд ота-онага нисбатан ҳурмат сақлаши ва ҳақлари-га дуолар қилиши лозим.

Қуръонда, қариндошларнинг бир-бирларига нисбатан ҳақ-хуқуқлари зикр қилиниб: «Яқин қариндошларнинг ҳақини адо қил» дея марҳамат қилинган. Узининг яқин ва узоқ қариндошлари ҳолидан хабардор булиб турадиган, агар беморлари, кексалари бўлса ёрдам берадиган кишигина ҳақиқий мусулмон ҳисобланади. Дарҳақиқат, қариндош-уруглар ўртасида бир-бирларига нисбатан раҳм-шафқат ришталари мавжуд бўлса, бутун жамият ичидаги ҳам шундай ришталар ривож топади. Натижада орадан шафқатсизлик, худбинлик, зулм ва такобирлик йўқолади. Демак, қариндош-уруглар бир-бирларининг ҳақ-хуқуқларини ҳурмат қиласалар, жамият муҳити соғлом бўлади. Чунки, жамият оиласалар, қариндош-уруглардан ташкил топади.

Қуръонда оила эркин, ихтиёрий никоҳ асосида юзага келади. Оиланинг мустаҳкамлиги эр-хотин ургасидаги узаро иззат-ҳурмат билан белгиланади. Оилада, эр-хотин маълум ҳуқук ва бурчларга эга бўлади. Эркиши уз оиласи тўғрисида муттасил қайгуриши, оиланинг бирлиги ва унинг моддий-маънавий таъминоти учун масъулдир. Ана шу нуқтаи назардан эр оила бошлиги ҳисобланади. Эр кишининг уз маблагларини, диққат-эътиборини ва муҳаббатини уз уйидан ташқарига қаратишини ислом қатъий ман этади. Хотиннинг эрдаги ҳақлари борасида ҳам Қуръони карим оятларида кўрсатилган. Оятда: «Аёлнинг қанча вазифалари бўлса шунча ҳақлари ҳам бордир» дейилган. Хотиннинг эрдаги ҳақлари бу — овқат ва таом билан таъминлаш, уз қариндош-уругларини кўришдаги аёлнинг ҳақига риоя қилиш, хотиннинг үй-рўзгор юмушлари ва фарзанд тарбияси каби ишларда итоат этишилиги, аёл киши уз эрининг моли ва обрусини сақлаши, ҳурмат қилиши кабилардир. Шуни айтиб ўтиш керакки, оиланинг мустаҳкамлиги эр-хотиннинг уз ҳақ-хуқуқларини яхши адо этишидадир.

Халқ ва миллат ичидаги тинч-тотувликни таъминлашда қўшнилар, яъни оиласалар ўртасидаги муносабатлар муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, Қуръони каримда ҳам қўшниларнинг ҳақ-хуқуқларига эътибор берилган. Қўшниларнинг узаро ҳақ-хуқуқлари бир-бирлари билан яхши муносабатда бўлишлари хоҳ моддий, хоҳ

маънавий томондан бир-бирларига ёрдам беришлари-дир. Құшнига әзгулик қилишдан мақсад ёрдам сұраса ёрдам бериш, касал бұлса ҳолига яраш, хурсандчилік вақтида табриклаш, мусибат етса ҳамдардлик ва шу кабилардир. Бу борада пайғамбар алайхиссалом үз ҳадиси шарифларида «Кимки Аллоҳга ва қиёмат кунига иймон келтирған бұлса, үз құшнисига яхшилик қылсın» дедилар. Бу ҳадисдан маълум бұладики, құшнига ёмөнлик қилиш Аллоҳга ва қиёмат кунига ишонмаслик каби ута оғир гуноҳ ҳисобланар экан. Демак, құшниларнинг ҳақ-хуқуқлари шу даражада юксаклика кутарилған.

Қуръони қаримда раъият ва давлат раҳбарларининг ҳақ-хуқуқлари белгиланған. Чунки инсон ҳуқуқларининг таъминланиши ана шуларга ҳам боғлиқдир. Раъиятнинг раҳбарлардаги ҳақ-хуқуқлари адолатли, тұғри ва одил сиёсат олиб бориш, халқ ҳаёти учун зарур осойищталық ва тинчликни үрнатишидир. Үз навбатида, раҳбарларнинг халқ ва раъиятдаги ҳақи халқнинг әхтиеж ва талабларини қаноатлантириш, жиноятчилар түгенидан халос бўлишда халқнинг истагини адо этишидир. Халқнинг амалдор ва ҳоким кишилардаги ҳақлари шуки, мискин фуқароларнинг ҳолини сұраши, кишиларнинг моддий ва маънавий таъминланишига ёрдам бериши, турмуш тарзининг ҳар томонлама манфаат топишига ёрдам беришидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Қуръони қаримда инсонларнинг билим олиш, меңнат ва шу каби бошқа ҳуқуқлари ҳам үз ифодасини топган. Қуръони қаримда илм олиш ҳуқуқи ҳақида зикр этилиб: «Уқинг! Сизнинг Парвардигорингиз (инсониятга) қа ламни (яъни ёзишни, хатни) ўргатған ута қарамали зотдир. У зот инсонга унинг билмаган нарсаларини ўргатди» дейилади. («Алақ» сураси, 3-5-оятлар). Ушбу оятларда Ислом дини инсонларни жаҳолат, хурофотга эмас, балки илм-маърифатга чорлаши маълум бұлади. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайхи ва саллам: «Бешикдәлик чөгингиздан то лаҳадға киргунингизча илм урганинг» ва яна: «Илм исташ ҳар бир мұслим ва мұслима учун фарздир», деб марҳамат қылғанлар. Исломда илм инсонларни юксак маънавий камолотта етакловчи таянч сифатида қадрланади. Шу билан бирға илмли бўлиш инсоннинг нафақат ўзлигини англашда, балки ҳаётини яхши бўлишидаги күч-құдрат манбай эканлиги ёрқин күрсатиб берилади. Илм олиш, уқишиң

керакли мәхнатдир. Мәхнатсевар булиш, илм ҳам инсон учун олий фазилатдир. Чунки булар кишиларнинг ахволини яхшилайди, мамлакат ободонлиги, жаҳолат қоронгулигидан қутилиш йўли ҳам шу фазилатлар орқали амалга ошади. Зоро, кишилик жамиятининг асл тарихи ҳам мәхнатдан бошланган. Бу хусусда Қуръонда шундай дейилади: «Дарҳақиқат, Биз инсонни мәхнат, машақатга яратдик». Бундан маъно шуки, инсон ўз ҳаётида мәхнат қиласди. Ана шу мәхнат қилиш хуқуқидан ҳалол фойдаланиб, нафақат ўзига, балки, ўзгаларга ҳам наф келтириши талаб этилади. Шунинг учун ҳам пайғамбаримиз Мұхаммад саллоллоҳу алайҳи ва саллам ўз ҳадиси шариғларининг бирида: «Ҳалол мәхнат қилиб, бола-чақа боқишининг савоби нафл намоз ўқувчиларининг савоби билан баробардир» деб башорат берганлар.

Қуръони карим ва ҳадисларнинг энг муҳим жиҳати шундаки, унда жамиятта ва инсонга иснод келтирувчи ҳар қандай ҳаракатга қарши нафрат устун туради. Ислом шариати қонунларида: ўғрилик, ичкилик-бозлик, гиёхвандлик, зино, қон тўкиш каби ута ёмон иллатлар ҳар бир инсон ҳазар қиласиган дард сифатида қораланади. Чунки бу иллатлар инсон хуқуқлари бузилишининг сабабчисидир.

Қуръони каримда, инсоннинг ҳақ йўлидан бориши, ноҳақ йўлдан тийилиши ўзига хос услубда уқтирилади: «Эй мүминлар, молларингизни ўргаларингизда ноҳақ (яъни ўғрилик, қароқчилик, судхўрлик, порахўрлик, қимор каби) йўллар билан емангиз! Балки ўзаро ризолик билан булган савдо-сотик орқали молдуне касб қилингиз...» («Нисо» сураси, 29-оят). Чунки нопок йўлга кириш, унга ружу қўйиш нафақат кишининг ўзига, балки бошқа инсонларнинг ҳам хуқуқий манфаатларига зарар етказади. Ислом шариати қонунларида инсоннинг соглигига, ақл-идрокига путур етказадиган ичимликларни истеъмол қилиш таъқиқланади. Жаноб Расулуллоҳ ҳадиси шариғларидан бирида: «Кайф қилдирувчи нарса — ҳамр. Ҳар қандай ҳамр ҳаромдир», деган доно сўзларини ўқиши мумкин. Шунинг учун Қуръони карим оятларида, ичкилик ичиш, қимор уйнаш шайтон амалидан булган ҳаром иш сифатида таъқиқланиб, булардан узоқ булишга даъват этилган. Чунки, бу иллатлар инсонни тафаккурдан айириб адоват (ўч олиш ҳиссини) ва нафратини ўйготади. Бунинг оқибатида қотиллик,

үгрилик, зино, дўстларнинг душманга айланиш ҳоллари юз беради.

Қотиллик шариат бўйича ҳаром ва гуноҳ — жиноятдир. Қуръоннинг Бани Исроил сураси, 33-оятида: «Аллоҳ ҳаром қилгач, бирорни ноҳақ қатл қилманиз» дейилади.

Хуроса шуки, Қуръони карим ва «Ҳадиси Шариф»ларда ҳамда ислом динининг қонунлари бўлган «Шариати Исломия»да инсон, унинг ҳуқуқий манфаати тўла ҳимоя қилинган. Бу улуг таълимотлар инсонпарварлик гояларига асосланади. Ислом дини инсонни имонли, ахлоқли, маърифатли бўлишга ундейди. Инсон манфаатига путур етказадиган ва жамиятни таназзулга етакловчи барча ёмон иллатларни қоралайди. Инсонни тўгриликка, ҳалолликка, покликка, ўзаро ҳурматга чақиради. Зоро ана шундай фазилатлар орқали инсоннинг ҳуқуқлари ҳурмат қилинади. Шунингдек, барча ер юзидағи ҳалқлар билан ҳамкорлик қилиш шариати исломнинг олий мақсадидир. Чунки, Қуръони карим оятларида: «Эзгулик ва тақво йўлида ҳамкорлик қилинглар» деб буюрилган. Бу мақсад бутун инсониятнинг муштарак манфаатини кўзлади.

«ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ»ДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

Инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилишга қаратилган инсонпарварлик гоялари ўтмишдаги давлатчилигимиз тараққистида ҳам ўз ифодасини топган. Қадимий Судиёна ва Хоразм давлатчилигидан тортиб, Сомонийлар, Хоразмшоҳлар, Темур ва темурийлар давлати да инсон ҳуқуқлари юксак даражада эъзозланган. Бу давлатларнинг бошқарувида инсон ҳуқуқларига, ижтимоий адолатга, қонун устуворлигига қатъий амал қилинган.

Амир Темур салтанат ишларини қонун ва қоидалар (тўра ва тузук)ка асосланиб бошкарди. «Тузук» истилоҳи изоҳли лугатларда «тартиб ва интизом, лашкар ва мажлис ишлари йуриги» маъносида келади. «Тузуклар»да, энг аввало, демократик асосларда давлат тузилиши, унинг ижтимоий-сиёсий аҳволи, давлат ва қўшин тузилиши, мазкур давлатнинг қўшни мамлакатлар билан бўлган муносабатлари ҳақида маълумотлар бор. Тузукларда инсон ҳуқуқлари қадрланиб, уларни ҳимоя қилиш ҳуқуқий жиҳатдан таъминлан-

ган. Қонун олдида бой ҳам, камбагал ҳам, оддий фуқаро ҳам тенг булиб, барчанинг ҳуқуқлари кафолатланган. Барча тоифадаги кишиларнинг давлат ишларида эркин фикр билдириши ва фаол иштирок этиш ҳуқуқи таъминланди.

Амир Темур ўз фуқароларини қайси миллатдан бўлишидан қатъий назар, ҳимоя қилди ва гамхўрлик кўрсатди. Ўз давлатини «Куч адолатдадир» шиори асносида тузди. Темур бобомиз адолат бор жойда элнинг кўнгли тўк, иши унумли, мамлакатнинг эртанги куни эса порлоқ бўлишига имон келтирган. У кишининг қўлларидағи узукда «Куч адолатда» деган битик бўжиз ёзилмаган. Амир Темур фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳоким адолат томонида туришини қаттиқ талаб этган. Агарда ҳокимлар, сипоҳ раъиятдан қайси бирининг халққа жабр-зулм етказганини эшитса, уларга нисбатан дарҳол адолату инсоф юзасидан чора куради. «Агар доругалар ва ҳокимлар халққа жабр-зулм қилиб, уларни хароб қилган бўлсалар, қилган ишларига лойиқ жазо берилсин», дейилади Тузукларда. Амир Темур юрт ободончилиги, осойишталиги, хавфсизлигини таъминлашга ҳам эътиборини қаратди. Амир Темур тузукларида шундай дейилади: «Лой, қум босган ариқларни қазиш, дарсларга кўприклар солиш, эскиларини тузатиш, бир кунлик йўл масофасида карvonсаройлар қуриш ҳақида буйруқ қилдим. Карvonсаройларда қоровуллар ва йўл соқчилари бўлур эди. Улар йўловчиларнинг хавфсизлигини таъминлашга гамхўрлик қилар, содир булган ўғирликлар учун жавобгар эдилар. Ҳар бир шаҳарда мачит, мактаб, мадраса, камбагал ва мискинлар учун гарибхоналар, табиблар билан таъминланган шифохоналар қуришга фармон бердим. Мен экилган майдонлар ва фуқароларим хавфсизлиги учун маҳсус соқчилик жорий этдим». Бундай тадбирлар халқ фаровонлигининг юксалишига, фуқаролар турмушининг тұлақонли тарзда яхшиланишига омил бўлди.

«Темур тузуклари»да оддий фуқароларнинг ҳуқуқий манфаатлари ҳимоя қилинган. «Агар (ҳар ер ва элнинг) амалдорлари ва калонторлари оддий фуқарога жабр-зулм қисса ва шу орқали бечораларга зарар етказган бўлса (бундай вақтларда) етказилган зарарни калонторлардан ундириб, жабр кўрганларга берсинлар, токи улар яна ўз ҳолларига келсинлар» дейилади «ТУЗУКЛАР»ДА.

Амир Темур дарвсш, фақир ва мискинларни ўзига яқин тутди, уларнинг кўнглини оғритмади ва бирон-бир талабларини рад этмади. У қашшоқликни тугатиш мақсадида бошпаналар ташкил қилди, камбағалларга нафақа бериб турди.

«Тузуклар»да савдогар, деҳқон, касб-ҳунар ва маърифат аҳлларининг ҳуқуқлари ҳам ҳимоя қилинади. Деҳқонлар хусусида ва уларни ҳимоя қилиш юзасидан ҳам айрим кўрсатмалар берилган. «Деҳқонлар раъиятдан қайси бирининг деҳқончилик қилишига қурби етмай қолган бўлса, унга экин-тикин учун зарур уруғ ва асбоб тайёрлаб берилсин. Агар фуқародан бирининг уй иморати бузилиб, тузатишга қурби стмаса, керакли ускуналарни етказиб бериб, унга ёрдам берилсин». Демак, давлат ўз фуқароларининг манфаатини тўла қаноатлантиришга ҳам алоҳида эътибор берган экан.

Амир Темур фуқароларнинг таълим олишини яхшилаш чораларини ҳам кўрган. Бу ҳақда «Тузуклар»да шундай дейилади: «Мусулмонларга диний масалалардан таълим бериб, шариат ақидалари ва ислом дини илмлари: тафсир, ҳадис, фиҳқдан дарс берсинглар деб, ҳар бир шаҳарга олимлар ва мударрислар тайин қилдим». Дарҳақиқат, Амир Темур илм-фан ва маданият ҳомийиси эди. Темурийлар даври ренессанси (маданий уйгониши) ҳодисасига айни Ҳазрати Соҳибқирон томонидан пойдевор кўйилган.

«Тузуклар»да фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга эътибор берилган. Бунга кўра «бирорта ҳам аскарнинг доимий туриши учун шахсий кишилар уйини эгаллашга ёки фуқароларнинг молини ва бойлигини ўзлаштириб олишга ҳаққи йўқ эди».

Амир Темур одил судлов юритишга ҳам алоҳида аҳамият бсрган: «Лашкарлар учун маҳсус қозий ва раъият учун алоҳида қозий тайнинладим, ҳар мамлакатда шайхулислом юбордимки, токи мусулмонларни гуноҳ ишлардан қайтариб, уларни яхши ва савоб ишларга ундин», деб таъкидлайди у Тузукларида. Шунингдек, «шубҳали ва нияти бузук кишиларнинг айблашлари ҳамда туҳматлари билан фуқароларга жазо бериш қозиларга қаттий ман этилган эди. Аммо бирор шахснинг гуноҳи тўртта далил билан исбот қилинса, у кишига қилган айбига қараб жазо берилар, ёки жарима солинарди». Шариатда қозийларга қаттиқ

талаб қўйилган. Адолат талабига риоя қилмаган қозилар Темур томонидан гуноҳига яраша жазоланган, адолатни таъминлашдаги хизматлари учун эса рағбатлантирилган.

«Тузуклар»да жамият манфаатига, инсон шаънига зарар келтирадиган ёмон иллатлар гуноҳ ҳисобланиб, жазога лойик деб топилган. Жазолаш тартиби «Тузуклар»да берилган. Амир Темур ёзадилар: «Үгрилар хусусида буюрдимки, улар қаерда булмасин, ким тутиб олса Ёсо бўйича жазолансин. Кимки бирорвнинг молини зўрлик билан тортиб олган бўлса, мазлумнинг молини золимдан қайтариб олиб, эгасига топширсинглар. Агар кимда-ким тиш синдиrsa, кўзни кўр қилса, қулоқ ва бурун кесса, шароб ичса, зино ишлар қилса, девондаги шариат қозиси ёки ахдос қозисига олиб бориб топширсинглар. Шариатга оид ишларни ҳал этишда ислом қозиси ҳукм чиқарсин...» Мамлакатда ана шундай қаттиқ тартиб-интизом ўрнатиб, адолат эшигини очди. Шу билан бирга ўғирлик ва талончиликнинг барча йўлларини беркитишнинг чораларини курди.

Темурнинг фикрича, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимоя қилинган давлатда адолатли бошқарув таъминланади. Фуқаролар ҳам давлатни ўз ҳимоячиси, таянчи деб ҳисоблайди ва конунларга садоқат билан бўйсунади. Бу бутун давлат миқёсида тартиб-интизомни, тинчлик ва осойишталикни ҳамда фаровонликни таъминлаш асосини ташкил этади.

«Темур тузуклари» қудратли, марказлашган давлат қуришда, инсон ҳуқуқларини таъминлашда муҳим роль уйнади. Рус олими Логофет ёзганидек: «Оврупада ҳали конституция ҳақида оддий тушунчага ҳам эга бўлмаган даврларда Амир Темур давлатида конституциявий қонунлар мажмуаси — Тузук мавжуд эди ва у амалда бўлган». Амир Темур шарқона демократияга, қонунга, урф-одатларга асосланган буюк давлат барпо қилиб тарихда учмас из қолдирди.

ШЎРО ДАВРИ КОНСТИТУЦИЯЛАРИДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

Темурийлар сулоласи тарих саҳнасини тарқ этгандан кейин буюк салтанат турли-туман низолар туфайли майда хонликларга ажralиб кетди. Бундан фойдаланган чоризм армияси Туркистонни босиб

олиб, уни ўзининг хомаше базасига айлантиради. Мустамлака халқда мустақиллик орзуси уйғонмаслиги учун чор ҳукумати эллик йилдан зиёд вақт мобайнида маҳаллий аҳолини маърифат ва маданиятдан четда тутиб келди. Натижада халқимизнинг асрлар оша сайқал топган урф-одатлари, анъаналари, қадриятлари, инсон эрки ва ҳақ-ҳуқуқлари поймол этилди. Ўша даврдаги қонунчилик ва ҳуқуқ тизими шу мазмунга буйсундирилган эди.

Буни 1917 йилда ўрнатилган Шуро империяси давом эттирди. Бундан кейин ҳам юртимизда асрий эзгу расм-руссумлардан миллиатни шафқатсизларча мосуво қилишлари, урф-одатлар, ҳатто миллий кийимларни, туркона либосларни бидъат, эскилик сарқити деб уқтиришлар тұхтамади. Энг ёмони эса таълим ва тарбия ишида миллий асос йүқ қилиб юборилди. Таълим тизимида туркій халқлар тарихини, маданиятини үқитиш, ёшларни туркона одоб, ҳае рухида тарбиялаш эътибордан четда қолди. Бундай йўл тутиш келажак авлодни ўзлигини англашга имкон бермаслик, ўз ҳуқуқини билмайдиган мутеларга айлантириш эди.

Шуро даврида 1918 йилги Туркистон АССР Конституцияси, 1920 йилдаги Хоразм ва Бухоро Халқ Республикалари Конституцияларида күплаб демократик ҳуқуқлар белгиланган бўлса, аста-секин уларга киритилган ўзгартиришлар натижасида миллий ҳуқуқлар чеклана борди. Ўтмишдаги Конституциявий тараққиёт тажрибасига мурожаат этсан, уларнинг барқарор тусга эга бўлмаганини яққол намоён бўлади. 1927-1937-1978 йилларда Ўзбекистон ССРнинг Конституциялари қабул қилинди. Уларда миллиатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқий декларатив тавсифда бўлиб қолди.

1918 йилдаги Шуро Конституцияси Октябрь тұнтариши бўлганлигини тарихий факт сифатида мустаҳкамлаш, 1924 йилги Конституция эса барпо этилган Совет Республикалари Федератив Иттилоқини тасдиқлаши учун қабул қилинган эди. 1927 йилги Ўзбекистон ССР Конституцияси Республика суверенитети ва унинг Шуро давлати таркибига киришини, Ўзбекистон ССР ташкил этилганлигини мустаҳкамлаган эди.

1936 йилги Шуро Конституцияси эса мафкуравий, сиёсийлашган ҳуқуқий тизимини мустаҳкамлашда тарихий воқсалар, чақириқлар, шиорлар билан боғлик мазмунда эканлиги кўзга ташланади. Демак, жамият-

да Конституция ва ҳуқуқ, сиёсатнинг қуролига айланыш моҳияти билан таъсирчан эди.

Натижада Конституция ўз мазмунни билан маъмурӣ-буйруқбозлиқ тизимиға асосланган бошқарувни вужудга келтириди. Шахснинг ҳуқуқий мақоми жамият тараққиётининг талаб-эҳтиёжларига баглиқ ҳолда эмас, балки бюрократиянинг таъсири негизида қатъий белгиланиши, инсоннинг ижодкорлигини ва яратувчандариги чеклаб қўйилишига олиб келди.

1936 йилги Шуро Конституцияси асосида Ўзбекистон ССРнинг 1937 йилги Конституцияси қабул қилинди. Бу Конституция Иттифоқнинг Асосий Қонунидаги мазмунни ўзида тұла ифода этди. Бу конституцияларда улуг давлатчилик гоясининг миллій манбаатлардан устун туриши, унинг әркін тараққиётига, ҳуқуқларига раҳна солди. Оқибатда, инсон ҳуқуқлари: тили, дини, урф-одати, анъаналаридан баҳраманд бўлиш эркинлиги иўқотилди. Миллат мустақиллиги, эркинлиги йулида курашган ўзбек халқининг асл фарзандлари, юксак ақл ва заковат соҳиблари қатагон этилди.

1977 йили Шуро Конституцияси қабул қилинди. Унинг лойиҳаси муҳокамаси аҳолида муайян қизиқиши уйготди. Ўшанды 400 мингдан ортиқ таклиф киритилди. Бу таклиф одамларнинг ҳуқуқий муҳитни яхшилаш, қонунсизлик ва бедодликни тугатиш кайфиятидаги хоҳиш-истакларини ифода этди. 1977 йил Конституциясида фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига оид моддалар сони 1936 йилги Конституцияга нисбатан кўпайди. «Ижтимоий тараққиёт ва маданият» деган янги боб киритилди. Конституцияда жамиятнинг ривожланишига ошириб баҳо берилиши Қонунда белгиланган ва амалда бажарилиши лозим бўлган ҳуқуқлар ўртасида зиддиятни келтириб чиқарди. Чунки белгиланган ҳуқуқларни амалга ошириш имконияти йўқ эди.

Бундан ташқари, бу Конституция сиёсий манифест вазифасини ўтади. У моҳияти жиҳатидан аҳолини навбатдаги вазифаларни бажаришга сафарбар этиш, ўтказилаётган сиёсатни гоявий жиҳатдан мустаҳкамлаш вазифаларини мужассам этарди.

Охирги Шуро Конституцияси юридик жиҳатидан кучли эмасди. Унда баён этилган инсон ҳуқуқларига тааллуқли қоидалар ҳуқуқий кафолатлар билан мустаҳкамланмаган эди, борлари ҳам расмий эди. Конституциянинг амал қилиши қонун тарзидаги меъёрлар

билин чеклаб қўйилди ва издан чиқарилди. Турли кўрсатма ва йўл-йўриқлар Конституция қоидалари ўrniga утаверди. Конституциявий назорат ва текширишнинг самарали тартиботи мавжуд эмасди.

Шуро Конституцияларида инсон ҳуқуқларининг чекланганлик моҳияти:

1. Иқтисодий соҳада: Мулк жамият иқтисодий тараққиётининг асосини ташкил этади. Шуро Конституцияларида ана шу мулк — давлат, умумхалқ мулки деб эътироф этилди. Инсоннинг мулкдор бўлиш ҳукуқи тан олинмади. Яъни ҳусусий мулк рад этилди. Зоро, мулк ҳукуқи инсоннинг иқтисодий-ижтимоий, маънавий ҳуқуқларини белгилаб беради. Мулк давлатнинг қулида бўлиши туфайли инсоннинг давлатга қарамлиги кучайди. Инсон давлатнинг буюртмасини бажарадиган хизматкорга айланди. Натижада, уз ҳуқуқларини ўзи учун эмас, балки давлат йўлида амалга оширадиган бўлиб қолди. Бу мулк ҳукуқининг чекланганлик оқибатидир. У ўз навбатида, меҳнат, касб танлаш, иш билан таъминланиш ҳуқуқларига ҳам салбий таъсир курсатди. Шуни таъкидлаш жоизки, мулк инсондан тортиб олинган жамиятда инсонга берилган ҳуқуқлар амалиетда ўз ифодасини топмайди.

2. Сиёсий соҳада: Давлат ва шахс ўртасидаги сиёсий-ҳукуқий муносабатларда, давлат ҳукуқи юқори бўлиб, инсон ҳукуқлари иккинчи даражага қўйилади. Бу эса сиёсий ҳукуқлар чекланглигини билдиради. Давлат жамият ҳаётидаги муҳим масалаларни ўзи ҳал қилди. Инсоннинг давлат бошқаруви ишларида иштирок этиш, ўз фикрини билдиришга эътибор берилсада, асосий ҳал қилувчи ҳукмни давлат чиқаарди. Бу эса, ҳалқнинг ўрни ва ролини камситишга олиб келди. Конституция ягона ҳукмрон партиянинг сиёсий дастурлари ва мағкурасига бўйсундирилган эди. Сайллов тизими унинг таъсири доирасида ўтказилар эди.

3. Маънавий соҳада: ягона ҳукмрон марксизм-ленинизм мағкураси эди. Синфийлик гояси устун эди. Бу гоялар инсоннинг виждон эркинлиги, эркин ижод қилиш ва бошқа ҳукуқларининг поймол этилишига олиб келди. Ягона мағкуранинг ўрнатилиши илм-фан, маънавият ва маданият ривожланишига салбий таъсир қилди. Ҳар бир кишининг ана шу ягона гоя асосида меҳнат қилишини, ижод қилишини белгилади, инсоннинг маънавий эркинлиги шу асосда чеклаб қўйилди.

Шуро даври Конституцияларида халқ ва миллат сифатидаги қадриятлар, ҳур фикр, гуур әътиборга олинмади. Йўқотилган ана шу гуур қадр-қиммат, орият ўрнини ҳаётда инсон ҳуқуқларига зиён етказувчи бοқимандалик, юлгичлик, таъмагирлик эгаллади.

Шуро давридаги охирги Конституция инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги умумжаҳон эътироф этган қоидаларга мазмунан зид бўлиб, унинг талабларига жавоб бермай қўйди. Бундай ҳолатлар Узбекистоннинг 1978 йилги Конституциясига ҳам тааллуқлидир. Натижада Конституциявий ислоҳот учун зарурат туғилди.

МУСТАҚИЛЛИК ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

Миллий онг, мустақиллик 80-йилларнинг охирига келиб куртак ёза бошлади. 1989 йилнинг 21 октябрида узбек тилига давлат макоми берилди. Бу қонун халқ миъниий ўйтопишнинг илк амалии самарааси эди. У узбек тилининг кўп йиллар давомида топталган ҳақ-ҳуқуқларини тиклашнинг кафолати бўлди. Ушбу Қонун илм-фаннинг ҳамма соҳаларини давлат тилида ривожлантириш учун лозим бўлган шароитларни яратиб берди.

Узбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1990 йил 20 июнда бўлган иккинчи сессиясида Мустақиллик Декларацияси қабул қилинди. Декларацияда Узбекистоннинг давлат мустақиллиги эълон қилинди. Давлат мустақиллиги давлат ҳокимиятининг ўз ҳудудида ва ташқи муносабатларида танҳо ҳокимлигини билдиради. Шунингдек, давлат барча ишларни мустақил ва эркин ҳал қилиш ҳуқуқига эгалигини акс эттиради. Декларацияда «Ўзбекистонда яшаётган барча миллат ва элатларнинг қонуний, сиёсий, иқтисодий, этник, маданий ҳуқуқларига ҳамда она тиллари ривожлантирилишига кафолат берди».

Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисидаги Республика Олий Кенгашининг 1991 йил 31 авгуstdаги Баёноти суверен давлат — Узбекистон Республикаси ўз ҳудудида яшовчи барча халқларга тенг сиёсий ҳуқуқлар ва ижтимоий-иқтисодий ҳамда маданий ривожланишида тенг имкониятларни кафолатланишини қайд этади. Мазкур Баёнотда Узбекистон Республикаси ирқчиликка, шовинизмга, миллатчиликка, халқларнинг ҳуқуқларини чеклаш йўлидаги ҳар қандай уринишларга қатъян қарши чиқиши

таъкидлангандир. 1991 йил 31 августда Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тұғрисида Қонун қабул қилинди. Бунда Мустақиллик Декларацияси ва Баёнот асос булиб хизмат қылди. Ушбу Қонун 17 моддадан иборат. Бу ҳужжатда Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида қўйган илк қадамларининг ҳуқуқий асоси яратилди. Уз моҳиятига кўра уни Муваққат кичик Конституция деб таърифлаш мумкин. Мазкур қонуннинг ютуқларидан бири биринчи марта Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги жорий этилди. Ушбу қонунда Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари миллатидан қатъий назар бир хил фуқаролик ҳуқуқларига эгалиги ҳамда уларнинг Республика Конституцияси ва Қонунлари ҳимоясида бўлиши қайд этилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ун иккинчи чақириқ Ўн биринчи сессиясида (1992 йил 8 декабрда) ҳуқуқий ва ҳалқаро аҳамиятга молик ҳужжат — Мустақиллик Конституцияси қабул қилинди. У иқтисодиётда, ижтимоий-сиёсий муносабатлар ва маънавий ҳаётда чуқур ислоҳотлар ўтказиш учун пухта ҳуқуқий пойдевор яратди.

Мустақил Ўзбекистон Конституцияси жаҳон ҳамжамиятининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ютуқларини тұла ўзида мужассам қиласы. Ушбу Конституция инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясидаги барча муҳим қойдаларни: инсоннинг яшаш, әркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи, мулкдор бўлиш ҳуқуқи ва бошқа шу каби ҳуқуқларни ўз ичига олгандир.

Саволлар ва топшириқлар

1. Инсон ҳуқуқлари қандай тарихий манбаларда ўз ўринини топған?
2. «Авесто»да инсон ҳуқуқлари масаласи қандай ҳал қилинган?
3. Қуръони каримда инсон ҳуқуқларига тааллуклы қандай масалалар учрайди.
4. «Темур тузуклари»да инсон ҳуқуқларига тааллуклы қандай ҳолатлар бор?
5. Собиқ Иттифоқ даврида инсон ҳуқуқларига қандай ёндошилган?
6. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг инсон ҳуқуқларига қандай ҳуқуқий мақом берилди?

З-мавзу. ЖАМИЯТДА ШАХСНИНГ ЎРНИ ВА УНИНГ ҲУҚУҚИИ ҲОЛАТИ

ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИК ТУШУНЧАСИ. ЖАМИЯТ ВА ШАХС ҲАҚИДА ТУШУНЧА

Шахс билан жамият, давлат ўртасидаги ўзаро муносабатлар тўгрисидаги муаммо энг мураккаб ижтимоий масалалардан биридир. Кишилик жамияти пайдо бўлиши билан, дунёда қудратли куч бўлган инсон вужудга келади.

Фирдавсий фикрича, барча нарсанинг ижодкори инсондир. У шундай ёзади:

Инсондан яхшилик, нур ва равшанлик,
Инсонсиз дунёда йўқ фаровонлик.

Инсон жамоа таъсири жараённида ўз шахсиятини ~~шакллантира беради, яъни ижтимоий муносабатларда~~ иштирок этади, меҳнат қилади, маданий бойликлар яратади ва ҳоказо. Шахснинг инсон сифатида жамиятда тутган ўрни, инсоний хислатлари, қадриятлари ҳақида жуда қадимдан буюк мугафаккирлар, алломалар, донишманлар ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирганлар. Улар инсон дунёда чексиз ҳурмат ва эҳтиромга лойиқ эканлигини ёқлаб чиққанлар. Масалан, Форобий фикрича, жамиятда яшовчи шахсларнинг ўзаро муносабати, уларнинг ижтимоий фаолиятлари, жамиятнинг ўзгариши, ривожланиши, баҳт-саодатга эришиши жамоа аъзоси бўлган инсонларга болжикдир. Кишилар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик, ўзаро ёрдам инсон жамоасини келтириб чиқаради. Дарҳақиқат, ёргу дунёда кишилар бир-бирларига ёрдам берсалар, тинч-тотув яшасалар ўзаро инсофли бўлсалар, бу жамиятда улар баҳт-саодатга эришадилар. Форобий таъкидлаганидек, «Инсон ўз табиати билан шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражадаги стукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга мухтоҷ булади, у бир узи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди, уларга эга бўлиш учун инсонлар жамоасига эҳтиёж туғилади... Шунинг учун инсон шахслари кўпайдилар, ...Натижада инсон жамоаси вужудга келди».¹

Инсонларнинг хатти-ҳаракати, феъл-атвори шахсда ўз ифодасини топади ва шу билан бирга жамиятда

¹ Форобий ҳикматлари. Фозил одамлар шаҳри. Т., 1993 йил, 186-бет.

инсон у ёки бу ҳуқук ва бурчларга эга бўлиши натижасида шахсга айланади. Шахс дейилганда муайян ҳуқук ва эркинликларга эга бўлган, ўзига хос интеллектуал, руҳий, иродавий, шахсий белги ва сифатларга эга бўлган инсон тушунилади. Фалсафий нуқтаи назардан шахс бир инсоннинг жамиятдаги ўрнини билдиради. Дунеда бир-бирига ухшайдиган, лекин тамомила бир хил бўлмаган кишилар мавжуддир. Уларнинг алоҳида хусусиятлари ақлида, ҳис-туйгуларида, иродасида намоён бўлади. Инсоннинг шахс сифатида шаклланиши жамиятга боғлиқ бўлади, шунингдек жамият тараққиёти ҳам шахснинг амалий фаолияти билан узвий боғлиқдир. Масалан, ҳар бир АҚШ Президентининг тутган сиёсати, унинг обрўи, давлатни бошқариши АҚШнинг ривожланишига катта таъсир курсатган. Сиз бу ҳақда тарих курсидан биласиз. Бугунги кунда жуда кўп Ўрта Осиё худудида яшаб ўтган тарихий шахсларни ўрганмоқдамиз ва уларнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашларини ҳаётга татбиқ этмоқдамиз. Узбекистон Республикасининг биринчи президенти И. А. Каримовни ҳам шахс сифатида жуда кўп хорижий давлатлар таниди. Леонид Левитин ва Доналд С. Карлайл Президентни шахс сифатида шундай баҳолайди: «Ислом Каримов Президент сифатида уз аъмолини уз мамлакати Узбекистонга ҳам, дунёга ҳам такрор-такрор баён қилди... У сўзининг устидан чиқади. Айтганларига содиқ. У қадам-бақадам, ўзида қанча кучи бўлса, ижтимоий онгнинг айнишига, меҳнатга, қарияларга ва аёлларга ҳурматнинг орадан кўтарилишига ҳалқ ахлоқи ва, умуман, маънавиятнинг қадрсизланишига йўл кўймасликка интилали».¹ У шахс сифатида давлат ҳокимиятининг барча тармоқларида инсон фаолиятини, инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилишга қаратилган шарт-шароитлар яратишга интилади.

И. А. Каримов шахс сифатида фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатни қуриш жараённида жуда кўп ишларни қилмоқда ва жамиятимиз ривожига катта ҳисса қўшмоқда. Аксинча тарихда шундай шахслар бўлганки, улар жамият тараққиётини, давлат равнақини бир неча юз йилларга орқага суруб юборганлар. Масалан, А. Гитлернинг фашистик сиёсати натижасида жуда кўп давлатлар ривожи орқага сурилди.

И. Каримов — янги Узбекистон Президенти. Т., 1996 йил, 13—15-бетлар.

Халқимиз жуда қадимдан жамиятда яшовчи шахсларнинг инсоний фазилатлари ва хислатларини — дұстлик, үзаро ҳамкорлик, сахийлик, камтарлық, одамийлик, инсонпарварлық, ватанпарварлық, меҳнатсеварликни улуғлаб келгандар. Инсонга тұғри келмайдиган иллатларни: гарразгүйлик, ёвузылк, худбиилик, манманлық, андишасизлик, гийбатчилик, ҳаёсизликтарни эса қоралагандар. Жамиятта шахсларнинг инсоний фазилатларга эта булишлари, әркинликлардан фойдаланишлари, берилған мажбуриятларни бажаришлари уларнинг камолотта, етукликка олиб келади. Шахс камолоттада тарбия муҳим ақамият касб этади. Бу тарбия айнан шу жамиятдан ажралған ҳолда алоҳида амалга оширилмайди.

ШАХСНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ

Жамият ва шахс үртасидаги муносабатлар давлат пайдо бўлгандан сўнг асосан давлат ва шахсга нисбатан акс этади. Чунки давлат жамиятдан келиб чиқди. Шахснинг давлатдаги ҳолатини ҳуқуқий қоидалар билан мустаҳкамлаш натижасида янги тушунча — шахснинг ҳуқуқий ҳолати тушунчаси пайдо бўлади.

Демак, ҳали давлат пайдо бўлмаган жамиятда яшаган инсонлар урф-одат, расм-руsum, анъаналар қоидалари асосида яшагандар. Улар яшаш шароитида, юриш-туришида ушбу қоидаларга риоя қилгандар. Бу қоидалар авлоддан-авлодга утиб келган.

Давлат пайдо бўлиши билан эса шахсларнинг ҳуқуқий ҳолатини белгилаб берадиган қоидалар давлатнинг қонуний хужжатларида акс эта бошлаган. Шахс ҳуқуқий ҳолатга эта бўлиши билан давлат ривожи, унинг тараққиётiga улкан ҳисса қўшади. Давлатнинг қудратли, кучли бўлишида юксак малакали, ахлоқан баркамол шахслар керак. Шахснинг фуқаролик жамиятидаги ўрнини И. А. Каримов шундай баҳолайди: «Биз оддий ҳақиқатни тушуниб етишимиз керак: бизнинг давлатимиз, жамиятимизни бирор четдан келиб қуриб бермайди. Унинг ҳаёти ўз ватанининг келажаги билан узвий bogлиқ бўлган биз ўзимиз, шу миллат фарзандлари бунёд этамиз»¹.

¹ И. А. Каримов. Бунёдкорлик йўлидан. 4-том. Т., 1996 йил, 49-бет.

ФУҚАРОЛИК ТУШУНЧАСИ

Шахс давлат билан бұлған муносабатларда фуқаро сифатида иштирок этади. Фуқаро — бу бирор мамлекаттинг доимий ақолиси деган маънони билдиради. Юридик фанларда фуқаро жисмоний шахс деб юритилади. Конунга кўра Фуқаролар (Жисмоний шахслар) деганда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, бошқа давлатларнинг фуқаролари, тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқароси — бу шахснинг давлат билан сиёсий ва ҳуқуқий алоқасидир, унинг ёрдами билан шахс қонунларда белгилаб қўйилган ҳамма ҳуқуқларга эга бўлади, давлат ҳимоясидан фойдаланади ва давлатга нисбатан жамики муайян бурчларини бажаради. Ўзбекистон Республикаси Фуқаросини тасдиқловчи асосий ҳужжат — паспортдир. Паспорт олингунга қадар эса тугилганлик тўғрисидаги гувоҳнома Ўзбекистон Республикаси Фуқаролигини тасдиқловчи асосий ҳужжат деб ҳисобланади. Тугилганлик тўғрисидаги гувоҳнома, Ўзбекистон республикаси Фуқароси паспортини бериш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 13 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Фуқаросининг паспорти тўғрисида»ги Низоми билан ҳамда 1994 йил 23 декабря эълон қилинган «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисида»ги Низомни амалга киритиш ҳакида Ўзбекистон республикаси Президентининг фармони билан белгиланади. Ушбу Низомга асосан Ўзбекистон Республикасининг 16 ёшга тўлган барча фуқароларида Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспорти бўлиши шарт деб таъкидланган.

Ўзбекистон Республикаси Паспорти хорижга жўнаб кетиш чогида ҳам амал килади. Паспорт республика ички ишлар органларида берилади. Ўзбекистон Республикаси Фуқароси паспорти бутун Ўзбекистон Республикасида ягона намунада ўзбек, рус, инглиз тилларида, Қорақалпогистон Республикаси учун эса, қорақалпоқ, узбек, рус ва инглиз тилларида тайёрланади ва у 32 бетдан иборатdir.

Фуқаролар Паспорт тизими қоидаларини бузганлик учун Ўзбекистон Республикаси Конунчилигига белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

«Чет эл фуқаролари» деганда Ўзбекистон ҳудудида яшаётган дипломатик ва консуллик муассасаларининг ходимлари, ўқув юртларида билим олаётган шахслар,

тажриба урганиш учун келган шахслар, құшма корхона ташкил қылған ва унда ишилдеган чет эллик шахслар ва уларнинг оила аъзолари, шунингдек сайҳалар тушунилади.

Булардан ташқари Ўзбекистон ҳудудида фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам яшайдилар. «Фуқаролиги бўлмаган шахслар» деганда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаб турган Ўзбекистон фуқароси бўлмаган ва чет эл фуқаролигига мансублигини исботлайдиган далиллари бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон фуқароларининг ҳуқуқий ҳолатларидан фарқи, уларнинг сиёсий ҳуқуқлардан фойдалана олмаслигига қўринади. Масалан, улар давлат ишларини бошқаришда, ўз вакилини сайлаш, референдумда қатнашиш ҳуқуқларидан маҳрум. Уларга Ўзбекистон Республикаси Куроли Кучлари сафида хизматни уташ мажбуриятти юқлайдиган. Лекин чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаганлар Конституция ва қонунларда назарда тутилган ҳуқуқлар ва эркинликлардан, шунингдек, ўзларига тегишли бўлган шахсий, мулкий, оиласвий ҳуқуқлардан фойдаланадилар ҳамда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судларга мурожаат этишга ҳақлидирлар. Улар Конституциямиз қоидлари асосида миллати, ирқи, жинси, диний эътиқодидан қатъий назар таъқиб этилмаслиги кафолатланади. Жумладан, «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида»ги халқаро Пактнинг 16-моддасида қаерда туришидан қатъий назар, ҳар бир инсон ўзининг ҳуқуқ субъекти эканлигини тан олиниши ҳуқуқига эгадир. Ўзбекистон Конституциясининг 4-моддасида эса Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди деб, конститутциявий талаб даражасига кўтарган.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига белгиланган ҳужжатлар асосида яшайдилар. Ўзбекистон Республикаси Президенти 1994 йил 23 декабрда тасдиқлаган «Хорижий шахсларга, фуқаролиги бўлмаган шахсларга бериладиган Ўзбекистон Республикасида яшаш учун гувоҳнома ва фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномаси тўғрисидаги Низом» асосида уларга Ўзбекистон Республикасида яшаш ҳуқуқларини билдирадиган маҳсус ҳужжат —

гувоҳномалар берилади. Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаганлар Узбекистон Республикасида яшаш даврида Узбекистон Республикаси Конституцияси ва конунларини хурмат қилишлари ҳамда уларга амал қилишлари шарт. Улар бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини хурмат қилишлари лозим.

Давлат ва алоҳида шахс ўртасидаги доимий ва барқарор ҳуқуқий алоқа фуқаролик бўлиб, бунда шахс давлат томонидан белгиланган барча ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланади, бурчларни бажаради, давлатнинг ҳимоясида бўлади. Шахснинг ҳуқуқий ҳолати фуқаролик билан белгиланади.

Давлат билан шахс ўртасидаги фуқаролик сифатида тавсифланувчи ҳуқуқий алоқа ўзининг мустаҳкамлиги билан ажralиб турди. Биринчидан, ҳуқуқий алоқа шахс республика фуқароси бўлган пайтдан бошлаб вужудга келади ва унинг вафотига қадар давом этади; иккинчидан, фуқаро республика ташқарисига жунаб кетганда ҳам ҳуқуқий алоқа тўхтаб қолмайди.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги қўйидағи асосий хусусиятлар билан тавсифланади:

— республика фуқаролиги унга эга бўлиш асосларидан қатъий назар, барча учун баробардир;

— республика фуқаролари келиб чиқиши, ижтимоий мавқеи, жинси, ирқи, миллати, тили, динга муносабати, маълумоти, сиёсий ва бошқа эътиқодлари, машгулотининг тури ва характеристери, бошқа ҳолатларидан қатъий назар, қонун олдида тенгдирлар;

— республика фуқароларининг тснглиги иқтисодиёт, сиессат ва маданий ҳастилининг ҳамма соҳаларида таъминланади;

— республика фуқаролари ҳисобланган шахсларга хорижий давлат фуқаролари деб қарабормайди. Алоҳида ҳолларда ватандошларимиз — хорижий давлатларнинг фуқаролари республика Олий Мажлиси маҳсус депутатлик комиссиясининг илтимоси ва хулосасига кура, республика Президентининг қарори билан республика фуқаролигига қабул қилинишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикасида фуқаролик тўғрисидаги барча қоидалар 1992 йил 2 июлда қабул қилинган, «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги қонунда баён этилган. Бу қонун билан сиз 9-синфда танишгансиз.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришга-

нидан сўнг фуқароликнинг мазмуни тубдан ўзгарди. Республикамиз тарихида биринчи марта Узбекистон Фуқаролиги ўрнатилди.

Узбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ягона фуқаролик жорий қилинди. Конституция лойиҳаси умумхалқ муҳокамасида бўлган даврдаги баъзиларнинг икки фуқаролик ҳақида фикрларини рад этиб, И. А. Каримов шундай деган эди: «Демократик ҳуқуқий давлатда фуқаролик фақат биргина миллий таомойил асосида белгиланмайди. Агарда фуқаролик миллий таомойил асосида белгиланса, инсонга миллатига қараб турли хил ҳуқуқий мақом берилса, бу охир-оқибатда жамият барқарорлигининг бузилишига олиб келади. Икки давлат фуқаролигига мансублик ачинарли ҳолдир. Бу беватанлик билан баробардир. Мамлакатимизда муайян кишилар ёки айрим миллат ёхуд этник гуруҳларнинг икки давлат фуқароси булиши учун на сиёсий на ҳуқуқий асос ^{Бор}»¹.

Дарҳақиқат, юқорида айтиб утилганидек, фуқаро ўз давлатида иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва маданий турмушда иштирок этади. Шундай экан, агар у икки фуқароликка эга бўлса, қайси давлатнинг сайлов тизимида қатнашади, қайси давлатни ҳимоя қиласи? Бу масалалар атрофлича ўрганиб чиқилиб, ягона фикрга келиниб, ҳар бир давлатда ягона фуқаролик ўрнатилиш жаҳон миқёсида ҳам белгиланган.

Ягона фуқароликнинг маъноси: биринчидан, давлатнинг ягоналиги, яхлитлигидир; иккинчидан, барча фуқаролар, жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролари, бир хил сиёсий-ҳуқуқий мақомга эга, яъни Қорақалпоғистон Республикасининг фуқароси айни вакъта Узбекистон республикасининг фуқароси ҳисобланиб, давлат-ҳуқуқий муносабатларнинг тўлақонли субъектидир; учинчидан, Узбекистон ҳудудида фуқаролар teng ҳуқуқли бўлиб, уларнинг қонуний манфаатлари давлат томонидан муҳофаза қилинади.

Қонунга кўра фуқароликка эга бўлиш асосларидан қатъий назар республикамизда барча учун teng фуқаролик жорий этилади.

¹ И. А. Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т., 1994 йил. 188-бет

ФУҚАРОЛИКНИНГ МАЗМУНИ

Фуқароликнинг мазмунни шахснинг республикага нисбатан ҳуқуқлари ва бурчларини ҳамда республика-нинг шу шахсга нисбатан ҳуқуқлари ва бурчларини ўз ичига олади. Шахснинг ҳуқуқий ҳолатини белгилаб берадиган фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари деганда, ҳар бир фуқаро учун Узбекистон Республикаси томонидан белгилаб берилган ва Конституцияда мустаҳкамланган имкониятлар тушунилади.

Шу уринда «ҳуқуқ» ва «эркинлик» сўзларининг маъносини билиб олишингиз лозим. Ҳуқуқ — бу давлат томонидан ўрнатилган, Конституция ва қонунларда белгиланган, давлат томонидан ҳимоя қилинадиган кишиларнинг юриш-туриши қоидалари йигиндисидир. Эркинлик эса — бу инсоннинг объектив зарурятни англаш асосий ўз мақсад ва манфаатларига мувофиқ ҳаракат қилиш қобилиятидир. Асосий ҳуқуқ ва эркинлик даражаси жамиятнинг ижтимоий тузумига, ишлаб чиқариш воситаларининг кимнинг ихтиёрида эканлигига, халқнинг тобора ўсиб бораётган фаоллигига bogлиқdir. Фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари уларнинг дунёда еб-ичиши, кийиниши, уй-жойли булиши, меҳнат қилиши, оила қуриши, фарзандли булиши, ҳордиқ чиқариши, даволаниши, моддий ва маънавий эҳтиёжларни қондириши жараённида муҳим аҳамиятга эга. Булардан фойдаланиш инсон ва фуқароларнинг объектив заруратни англаш асосида ўз мақсад ва манфаатларига мувофик ҳаракат қилиш қобилиятидан келиб чиқади, унга хиснат қилиш мумкин эмас. Бу ҳақда «Инсон ҳуқуқлари умумжахон Декларациясининг 2-моддасида «ҳар бир инсон, бирор-бир айримачиликсиз, ирқи, терисининг ранги, жинси, тили, дини, сиёсий эътиқоди ёки бошқа эътиқодларидан, миллий ёки ижтимоий келиб чиқишидан, мулкий аҳволи, қайси табақага мансублиги ва бошқа ҳолатларидан қатъий назар барча ҳуқуқ ва эркинликлар соҳиби булиши керак», деб баён этилган.

Фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт. Бу Конституцияда қонуний белгилаб қўйилгандир. Агар фуқаро фақат ўз ҳуқуқларини кўзласа-ю, бошқа ўзига ўхшаган фуқароларнинг ҳуқуқларига путур етказса, бу қонунсиз-

ликка олиб келади. Масалан, ўзининг тўк яшаши учун, бирорнинг мулкини ёки давлат мулкини ўғирласа, менга сўз эркинлиги берилган деб, бошқа бирорни ҳақорат қиласа, бу албатта қонунсизлик ҳисобланади.

ФУҚАРОЛАР ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

Фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларидан тўғри фойдаланишлари ва зиммаларига юқлатилган бурчларни ҳалол, ихтиёрий ва вижданан бажаришлари лозим. Булар эса маълум бир қоидалар — тамойиллар асосида амалга оширилади. Бу тамойилларга қонунийлик, тенг ҳуқуқлилик, шахсий ва ижтимоий манфаатларнинг уйгулашганлиги, ҳуқуқ ва бурчларнинг бирлиги тамойиллари киради.

Қонунийлик тамойили. Сизга маълумки, қонунийлик барча давлат органлари, манеабдор шахслар ва фуқаролар томонидан Ўзбекистон Конституцияси, республика қонунлари ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларнинг аниқ ва оғишмай бажарилишида ўз ифодасини топади. Қонунийлик бу ҳамиша ҳуқуққа асосланган барқарорликдир. Қонунийлик ишонч тугдиради, қонуннинг адолатлилиги унинг инсон ва жамият мустақиллиги эҳтиёжларига мослигидан келиб чиқади. Қонунийлик ва эркинлик ўртасида ихтилоф юз бермаслиги учун кишиларга давлат тартиби ва давлатнинг Ўзбекистон истиқлол ва тараққиётининг ташкилотчиси сифатидаги аҳамиятини тушунтириш жуда муҳимдир. Еш давлатимизда қонунийликка риоя этмасликни ҳеч нарса билан оқлаб булмайди. Конституциянинг 18-моддасида Ўзбекистонда барча фуқароларнинг бир хил ютуққа эгалиги, қонун олдида тенглиги, бу ҳуқуқ ва эркинликларнинг дахлсизлиги эълон килинган ва инсон ҳуқуқлари конституция химоясига олинган.

Масалан, сиз мактабнинг ички қоидаларига ва шу билан боғлиқ бўлган тартибларга риоя қилишингиз ўқитувчингизга, мактабингизга нисбатан, қолаверса, ҳаммага нисбатан ҳурматингизни билдиради. Эртага меҳнат фаолиятини бошлаганингизда ҳам тегишли қонун-қоидаларга сўzsиз бўйсунишингиз шарт. Бу билан инсон ҳуқуклари поймол бўлмайди, аксинча, узгаларни ҳурмат қилсангиз, вазифангизни сидқидилдан адо этсангиз, ҳалққа, жамиятга унумлироқ фойда кслтиришингиз мумкин.

Демак, жамиятда яшаётган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолатини белгилаш қоидаларига бўйсуниш, шахснинг ўзига, ҳам у яшаётган жамиятга фойда келтиради.

Тенг ҳуқуқлилик тамойили. Тенг ҳуқуқлилик республика фуқароси ҳуқуқий мақомининг асосий хусусиятидир. У ҳамма фуқаролар ҳуқуқлари ва бурчларининг тенглигини билдиради. Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдида тенгдирлар. Бу тенгликнинг асосий талаби — қонуннинг ҳамма учун бир хилда бўлиши ва ҳар бир кимсага нисбатан айнан бир хил кучга эга бўлишидир.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг тенг ҳуқуқлилиги — мустақиллигимизнинг буюк ютуқларидан биридир. Тенг ҳуқуқлилик — турли миллат ва элатларнинг тенг ҳуқуқлигини, барча фуқароларнинг қонун ва суд олдидаги тенг ҳуқуқлигини, касб танлашда, меҳнат қилишда, умуман шахсий, сиёсий, иктиносий, ижтимоий ҳуқуқлардан фойдаланишдаги тенг ҳуқуқлигини ўз ичига олади.

Умумжаҳон Декларациясининг 1-моддасида «барча одамлар эркин, қадр-қиммат ва ҳуқуқларда тенг бўлиб туғиладилар», деб белгилаб қўйилган. «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўгрисида халқаро Пакт»нинг 26-моддасида эса «...қонун бирор бир аломатга кўра, яъни ирқи, терисининг ранги, жинси, тили, дини, сиёсий эътиқоди ва бошқа эътиқодлари, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мулкий аҳволи, насл-насаби (туғилиши) ва бошқа ҳолатлардан қатъий назар. барча шахсларга камситишга қарши тенг ва самарали муҳофазага кафолат бериши керак» деб таъкидланган.

Дарҳақиқат, ўзбек халқининг миллий тотувлиги 130 дан ортиқ миллатни ўз қадрдонларидек бағрига олган юртимизда миллатлараро тотувликнинг энг муҳим шартидир. Бугунги кунда кўплаб кишилар ўз она тилида маълумот олиш, фарзандларини миллий руҳда тарбиялаш имкониятига эга бўлмоқдалар. Миллий маданият марказлари ҳам маданий ва маънавий уйганиш борасида жуда катта ишлар қилмоқда.

Республикамиз фуқаролари қонун ва суд олдида ҳам тенгдирлар. Бу қоида демократик қоидадир. Фуқароларнинг қонун олдида тенглиги тамойилини ҳаётга татбиқ этиш бутун жамият аъзолари ягона қонун-

лар тизимиға итоат этишлари, ҳуқуқий қоидаларга сұзсиз риоя қилишлари ва уларни бажаришлари, ҳар бир фуқаро қонунни бузищдан үзини тийиши шартлигини англатади. Бу жараёнда одил судлов алоҳида давлат ҳокимияти сифатида фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ута мұхым юридик кафолати ҳисобланади. Барча фуқаролар суд олдидә тенг жавоб берадилар.

Юқорида айтиб үтилганидек, фуқаролар белгиланған шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланишда ҳам тенг ҳуқуқларга эга. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Конституциясида таъкидланғанидек хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидиirlар. Уларга илм олишда, касб-хунар үрганишда, мөхнат қилишда, мөхнат учун ҳақ тұлашда, давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирок этишда, сайлаш ва сайланишда эркаклар билан тенг имконияттар яратып берилгандыр. Бұгунғи кунда аәллар раҳбар лавозимларда, табибиркорлық ишларыда фаол қатнашмоқдалар. Давлат ҳокимиятининг вакиилік органдарыда күшпіна аәллар депутат булиб ишламоқдалар. Аәллар мөхнати ҳам эркаклар билан тенг асосда рағбатлантирилмоқда. Бунинг әрқин далили қилиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 6 марта қабул қылған фармонини күрсатишимиз мүмкін. Бу фармонға күра 40 та аәл республика мукофотлари билан тақдирләндилар.

Бундан ташқары 1995 йил 6 майда Ўзбекистон Республикасининг 1979 йил 18 декабрда Нью-Йоркда қабул қылған «Хотин-қизларни камситишнинг барча шакларига барҳам бериш тұгрисидаги Конвенцияга құшилиши ҳақида»ғи Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисінинг қарори қабул қылған. Бу ҳам республикамызда аәлларнинг тенг ҳуқуқлигини таъминлашда олға қойылған яна бир қадамдир.

Шахсий ва ижтимоий манбаатларнинг үйғунлаштирилғанлиги тамойили. Ҳуқуқий давлатни барпо этиш жараёнда фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларининг тұла ва ҳар томонлама амалға оширилишидан нафақат фуқароларнинг үzlари, балки давлат ҳам манбаатдордир.

Фуқароларнинг үз ҳуқуқлари ва эркинликларидан кеңг фойдаланишлари уларнинг фаолитини оширади ва давлат олдидә турған вазифаларнинг бажарылышыни осонлаштиради. Фуқаролик жамиятида фуқаролар

манфаатларининг аниқланиши, бу манфаатларнинг давлат ва жамият манфаатлари билан уйғунлаштирилиши муҳим аҳамиятга эга.

Фуқаролар республикамиз манфаатларини ҳимоя қилиши, унинг қудрати ва обрӯ-эътиборини мустаҳкамлашга күмаклашиши, жамият манфаатларига зид хатти-ҳаракатларга нисбатан муросасиз бўлишлари лозим.

Давлатимизнинг барча ислоҳотлари республикамизда яшаётган барча фуқаролар учун муносаб ҳаст шароитларини ташкил қилиб беришга қаратилгандир. Шундай экан, фуқароларга белгилаб берилган асосий ҳуқуқ ва эркинликлардан тўгри фойдаланиш давр талабидир.

Фуқаро ўз ҳуқуқ ва эркинликларини билиши — унинг бошқа кимсалар томонидан поймол этилишига йўл қўймаслигидир. Жуда кўп ҳолларда фуқаролар ўз ҳуқуқларини давлат органларининг аралашувисиз амалга оширадилар. Лекин фуқаронинг ҳуқуки бузилса, у албатта суд томонидан ҳимоя қилинади. Чунки шахсий манфаатга тўсқинлик қилиш пиравард натижада ижтимоий манфаатга тўсқинлик қилишга олиб келади. Фуқаролар қанчалик ўз ҳуқуқ ва эркинликларидан кенг фойдалансалар, улар шунчалик жамиятдаги мавжуд бўлган иллатларга қарши кескин кураша оладилар. Ҳеч ким фуқаролар устидан тазиик ўтказа олмайди. Бу эса бутун жамият ҳастини янада демократиялашга ёрдам беради. Агар инсон ўз мақсадларини амалга ошириш йўлида ижтимоий муҳитни ва бошқа кишиларни писанд қилмаса, у узоққа боролмайди. Шунинг учун ҳам ҳар бир фуқаронинг манфаати ижтимоий манфаатлар билан уйғунлашиб бориши лозим.

Фуқаролар ҳуқуқлари ва бурчларининг бирлиги таомили. Фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларидан ташқари унинг жамият ва умуминсоният олдидағи бурчи ва масъулияти ҳам мавжуддир. Демократик давлатда истиқомат қилувчи фуқаролар жамият тақдиди учун масъулият ҳис қилмоқлари лозим. Асосий ҳуқуқ, эркинликлар ва бурчлар давлат билан шахс уртасидаги ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий шаклидир. Давлат ўз ихтиёридаги барча воситалар билан фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларининг амалга оширилишини ва бурчларининг бажарилишини таъминлайди. Дарҳақиқат, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинлик-

ларига давлатнинг муайян бурчлари мувофиқ келади. Масалан, фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқига, давлатнинг қонунларда белгилаб қўйилган ҳалол меҳнат қилиш бурчи мувофиқ келади. Кўриниб турибдики, ҳуқуқ ва бурчларнинг бирлиги таъминланмокда.

Бундан ташқари, фуқаро фойдаланаётган ҳуқуқ ва эркинликлар маълум қоидалар асосида амалга оширилади. Масалан, Конституциянинг 38-моддасига кўра фуқароларга дам олиш ҳуқуқи берилган. Лекин бу ҳуқуқдан фойдаланишда сиз Узбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 126-моддасида кўрсатилган дам олиш вақти — ходим меҳнат вазифаларини бажаришдан ҳоли бўлган ва бундан у ўз ихтиёрига кура фойдаланиши мумкин бўлган вақтдир, деган қоидадан келиб чиқиб, қонундаги дам олиш вақтининг муддатлари, дам олиш кунлари ҳақидаги қоидаларга амал қиласиз.

Конституциянинг 41-моддасига бора оғизни билим
олиш ҳуқуқига эга деб қайд этилган. Бу ҳуқуқ берилган экан деб, мактабга кеч қолиб келиш, мактаб жиҳозларига зарар етказиш, хоҳлагандан дарс қилиб, хоҳламагандан дарс қилмаслик, мактабнинг ички қоидаларига риоя этмаслик, мумкин эмас. Бунинг учун давлат томонидан «Таълим тўгрисида»ги конун кабул қилинган. Бу қонунда таълимга тааллукли барча қоидалар белгилаб берилган. Бу қоидаларга барча ўқувчилар риоя этишлари шарт. Кўриниб турибдики, ҳуқуқ ва бурч доим ҳамоҳанг, бир-бири билан уйгуналашиб боради.

Конституцияга кура фуқаролар олдида давлат органлари масъулиятининг белгилаб берилиши ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлашга қаратилган муҳим воқеадир. Давлат фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш вазифасини узининг турли органларига юклайди. Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва бурчларини кафолатлаш мақсадида давлат органлари томонидан ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинади.

Ҳуқуқий давлат барпо этиш жараённида давлат билан шахс үзаро муносабатларининг муҳим Конституциявий қоидаси фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларининг тобора кенгайиб боришидир. Дарҳақиқат, инсон тугилиши билан яшаш ҳуқуқига эга. Бу ҳуқуқ инсоннинг табиий ҳуқуқидир. Конституцияда эса бу ҳуқуқнинг мустаҳкамланганлиги сабабли, бу ҳуқуқ Конституциявий ҳуқуқ бўлиб қолади. Давлат томонидан

Эса яшаш ҳуқуқи кафолатланади, яъни бир қанча қонунлар (Жиноят кодекси, Фуқаролик кодекси ва ҳоказо) билан муҳофаза этилади. Демак, инсон ҳуқуқлари жамиятимизда фақат қонунлар билан эмас, балки ҳалқ ўзини англаши, унинг эзгуликдек ахлоқий тажрибаси билан ҳам мустаҳкамланади. Демак, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари тобора кенгайиб бормоқда.

Мустақилликка эришгандан сўнг давлатимизда руй бераетган янгиликларнинг ҳаммаси аввало ҳар бир кишига чинакам инсоний ҳаёт шароити яратиб беришга қаратилгандир.

Инсон ва унинг ҳуқуқи, қадим замонлардан бизнинг давлатимиз ҳаётида бош масалалардан бири булиб келган. Узбекистон ҳудудида яшаб, ижод қилган мутафаккирларнинг асарларида инсон ва унинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоя қилинган ва бу ҳақда жуда кўп фикрлар билдирилган. Масалан, «Авесто», «Зафарнома», «Шоҳнома»ларда, Форобийнинг «Фозил одамлар шаҳри», Ибн Синонинг «Донишнома», А. Темурнинг «Темур тузуклари», Аҳмад Донишнинг «Наводирул ваке» асарларида инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўгрисида фикрлар, таълимотлар талайгина.

Дарҳақиқат, қайси мамлакатда шахснинг қадр-қиммати, ҳақ-ҳуқуқлари қонун томонидан ҳимоялансан, қўриқлансан, бундай давлатларда умумий манфаатдорлик, тинчлик ва осойишталик барқарор бўлади.

Саволлар ва топшириқлар

1. «Шахс» деганда нимани тушунасиз? Шахснинг жамиятдаги урни қандай?
2. Шахс ва фуқаро уртасида қандай фарқ бор?
3. Шахснинг ҳуқуқий ҳолати қандай белгиланади?
4. Фуқаролик деганда нимани тушунасиз? Бизнинг республика-мизда қандай фуқаролик ўрнатилган?
5. Эркинлик нима? Ҳуқуқ нима?
6. Давлат билан шахс уртасидаги муносабатлар қайси тамойиллар асосида амалга оширилади?

4-мавзу. ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ТҮГРИСИДАГИ ҲУЖЖАТЛАР

ХАЛҚАРО ҲУЖЖАТЛАР ВА УЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Инсон ҳуқуқлари — бу инсоният тарихий тараққиётининг умумий ютуғидир. Бу соҳанинг шаклланиши ва ривожланишида күплаб давлатларда қабул қилинган миллий ҳужжатлар асосий роль уйнайди. Булар — 1689 йили Англиядаги, 1789—1791 йилларда Америкадаги «Инсон ҳуқуқлари түгрисидаги Билль», 1789 йили Франциядаги «Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари түгрисида»ги ҳужжатлардир.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кишилик жамияти тарихида муҳим муаммолардан бири бўлган. Чунки халқларнинг, миллатларнинг эркин тараққиёти, инсон ҳуқуқлари тоталитар тузумнинг мавжудлиги тифайли ноймоя этилди. ~~Бу тузум XX асрда инқирозга юз тутиб, миллатларнинг эркин тараққиёт йўлини танлаш ҳуқуқини қўлга киритишларига имкон яратди.~~

Инсониятга азоб-укубат, кулфатлар келтирадиган уруш оғатларидан келгуси авлодларни халос этиш, инсон ҳуқуқларини халқаро миқёсда ҳурмат қилининини таъминлашиб БМТ фаолиятининг асосий мақсадига айланди. Бу мақсадлар БМТнинг инсон ҳуқуқлари түгрисидаги халқаро аҳамиятга эга ҳужжатларида ўз ифодасини топган.

Инсон ҳуқуқлари түгрисидаги ҳужжатлар ҳуқуқий куч-қудрати жиҳатидан уч турга бўлинади: халқаро, минтақавий, миллий ҳужжатлар. Халқаро ҳужжатларга БМТ Устави, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар түгрисидаги пакт, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар түгрисидаги пакт ва бошқалардир.

Инсон ҳуқуқлари түгрисидаги халқаро ҳужжатларнинг ўрни шу билан белгиланадики — унда умумжаҳон манфаатларига хизмат қиласидиган ҳуқуқий меъёрлар мужассамлашган. Бу ҳуқуқий меъёрлар инсон ҳуқуқларига, демократик ғояларга садоқат, фуқаролар тинчлиги, миллий ва миллатлараро тотувлик, давлатлараро низоларни тинч йўл билан ҳал этиш тамойилларига асосланади.

Ҳозирги пайтда инсон ҳуқуқлари түгрисида халқаро стандартлар мавжуд. Жаҳонда инсон ҳуқуқлари соҳасига тааллуқли 70 стандарт қабул қилинган. Бу

хужжатларда давлатнинг ўз фуқаролари олдидағи мажбуриятлари белгилаб берилган. Узбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари соҳасига даҳлдор ушбу стандартларнинг 21 тасига қўшилгандир.

Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги ҳалқаро ҳужжатларнинг аҳамияти шундаки, улар ҳозирги пайтда ҳалқлар ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш, инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ва уларни тұла амалга ошириш, кишилар турмушини яхшилашда муҳим роль ўйнамоқда.

БМТ Устави илк маротаба инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида давлатларнинг биргаликда, муштарак ҳаракат қилиш тамойилларини мустаҳкамлаган ҳужжатdir. Устав 1945 йил 26 июнда Сан-Франциско таъсис конференцияси қатнашчиси булган давлатлар томонидан қабул қилиниб, шу йили 24 октябрда кучга кирган. Бу ҳужжат жаҳондаги давлатларнинг ягона олий мақсад сари ҳамжиҳатликда интилишини жамулжам килиб, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини ўзида намоён этади.

Уставда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳалқаро ташкилотдан фойдаланиш эълон қилинган. Ушбу дунёвий ташкилот БМТга дастлаб 50 нафар давлат аъзо булиб, унинг сафи кейинчалик яна кенгайиб бормоқда. Ана шу нуфузли ҳалқаро ташкилотга Узбекистон Республикаси 1992 йил 2 марта қабул қилинди. Узбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов мамлакатимиз тарихида илк бор 1993 йил 28 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида нутқ сўзлади. 1993 йили 24 октябрда Тошкент шаҳрида БМТнинг ваколатхонаси иш бошлади.

Уставнинг биринчи боб биринчи моддасида БМТнинг мақсад ва тамойиллари мустаҳкамланган. Унинг мақсади инсон ҳуқуқларини ҳеч қандай тафовутсиз, ирқи, жинси, тили, дини фарқидан қатъий назар ҳурмат қилинишини таъминлаш йўлида ҳалқаро ҳамкорликни амалга оширишдир. Ҳозирги кунда БМТ инсон тақдиди билан боғлиқ муаммоларни ҳам ҳал этишга интилади. Була:

- ҳалқлар ва инсон ҳуқуқларига қарши ҳарбий куч қўллаш ва таҳдид қилишни тутатиш;
- асосий инсон ҳуқуқ ва эркинликларига ҳурмат;
- барча учун умумий бўлган атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва келажак авлод учун авайлаб-асраб саклаш;

— инсоният ўзини бир бутунлигини англашини таъминлаш каби масалалардир.

Уставнинг 4-боб 13-моддасида: иқтисодий, ижтимоий, маданий таълим, соглиқни сақлаш соҳаларида ҳамда инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳеч қандай фарқсиз амалга оширилиши учун ҳалқаро ҳамкорликни ривожлантиришда, бу юзасидан тадқиқотлар олиб бориш ва тавсиялар беришда Баш Асамблеяning ваколати кўрсатилган.

Уставнинг 9-боб 55-моддасида барқарорликни таъминланиши учун ҳалқарнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ва тенглик тамойилларини ҳурмат қилишга асосланган миллатлар, ҳалқлар уртасидаги дўстлик ва тинчликсевар муносабатлар зарурлиги таъкидланган. Ҳалқлар уртасида тинчлик ва хавфсизликни сақлаш масъулияти хавфсизлик кенгашига юклangan. У сиёсий орган бўлиб, БМТнинг барча аъзолари учун мажбурий қарор чиқарини ҳуқуқига этадир. Ҳавфсизликка таҳдид солиш мумкин бўлган можарони текшириш ишлари билан шугулланади. Вазиятнинг оғирлашишига йўл қўймаслик мақсадида тадбирлар тавсия этади. Агар тавсиялар бажарилмаса дипломатик ва иқтисодий алоқаларни тўхтатиш чораларини куриш ҳуқуқига эгадир. Бу ҳуқуқлар фақат БМТнинг хавфсизлик кенгашига берилган.

Уставда инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларининг ҳурмат қилиниши ва унга риоя этилишини рагбатлантириш мақсадида иқтисодий ва ижтимоий кенгашининг тавсиялар бериш ваколати 10-боб 62-моддасида мустаҳкамланган. Бу кенгаш иқтисодий, ижтимоий, маданият, маориф, соглиқни сақлаш соҳаларида ҳалқаро масалалар юзасидан тадқиқотлар утказади, маъruzалар тайёрлайди, ҳалқаро конференциялар чақиради. Шунингдек, ўз ҳуқуқлари доирасида конвенция лойиҳаларини тайёрлайди. Европа, Осиё ва Узок Шарқ, Африка, Лотин Америкаси учун иқтисодий комиссиялар бўлиб, улар иқтисодий ва ижтимоий кенгашга қарашли ташкилотлардир.

Уставнинг инсон ҳуқуқларига оид қоидалари БМТ фаолиятининг асосий қўлланмасидир. Бу ҳужжат инсон ҳуқуқларининг аниқ, яхлит, тўла ҳажмдаги тизимлари кўрсатилмаган бўлса-да, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги пойdevордир. Уставдаги инсон ҳуқуқларига доир қоидалар ҳалқаро ва минтақавий хилма-хил ҳужжатларда ривожлантирилади.

Инсон ҳуқуқлари ва умумжаҳон Декларацияси бу халқаро ҳуқуқий ҳужжат 1948 йил 10 декабрда БМТга аъзо бўлган давлатлар томонидан инсоннинг асосий ҳуқуқларини халқаро миқёсда мустаҳкамлаш мақсадида қабул қилинди. Декларация халқаро ҳуқуқ месъёрлари сирасида инсон ҳуқуқлари устун бўладиган, улуғланадиган ҳуқуқий муҳитни яратишга қаратилгандир. Ушбу ҳужжатда инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, қадрлаш барча халқлар ва барча давлатларнинг муштарак бурчидир деган тамойил устувордир. Декларация инсон ҳуқуқлари ва Эркинликларини олий қадрият сифатида баён этиб, уни эъзозлаш ва ҳурмат қилишдек инсонпарвар гоялар билан сугорилган. Шунингдек, инсон ҳуқуқларига оид юксак умуминсоний ва миллий қадриятлар ҳамда бой тажрибаларни ифода этади.

Бу ҳужжат муқаддима, 30 моддадан иборат бўлиб, унда инсон ҳуқуқларининг тартибини ва қоидасини белгиловчи ҳуқуқий меъёрлар мужассамлашган. Декларациянинг муқаддимасига эътибор берилса, бу ҳужжатнинг яратилиши мазмуни намоён бўлади. Унинг максади — инсоният оиласи аъзоларига хос бўлган маънавият, қадр-қиммат, урф-одатларни, уларнинг тенг ва ажralmas ҳуқуқларини тан олишдир. Декларация инсон ҳуқуқлари ҳурмат қилинадиган дунёни бунёд этиш ҳамда инсон ҳуқуқларини қонун изми билан ҳимоя этилишини эътиборга олади. Унда халқлар уртасида дўстона муносабатларни ривожлантиришга кўмаклашиш ҳам инобатга олинган. БМТ билан ҳамкорликда унга аъзо бўлган давлатлар инсон ҳуқуқлари ва асосий Эркинликларини ялпи ҳурмат қилиш ҳамда риоя этишга ёрдамлашиш мажбуриятини олганликлари қайд этилади.

Декларация барча халқлар ва давлатлар бажаришга интилиши лозим бўлган вазифаларни эълон қиласи. Ҳар бир инсон ва жамиятнинг ҳар бир ташкилотлари унда қайд этилган ҳуқуқлар ва Эркинликларини маърифат ва илм йўли билан ҳурмат қилинишига ёрдам беришга интилиши курсатилган.

Инсон манфаатининг устуналиги Декларациянинг умумий тамойиларида тула намоён бўлади. Бу тамойиллар қўйидагича тавсифланади:

- инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш;
- инсон ҳуқуқларининг тентлиги;
- инсон Эркинлиги;

- инсон ҳуқуқларини амалга оширишнинг демократик жараёни;
- инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг адолат тамойилидир.

Декларациянинг моҳияти ва тоғызын ҳам инсоннинг барча ҳуқуқий манфаатларини ҳурмат қилиш тамойилларига бўйсундирилган. Инсон ақл ва виждан соҳиби бўлиб, улар узаро биродарларча муомала қилишлари зарурлиги Декларацияда қайд этилган. Декларацияга биноан, «Ҳеч ким азоб-уқубатга ёки ваҳшийларча, инсонликка иснод бўлган ёки қадр-қимматни хуррайдиган муомала ва жазога мустаҳиқ бўлмаслиги керак». Бу қоида мазмуни инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилишга қаратилгандир.

Декларацияда мустаҳкамланган барча инсон ҳуқуқлари ичида тенглик ҳуқуқи тамойили ётади. Бу ҳуқуқ Декларациянинг 1-моддасида ўз ифодасини топиб, «Барча одамлар эркин, қадр қиммат ва ҳуқуқларда тенг бўлиб туғиладилар». Шунингдек, барча одамлар қонун олдида тентдир ва сира айримачиликсиз қонун томонидан тенг ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эгалигининг 7-моддада мустаҳкамланиши тенглик тамойилини билдиради.

Инсон эркинлиги тамойили 3-моддада қайд этилиб, «Ҳар бир инсон яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эгадир». Бу тамойил 13-моддада ҳам таъкидланиб, «Ҳар бир инсон ҳар бир давлат ҳудудида эркин юриш ва ўзига истиқомат жойи танлаш ҳуқуқига эгадир», дейилган.

Демократия — инсон ҳуқуқларини амалга оширишнинг муҳим омилидир. Демократия инсонларга давлат сиёсий ҳаётида, жамият ишларини бошқаришда фаол иштирок этиш ҳуқуқини беради. Инсоннинг ижодкорлигига ва ташаббускорлигига кенг имкониятлар яратади. Шунинг учун Декларацияда инсон ҳуқуқларини амалга оширишнинг демократик тамойилига эътибор берилган. Декларациянинг 21-моддасида, ҳар бир инсон бевосита ёки эркинлик билан сайланган вакиллари орқали ўз мамлакатларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи ҳамда ҳалқ иродаси ҳукумат ҳокимиятининг негизи бўлмоги лозимлигининг кўрсатилиши демократик тамойилга мисол була олади.

Декларациянинг яна бир муҳим жиҳати адолат тамойилининг устуворлигидир. Адолат тамойили ту-

шунчаси заминида инсонларнинг тақдири, ҳуқуқий манфаатлари, бузилмас тенглиги ётади. Шу боис адолат тамойили Декларация қоидаларида таъминланган. Декларациянинг 8-моддасида, ҳар бир инсон конституция ёки қонунда белгиланган асосий ҳуқуқлари бузилгудек бўлса, нуфузли миллий судлар томонидан ўз ҳуқуқлари-нинг адолатли тарзда тикланиши ҳуқуқига эгалиги курсатилган. Адолатсиз равишда, ҳеч ким ўзбошимчалик билан қамалиши, ушланиши ёки қувгин қилиниши мумкин эмаслиги Декларацияда мустаҳкамланган. Шунингдек, адолатли судлов ҳуқуқи Декларациянинг 10-моддасида ўз ифодасини топган.

Декларацияда инсоннинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий ва бошқа ҳуқуқлари умумий тарзда баён этилган. Бу ҳужжатнинг 23-моддасида меҳнат килиш ҳуқуқи, 25-моддасида оила ҳуқуқи, 26-моддасида илм олиш ҳуқуқи, 27-моддасида маданий ҳуқуқи мустаҳкамланган.

Декларация жаҳондаги барча давлатларнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш фаолиятларида дастуриламал бўлиб, халқаро ҳужжатларни қабул қилишда асос бўлди. Жумладан, инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини муҳофаза этиш тўгрисида Европа Кенгаши Конвенциясида (1951); Африка бирлиги ташкилотининг Уставида (1963); барча ирқий камситишлилар шаклини тугатиш тўгрисида Конвенция (1965) ва бошқа ҳужжатларда ўз ифодасини топган.

Ушбу ҳужжат кўплаб давлатларнинг миллий конституцияларида тилга олинган. Жумладан: 1949 йилда Индонезия, Коста-Рико; 1950 йилда Сальвадор, Гаити; 1951 йилда Ливия, Иордания; 1960 йилда Чад, Камерун, Кипр; 1962 йилда Марокаш, Бурунди; 1965 йилда Замбия, Гондурас, 1992 йилда Ўзбекистон каби давлатлар ўз конституцияларини тайёрлашда Декларациядан ижодий фойдаланганлар.

Декларация асосида жаҳондаги давлатлар инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш буйича ҳамкорлик қилиб келмоқда. Унда баён этилган инсон ҳуқуқларини амалга ошириш барча тинчликсевар давлатлар томонидан халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи асосида рӯёбга чиқмоқда. Декларация қабул қилинган кун жаҳонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш куни деб дунё аҳли томонидан нишонланмоқда.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясидан кейин яна учта халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг қа-

бул қилиниши мұхим аҳамиятга эга бўлди. Жумладан: Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўгрисидаги халқаро Пакт, фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўгрисидаги халқаро Пакт, сўнгги пактга илова факультатив Протоколдир. Бу ҳужжатлар 1966 йилда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинди. Декларация инсон ҳуқуқларининг умумий тамойилларини ифода этади. Пактлар эса, бу тамойилларни бойитади, тўлдиради ва инсон ҳуқуқларининг яхлит тизимлари, қоидаларини қамраб олади. Пактларга имзо чеккан давлатлар инсоннинг жамики ҳуқуқларини тан олиш ва риоя этиш мажбуриятини оладилар. Бу халқаро пактларни 1976 йилда БМТга аъзо бўлган 35 давлат ратификация қилгандан сўнг кучга кириб, амал қила бошлади. Инсон ҳуқуқларига даҳлдор иккала пакт белгилаб қўйилган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини халқаро миқёсда муҳофаза қилинишини таъминлайди. Халқаро пактларда халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқлари ва эркинликлари эътироф қилинган. Шунингдек, инсон ҳуқуқларини камситишининг барча кўринишини таъқиқлайдиган ва бузилишига йўл қўймайдиган қоидалар мустаҳкамланган. БМТ Бош котиб лавозимини эгаллаб турган У Тан Декларацияни, Пактларни ва Протоколни «инсон эркиннинг буюк хартияси» деб атаган эди.

Бу халқаро ҳужжатлар жаҳонда тинчлик барқарор бўлишининг ва инсон ҳуқуқлари ҳимоя қилинишининг мұхим шартига айланган.

Биринчи Пакт (битим) — Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўгрисидаги Пакт муқаддима, V қисм, 31-моддадан ташкил топган. Унда фуқароларнинг бу соҳага даҳлдор ҳуқуқларининг умумий тизими келтирилган. Пактда меҳнат қилиш ва эркин касб таңлаш ҳуқуқи; меҳнат учун адолатли иш ҳақи олиш; касаба уюшмалари тузиш ва уларга кириш ҳуқуқи, ижтимоий таъминот, етарли турмуш даражаси ҳуқуқи, очликдан холи бўлиш, соғлиқни сақлаш ва билим олиш ҳуқуқлари эътироф этилган.

Пактда ҳар бир инсоннинг ўз иқтисодий ва ижтимоий манфаатларини амалга ошириш ва ҳимоя қилиш учун касаба уюшмалари тузиш ҳамда ўз ихтиёри билан ана шу уюшмаларга кириш ҳуқуқи мустаҳкамланган.

Мазкур Пактни тан олган ва унда иштирок этувчи давлатлар ҳар бир шахснинг ўзи ва оиласи учун етарли турмуш даражасини ҳамда уларнинг турмуш ша-

роитларини муфассал яхшилаб боришни ўз зиммалариға оладилар. Ушбу Пактда жамиятнинг асосий негизи ҳисобланган оиласа кенг куламда ёрдам бериш зарурлиги эътиборга олинган. Айниқса фарзанд туғилишидан олдин ва туғилганидан кейин оналарнинг муҳофаза этилиши ҳамда ижтимоий жиҳатдан таъминланиши таъкидлангандир.

Пактда инсоннинг очликдан холи бўлишдек ҳуқуқини таъминлашнинг аниқ дастури қайд этилган. Жумладан: техникавий ва илмий билимлардан кенг фойдаланиш, овқатланиш таомиллари тўгрисидаги билимларни ёйиш, табиий ресурслардан самарали фойдаланиш, аграр тизимни такомиллаштириш ва ислоҳ қилиш йули билан озиқ-овқат маҳсулотлари етишириш, озиқ-овқатни сақлаш ва тақсимлаш усулларини яхшилаш кабилардир.

Инсоннинг жисмоний ва руҳий саломатлиги ва соғлигини сақлаш ҳуқуқларини таъминлаш тадбирлари Пактда кўрсатилган: яъни боланинг соглом ўсишини таъминлаш, ташқи муҳит ва саноатдаги меҳнат гигиенасининг барча жиҳатларини яхшилаш, юқумли ва бошқа касалликларнинг олдини олиш, шу касалликларга қарши курашиш, барча кишиларга табиий ёрдам берилишини таъминлайдиган шарт-шароитлар яратишидир.

Шуни таъкидлаш керакки, Пактда ҳар бир инсоннинг маълумот олиш ҳуқуқи эътироф этилган. Пактга асосан таълим — инсон шахсининг камолга етиши ва ўз қадр-қимматини тұла ва беками-кўст англашига кўмаклашиши ҳамда инсон ҳуқуқларига ҳурматни мустаҳкамлаши лозим. Шунингдек, таълим барчага эркин жамиятнинг фойдали аъзолари бўлишига имконият яратиши, миллатлар ва диний гуруҳлар ўртасида дўстликка ёрдам беришга йўналтирилиши керак, билим олиш ҳуқуқини амалга ошириш учун қуидаги ишларни қилиш лозимлиги Пактда эътироф этилган: яъни бошлангич таълим барча учун мажбурий ва текин бўлиши; ҳар бир инсоннинг қобилиятини ҳисобга олиб, тадрижий тарзда белуп таълимни олмаган ёки бошлангич таълимнинг тұла сабогини тугалламаган кишилар учун билим олишни ташкил этиш лозимдир.

Ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар ҳар бир инсоннинг маданий ҳаётда қатнашиши, илмий тараққиёт ва уни амалда қўлланиш натижаларидан фойда-

ланиши, ўзи муаллиф бўлган илмий адабиёти ёки бадиий асарлари муносабати билан юзага келган маънавий ва меҳнат манфаатлари ҳимоясидан фойдаланиш ҳуқуқини эътироф этадилар.

1989 йил 1 марта қадар ушбу Пактга 92 давлат қушилди. Бу Пактни ратификация қилган давлатлар ўз ҳалқи учун муносиб турмуш шарт-шароитларини яхшилашни таъминлашга ёрдам беришда ўз масъулиятларини тан оладилар. Пактда баён этилган ҳуқуқларни амалга ошириш тўғрисидаги давлатларнинг маърузаларини эксперtlар комитети кўриб чиқади. Бу комитетни Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш тузади.

Иккинчи Пакт (битим) — фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Пактдир. Ушбу Пакт муқаддима, VI қисм 53-моддадан иборатdir. Унинг II—III қисми, умуман 26-модда инсон ҳуқуқларига багишланган. Пактда ~~эътироф этилган~~ инсон ҳуқуқларининг кенг қамровли тизими таркибини қўйидаги ҳуқуқлар ташкил этади: яшаш ҳуқуқи, эркинлик ва шахснинг дахлсизлик ҳуқуқи, ўзбошимчалик билан қамалишдан муҳофаза қилиниши ҳуқуқи; адолатли судлов, фикр, виждон, дин эркинлиги, ўз фикрида собит булиш ва фикрини эркин ифода этиш ҳуқуқи, оила қуриш ҳуқуқи, кўчиш эркинлиги, муҳожирлик эркинлиги, осойишта йигилишлар ўtkазиш ҳуқуқи, касаба уюшмалар тузиш ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида унга кириш ҳуқуқи ва бошқалар.

Пактга биноан ҳар бир инсоннинг яшаш ҳуқуқи, унинг ажралмас ҳуқуқидир. Бу ҳуқуқ қонун билан муҳофаза этилади. Шу билан бирга инсон эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига ҳам эгадир. Ҳеч ким қонунда белгиланган асослардан ташқари озодликдан маҳрум этилиши мумкин эмас.

Мазкур Пактга асосан ҳар бир шахс ўзига қўйилган жиноий айблов кўриб чиқилаётганда қонун асосида тузилган мустақил ва холис суд томонидан мазкур ишнинг адолатли ва ошкора куриб чиқилиши ҳуқуқига эгадир. Жиноят қилинганда айбланаётган ҳар бир шахс унинг айби қонунга биноан исботлаб берилмагунча айбсиз деб ҳисобланади. Агар кимки геноцид жинояти учун ўлим жаёсига ҳукм қилинган бўлса, авф этишини ёки ҳукмни юмшатиш тўғрисида илтимос қилиш ҳуқуқига эгадир. Пактга мувофиқ ҳали 18 га тўлмаган шахслар томонидан содир этилган жиноят-

лар учун ўлим ҳукми чиқарилмайди ва ҳомиладор аєлларга нисбатан ана шундай ҳуқуқ ижро этилмайди.

Пактда ҳар бир инсоннинг фикр, виждан ва дин эркинлиги ҳуқуқи таъминланган. Бу ҳуқуқ инсоннинг ўз ихтиёри ҳамда эрки билан динга, эътиқодга эга булиш ва қабул қилиш эркинлигини қамраб олади. Шунингдек, инсоннинг ўз фикрини эркин ифода этиш ҳуқуқи қайд этилиб, бу ҳуқуқ мустақил тарзда оғзаки, ёзма ёки матбуот воситасида ўз хоҳиши билан турли-туман ахборотлар қидириш, қўлга киритиш ва тарқатиш эркинлигини ўз ичига олади.

Ҳар бир фуқаро эркинлик билан сайланган вакиллари иштирокида давлат ишларини юргизишда қатнашиш, ялпи ва тенг сайлов ҳуқуқи асосида сайловда овоз бериш ва сайланиш ҳуқуқлари ҳамда бу ҳуқуқларни ҳеч қандай камситишсиз ва чеклашларсиз амалга ошириш имкониятига эга бўлиши ушбу Пактда кўрсатилган. Бу ҳалқаро Пактнинг ўзига хос томонларидан бири инсон ҳуқуқий манфаатларининг устунлигидир. Унинг манфаатига қарши булган барча ҳаракатлар таъқиқланади. Пактнинг 20-моддасида урушни ҳар қандай йўсинда тарғиб этиш, шунингдек, айримачиликка, душманликка, миллий, диний, ирқий ганимликни ёқладиган ҳаракатлар қонун йўли билан таъқиқлаб қўйилиши қайд этилган.

Ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар Пактда тан олинган ҳуқуқларни амалга ошириш хусусида ўзлари қабул қилган тадбирлар ва мазкур ҳуқуқлардан фойдаланиш ҳолатида Эришилган силжишлар ҳақида маърузалар тақдим этишлари шарт. Тақдим этилган маърузаларни инсон ҳуқуқлари комитети ўрганади ва умумий тартибдаги мулоҳазаларни Пакт қатнашчиси булган давлатларга юбориб туради. 1989 йил 1 марта қадар фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тұгрисида Пактга 87 давлат қўшилди, унинг 41-моддасини 22 давлат тан олди.

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар ҳалқаро Пактига илова қилинган факультатив Протокол тузилиши 14 моддадан иборат. Ушбу Протоколда Пактнинг мақсадларига бундан бүен ҳам эришиш ва амалга ошириш эътиборга олинган. Факультатив Протокол қоидаларига биноан, айрим шахслар муайян ҳолатларда яни Протоколни ратификация қилган давлатлар инсон ҳуқуқларини бузишлари муносабати билан шикоят беришлари мумкин. 1989 йил 1 марта қадар

факультатив Протоколни 42 давлат ратификация қилди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича БМТ Устави, Декларация, Халқаро Пактлардан сўнг минтақавий ҳужжатлар ҳам қабул қилинади. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган минтақавий ҳужжатлар халқаро тавсифга эгадир.

МИНТАҚАВИЙ ҲУЖЖАТЛАР

Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Хартия шу соҳадаги минтақавий ҳужжатларни қабул қилишда юридик база, ҳуқуқий куч баҳшида этувчи омил бўлиб хизмат қилади. Минтақавий ҳужжатлар инсон ҳуқуқларини ҳамжиҳатликда амалга ошириш мақсадларини намоён этиши жиҳатидан халқаро аҳамият касб этади. Чунки бу ҳужжатларни нафақат минтақада, балки, ундан ташқаридағи давлатлар ҳам тан олади. Ана итундай ҳужжатлардан бири 1950 йил 4 ноябрда қабул қилиниб, 1953 йилда кучга кирган «Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари тўғрисидаги Европа Конвенцияси»dir. Унда баён килинган ҳуқуқлар Декларация ва халқаро Пактларга ҳамоҳангидир. Унга яна 8 та Протокол киради. Бу протоколларда мулқдор бўлиш, маълумот олиш, мамлакат ҳудудида эркин юриш, яшаш жойини эркин танлаш ҳуқуқлари баён этилгандир.

Минтақавий ҳужжатлардан яна бири — Европа ижтимоий Хартиясидир. Бу ҳужжат 1961 йил 18 октябрда қабул қилинган, 1965 йилда кучга кирган. Бунда барча меҳнат қилувчиларнинг адолатли ва қулай шароитларда ишлаши, соглиққа зарар келтирмайдиган ҳавфсиз шароитларда ишлаш, етарли турмуш учун адолатли иш ҳақи олиш ҳуқуқлари эътироф этилган. Шунингдек, ойланинг тұла таъминланиши ва ривожланиши учун ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиниш ҳуқуқи мустаҳкамланган.

1975 йил 1 августда Хельсинкида Европа Ҳавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгашининг Якуний акти қабул қилинди. Якуний актга биноан, унда қатнашувчи давлатлар инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, шунингдек, фикр, вижлон, эътиқод эркинлигини ҳурмат қилиш мажбуриятларини оладилар. Ушбу ҳужжатда инсон ҳуқуқлари соҳасида ҳамкорликни кучайтиришга алоҳида эътибор берилган. Якуний актнинг мақсади тинчликни мустаҳкамлаш, халқларнинг бир-бирини

тұла тушунишга күмаклашиш, инсоният шахсини ҳеч қандай тафовутсиз қар томонлама камол топтиришдир. Бу мақсадларға әришиш учун одамлар ўртасидағи алоқаларни йүлға қыйиш, оммавий ахборотларни кенг тарқатиши, таълим ва маданият соқаларида алоқаларни ривожлантиришга биргаликда ҳаракат қилиш күрсатылған. Әшларнинг үзаро учрашувларини, алоқаларини йүлға қыйиш, әшларни касбға тайёрлашда ҳамкорлик қилиш, чет тилини үрганиш курслари, касбға үқитиши курслари, халқаро әшлар анжуманларига тааллуқли дастанларни ишлаб чиқиши ва рағбатлантириш йүлида ҳамжиғатликда ҳаракат қилиш лозимлиги таъкидлаб үтилған.

Инсон ҳуқуқлари тұғрисида Америка Конвенцияси 1969 йил 22 науябрда қабул қилиниб, 1978 йилда күчге кирди. Бу ҳужжатда фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларға күпроқ эътибор берилған. Мазкур ҳужжатда яшаш ҳуқуқи (4-м), шахсий әрқинлик ҳуқуқи (7-м), адолатли суд ҳуқуқи (8-м), виждон ва дин әрқинлиги (12-м), оила ҳуқуқи (20-м) тан олинған.

Халқлар ва инсон ҳуқуқлари тұғрисида Африка Хартияси 1981 йил июль ойида қабул қилиниб, 1988 йилда январда күчге кирған. Мазкур ҳужжатда халқлар ва инсон ҳуқуқлари эътироф қилинған. Халқларнинг тенглик ҳуқуқига эътибор берилиб, барча халқлар тенг ҳамда улар тенг ҳурмат қилинишдан фойдаланадилар ва тенг ҳуқуққа әгадирлар дейилади. Бир халқнинг бошқа халқлар устидан ҳукмронлигини ҳеч нарса билан оқлад бўлмайди (19-м). Мустамлака ва тобе халқлар ҳукмронлик занжиридан озод бўлишда халқаро ҳамжамият тан олган воситалар ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқи Хартияда тұлық эътироф этилған.

Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик Кенгашининг Мадрид учрашуви Якуний ҳужжати 1983 йил 6 сентябрда қабул қилинди. Бу ҳужжатда Декларация ҳамда Якуний актдаги инсон ҳуқуқлари тұғрисидаги қоидаларни ҳурмат қилиш, амалиётда құллаш, изчил бажариш таъкидланади.

Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик Кенгашининг Вена учрашуви Якуний ҳужжати 1989 йил 15 январда қабул қилинди. Ушбу ҳужжатда инсон ҳуқуқларини самарали амалга ошириш борасида давлатлараро ҳамкорликни янада ривожлантириш, барча иқтисодий, ижтимаий, сиёсий, маданий соқаларда алоқаларни мустаҳкамлаш, инсоният манфаати ва жаҳонда тинч-

ликни таъминлаш йўлида фаол иштирок этиш давлатларнинг асосий мажбурияти ва вазифаси эканлиги қайд этилди.

1992 йили март ойида Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгашининг Хельсинки (Финляндия) Якунловчи акти қабул қилинди. Бу ҳужжатга Ўзбекистон Республикаси ва Марказий Осиёда ташкил этилган янги мустақил қўшни давлатлар биргаликда имзо чекди. Шу билан Ўзбекистон Хельсинки ҳаракатига қўшилди. Мазкур якунловчи ҳужжатни имзолаган давлатлар эса ўз навбатида, унда таъкидланган ҳалқаро мажбуриятларни, жумладан, инсон ҳуқуқларини муҳофаза қиласидан қонунларни ўз давлатларида ишлаб чиқиб, қабул қилиш мажбуриятларини зиммаларига олдилар.

Ўзбекистон Республикаси ҳалқаро аҳамият касб этган ҳужжатларни тан олиш билан бирга нуғузли ташкилотлар билан якиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда. 1992 йил январь ойида ЕХХТга аъзо бўлди. Бу ташкилот билан биргаликда 1996 йил 11—13 сентябрь кунлари Тошкентда «Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий муассасалар» мавзусида ҳалқаро семинар-кенгаш булиб утди. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон 1993 йилда инсон ҳуқуқлари бўйича жаҳон конференциясида тасдиқланган тамойилларига содик эканлигини нағоишиш этиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси кўп томонлама шартномаларга қўшилди. Булар — Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик Кенгashi доирасидаги муросага келтириш ва ҳамкорлик бўйича Стокгольм Конвенцияси, чет эл мамлакатлари ҳакамлик қарорларини эътироф этиш ва ижро қилиш тўғрисидаги Нью-Йорк Конвенцияси, қитъа ичкарисида давлатнинг транзит савдоси тўғрисидаги Конвенция, хавфли чиқиндиларни чегаралараро ташиш ва уларни йўқотиш устидан назорат қилиш тўғрисидаги Базель Конвенцияси ва бошқа шартномалардир. Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида ҳалқаро алоқаларда фаол иштирок этиб, дунёвий аҳамият касб этган ҳужжатларни имзолаб, улкан интеграциялашув жараённига кириб бормоқда.

МИЛЛИЙ ҲУЖЖАТЛАР

Конституция — инсон ҳуқуқларини кафолатловчи ҳужжат. Мустақил Узбекистоннинг биринчи Конституцияси 1992 йил 8 декабрда қабул қилинди. Унинг туб моҳияти, мақсадлари, гоялари узагида ҳалқ, миллат, инсон манфаати ётади. Унда инсон эркинлиги, жамият ва шахснинг ҳуқуқий меъёрий қоидалари уз аксини топган.

Мустақил Узбекистоннинг биринчи Конституцияси инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини улуғ ва муқаддас устувор йўналиш сифатида қонунан мустаҳкамлади. Ҳалқ ва инсон манфаатларини кўзлаш, унинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини тобора тўлиқ қондириб бориш, айниқса, шахс ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларини амалга ошириш, кафолатини яратиш ҳамда уни муҳофаза этиш Конституциянинг бош мақсадидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 6 бўлим, 26 боб ва 128 моддадан иборат. Унинг тузилиши мазмуни инсон — жамият — давлат йўналишида ташкил этилган. Бу мазмун инсон манфаатининг энг аввало ҳамма нарсадан устун туриши, давлатнинг асосий дикқат-эътиборида эканлигини билдиради. Конституциянинг ҳар бир моддаси, ҳар бир боб ва бўлимларида инсон ҳуқуқлари, бурчлари баён этилган. Унинг иккинчи бўлими «Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари»га бағищланган. Унда умумий қоидалар фуқаролик, шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар, сиёсий, иқтисодий-ижтимоий ҳуқуқлар, бу ҳуқуқларнинг кафолатлари тўлиқ ёритиб берилган. Конституцияда кафолатларнинг тўртта тури ҳақида гап боради. Булар — иқтисодий, сиёсий, маънавий ва юридик кафолатлардир.

Ўзбекистон ҳудудида яшовчи барча миллат вакилларининг манфаатлари Асосий Қонунимизда ҳимоя қилинади.

Конституция таълимни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосини ҳам яратиб берди. Бугунги кунда эса таълим соҳасида туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Келажак бунёдкори ёш авлод оиласида улғаяди ва камол топади. Оиласи мукаммал бўлган юртнинг ҳам, давлатнинг ҳам истиқболи порлоқ бўлади. Шунинг учун Конституциянинг XIV бобида оила ва унинг ҳу-

қуқларига алоҳида эътибор берилган. Унда оиласининг жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқи мустаҳкамланган. Давлатимизда оиласни ҳар томонлама таъминлаш, етарли муносаб турмуш шароитини яратиш борасида ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Бундан мақсад — буюк келажак йўлидаги эзгу ишларни амалга оширишга қодир бўлган соглом, жисмонан ва маънавий камол топган авлодни вояга етказишдан иборат.

Мустақиллик Конституцияси ўзининг тарбиявий таъсирчанлиги билан ҳам ажралиб туради. Чунки Асосий Қонунимизда юксак тарбияни таркиб топтирувчи ҳалқимизга хос фазилатлар: меҳр-оқибат, иймону инсоф, ор-номус, ўзаро ҳурмат, ҳалқига ва элига ҳамда миллати ва Ватанига, Президентига садоқат қадриятлари ўз аксини топган. Шунингдек, Конституцияда жаҳоннинг конституциявий тажрибалари ҳамда **миллӣ**, **маънавий** ва ҳуқуқий қадриятлар, ўзбек давлатчилигининг равнақи анъаналари мухим урин тутади. Конституциянинг ўзи ҳам инсонни тарбияловчи, унинг ҳуқуқий онгини ва ҳуқуқий маданиятини ҳамда дунёқарашини шакллантирувчи ҳуқуқий кучдир.

Асосий Қонунимизда мустаҳкамланган инсон ҳуқуқларининг таъминланиши фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти билан белгиланади.

Конституция ҳалқ ва инсон манфаатлари йўлида ислоҳотларни изчил рӯёбга чиқаришга қаратилган ҳуқуқий асосларни яратди. Асосий Қонунимиз инсон ҳуқуқларининг тұла таъминланишини, ҳар бир оиласининг муносаб ҳаёт кечиришини, барча фуқароларга ишончли истиқболни кафолатлади. Ҳалқ ана шундай Конституцияга эга бўлди. Республика Президенти И. А. Каримов таъкидлаганидек, «Ҳур Узбекистонимизнинг тарихида биринчи Конституцияни қабул қилиш — жумҳуриятимизнинг янгидан туғилишидир, ҳақиқий мустақиллигимизга мустаҳкам пойdevor қуришилар» (Узбекистон келажаги буюк давлат. 44-бет). Конституцияга мувофиқ яшаш, Узбекистоннинг буюк келажак сари янгиланиш ва тараққиёт йўлида виждан ва ҳалол меҳнат қилиш барчамизнинг бурчимиздир.

Инсон ҳуқуқлари Асосий Қонунимиз Конституциядан ташқари, бошқа жорий қонунларда ҳам мустаҳкамланган. Бундай қонунлар қаторига фуқаролик

ва меҳнат кодексларини курсатиш мумкин. Уларда ўрнатилган ҳуқуқлар шахсларнинг Конституцияда белгиланган ҳуқуқларини тўлароқ амалга ошириш имконини беради. Масалан, Конституцияда белгиланган шахсларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқи, меҳнат кодекси қоидалари билан ҳаётда таъминланади.

Саволлар ва топшириқлар

1. Нима учун инсон ҳуқуқлари халқаро ҳужжатларда қайд қилинади?
2. Қандай ҳужжатлар инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳужжатлар ҳисобланади?
3. Халқаро ҳужжатлар Узбекистон Конституциясини ишланишида қандай рол уйнайди?
4. Инсон ҳуқуқлари бўйича Узбекистоннинг қандай ҳуқуқий ҳужжатларини биласиз?

5-мавзу ШАХСИЙ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАР

ШАХСИЙ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИК ТУШУНЧАСИ

Инсоннинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари дейилганда, унинг қайси давлат фуқаролигига мансублигидан қатъий назар, у туғилиши билан эга бўладиган табиий, бироқ бошқа шахсга ўтказиб бўлмайдиган ҳуқуқ ва эркинликларнинг йигиндиси тушунилади. Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар — инсоннинг табиий ҳуқуқ ва эркинликлари бўлиб, унинг ҳаёти, соглиги, орномуси, шаъни, обруси, қадр-қимматиши таъминлашга қаратилганdir.

Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар давлат томонидан қонунларда белгилаб берилмайди. Уларга ҳар бир киши туғилиши билан эга бўлади, шунинг учун бу ҳуқуқ ва эркинликларни инсондан ажратиб бошқага ўтказиб олиб бериб бўлмайди. Давлат, шахсий ҳуқуқ ва эркинликларнинг амалга ошишини таъминлайди, ҳимоя қиласи ва кафолатлайди. Бу ҳақдаги меъерий қоидалар республикамиз Конституциясининг VII боби моддаларида ўз аксини топган. Бу боб «Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар» деб номланган.

Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар инсонга тегишли булган бошқа ҳуқуқ ва эркинликлардан устувор туради ва улар муқаддас ҳисобланади. Шунинг учун бу

ҳуқуқ ва эркинликларни мустаҳкамловчи ҳуқуқий асослар Конституцияда биринчи навбатда берилган. Бу ҳолатни Халқаро ҳужжатларда ҳам кўриш мумкин. Масалан, «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси»да (1, 3, 4, 14-моддалар).

Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар кишининг, табиатнинг олий неъмати — инсон сифатида ақл-заковатга эга эканлиги, унда ҳеч бир жонзодда бўлмаган ҳистойгу мавжудлиги, меҳр-оқибатли була олишлиги каби хислатларнинг мужассамлашганлиги натижасида вуҷудга келади.

Жамият ривожланишининг босқичларида инсон шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари ўзига хос шаклланиб, ўзига мос хусусиятларга ва аҳамиятга эга бўлган. Ижтимоий-иктисодий формацияларда инсон ҳуқуқларининг қандай ҳал этилиши, яъни ҳимоя қилиниши ва кафолатланиши, уларнинг жамиятдаги мавжуд синфлар ҳамда табақаларнинг қайси бирита мансублигига қараб, ижобий ва салбий хусусиятларга эга бўлади. Илк пайдо бўлган ибтидоий жамоа тузумида инсон ҳуқуқлари мавжуд бўлмаган, чунки бу даврда зўравонлик ҳукм сурган. Қулдорлик тузумида эса инсон ҳуқуқлари фақат ҳукмон синф ҳисобланган қулдорларга нисбатан амалга оширилган. Бу давр ўзининг салбий хусусиятлари билан ажралиб турган, чунки қуллар инсон ҳуқуқ ва эркинликларидан тўлиқ маҳрум бўлиб, товар сифатида сотилиш ва сотиб олиш обьекти ҳисобланган.

Феодализм даврида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари бир мунча шаклдана бошланди. Бу даврда инсонлар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари бўлишлигини аниқлаб етган ва унга эришиш учун курашиш зарурлигини эътироф этишган. Деҳқонлар феодалларга қарам бўлса-да, қуллардан қутулган, маълум даражада шахсий ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлган.

Капитализм даврида дастлаб инсон ҳуқуқ ва эркинликлари бир қанча чеклашларга эга эди. Уларни амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари тўлиқ яратилмаган бўлиб, жамиятдаги мавжуд синфлар ўртасида келишмовчиликлар мавжуд эди.

Социализмда ҳам бундай салбий ҳолатлар мавжуд булиб, улар асосан давлат қонунларида белгиланган шахсий ҳуқуқ ва эркинликларни амалга оширишнинг имкониятлари мавжуд эмаслиги ёки тўсиқлар борлиги

билин характерланади. Унда шахсга сигиниш, маъмурӣ-буйруқбозлик устунлик қилди.

Инсонларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини тұлароқ амалға ошириш асосан эрамизнинг XX аср урталарига түгри келади. Бу даврга қадар инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари поймол этилган эди, унинг қадр-қиммати ерга урилди, бутун бир халқлар әзилиб, эркин тараққиёт ҳуқуқларидан маҳрум этилди. Ушбу салбий ҳолатларни бартараф этиш, инсоният қадр-қимматини таҳқиrlаган фашизмни тугатиши жараённанда ташкил топган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) томонидан инсоннинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳар томонлама таъминлаш, ҳимоя қилиш ва кафолатлаш учун қабул қилинган халқаро ҳужжатлар орқали амалга оширилмоқда.

Ҳар қандай давлатнинг мукаммал ривожланишини аниқлаш унда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига қанчалик риоя қилинаётгандылығы, умуминсоний қадриятларнинг қарор топишига, демократик тамойилларнинг амалға ошишига қараб белгиланади. Дунёда унча күп бўлмаган мамлакатлар, шу жумладан Узбекистон Республикаси ҳам демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти қуриш йўлидан бормоқда. Республикаизда амалға оширилаётган ислоҳотларнинг туб моҳияти халқимизнинг фаровон турмушини, унинг ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлаш, миллий-маънавий қадриятларимиз ва маданиятимизни қайта тиклаш, шахснинг одоб-ахлоқий баркамоллигини таъминлашдан иборат. Унда жамики дунёвий неъматлар орасида энг улуғи — инсон деган фикр илгари сурилиб, «фуқаро — жамият — давлат» уртасидаги ўзаро муносабатнинг оқилона ҳуқуқий асоси ҳал этилади.

Мамлакатимизда давлат, унинг органлари ва мансабдор шахсларнинг жамият ҳамда фуқаролар олдидағи масъуллиги белгиланган. Инсон, унинг ҳаёти, эрки, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас, табиий ҳуқуқлар ҳамда эркинликлари мүкаддас саналиб, улар давлат томонидан ифодаланади.

Инсоннинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳужжатлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунларида қўйидагилардан иборат:

ШАХСИЙ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРНИНГ ТУРЛАРИ

Шахсий ҳуқуқлар:

яшаш ҳуқуқи,

шахсии дахлсизлик ҳуқуқи,

шахсий эркинлик ҳуқуқи,

қонун томонидан тенг муҳофаза этилиш ҳуқуқи,

узининг ва яқин кишиларининг ўзига қарши гувоҳлиқ бермаслик ҳуқуқи,

аїбсиз деб ҳисоблаш ҳуқуқи,

одил судлов ва суд ҳимояси ҳуқуқи,

сир сақлаш ҳуқуқи,

турар-жой дахлсизлиги ҳуқуқи,

кутиб юриш ва турар-жой ташлаш ҳуқуқи.

эркин уз давлатидан чиқиш ва унга қайтиб келиш ҳуқуқи.

Шахсий эркинликлар:

фикр эркинлиги,

суз эркинлиги,

виждон эркинлиги,

дин (эътиқод) эркинлиги.

ИНСОНЛАРНИНГ ШАХСИЙ ҲУҚУҚЛАРИ

Инсонларнинг шахсий ҳуқуқлари муқаддасдир. Бу жаҳоннинг нуфузли Халқаро ташкилоти БМТ томонидан эътироф этилган булиб, ушбу ташкилот қабул қилган Халқаро ҳужжатларда ўз аксини топган. БМТга 180 га яқин мамлакат аъзо бўлиб, улар ушбу Халқаро ҳужжатларга амал килишларини билдиришган.

Яшаш ҳуқуқи — энг олий қадрият ҳисобланиб, унга ҳар бир инсон еши, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси, жисмоний кучи, соғлиғидан қатъий назар эга булади. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг З-моддасида «Ҳар бир инсон яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эгадир», деб кўрсатилган бўлса, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактнинг 6-моддаси 1-бандида «Ҳар бир инсоннинг яшаш ҳуқуки унинг ажralmas' ҳуқуқидир. Бу ҳуқуқ қонун билан муҳофаза этилади. Ҳеч ким ўзбoshimchалик билан инсонни яшашдан маҳрум қила олмайди», дейилган.

Республикамиз ушбу халқаро ҳужжатларни эътироф этган ҳолда ўзининг Конституциясида ушбу қоин-

даларни мустаҳкамлади. Унинг 24-моддасида «Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига сүиқасд қилиш энг оғир жиноятдир», деб белгиланган.

Инсон ҳаётини ҳимоя қилиш, шу жумладан ижтимоий хавфли тажовузлардан муҳофаза қилиш давлатнинг муҳим вазифаларидан ҳисобланади. Жиноят жазо сифатида ўлим жазоси кўпчилик мамлакатларда бескор қилинган. Ўлим жазосини бекор қўлмаган мамлакатларда жиноят содир этилганда амалда бўлган ва юқорида кўрсатилган Пактга ҳамда геноцид жиноятларнинг олдини олиш ва геноцид учун жазо тўғрисидаги конвенция қарорига зид бўлмаган қонунга биноан энг оғир жиноятлар учун ўлим ҳақида ҳукм чиқарилиши мумкин. Бундай жазо одил судлов органлари томонидан чиқарилгач, ҳукмни ижро этиш билан амалга оширилади.

Инсоннинг яшаш ҳуқуқи республикамиз қонунлари билан муҳофаза этилади. Жумладан, Жиноят кодексида шахснинг ҳаётини муҳофаза қилишга устуворлик берилган. Унинг 97-моддасида қассдан одам ўлдирилганлик учун жавобгарлик белгиланиб, жазо сифатида 15 йилдан 20 йилгacha озодликдан маҳрум қилиш кўрсатилган. Республикамиз жиноят қонунларида аёллар ва 18 ёшга тўлмаган шахсларга нисбатан ўлим жазоси қўлланилмаслиги белгиланган.

Шахснинг яшаш ҳуқуқининг одил қонуний кафолатларидан бири республикамиз қонунчилигига авф этиши институтининг ўрнатилишидир. Унинг жазосига ҳукм қилинган ҳар бир шахс ким бўлишидан қатъий назар, авф этишини сўраб республика Президентига мурожаат қилиши мумкин. Конституциямизнинг 93-моддаси, 20-бандига биноан Президент судлар томонидан ҳукм қилинган фуқароларни авф этиши мумкин.

Эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи — инсоннинг ҳуқуқлари орасида энг устувори ҳисобланади. Ушбу ҳуқуқлар республикамиз қонунларида ўз аксини топган. Конституциямизнинг 25-моддасида «Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳисбга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас», деб кўрсатилган.

Республикамизда туғилган ҳар бир шахс ким бўлишидан қатъий назар, туғилиши билан шахсий дахлсизликка эга. У эркин ҳаёт кечириши, қонунга зид

бўлмаган ҳар қандай ҳаракатларни содир этиши мумкин. Инсон тугилиши билан унга тегишли қимматли (ҳам моддий, ҳам маънавий): ҳаёти, фаолияти, соглиги, ор-номуси, қадр-қиммати дахлсиздир. Ҳеч ким инсонга қонунсиз таъсир ўтказиши, уни баъзи ҳаракатларни қилишга ёки баъзи ҳуқуқларини чеклаш ҳуқуқига эга эмас.

Инсоннинг эркинлик ва шахсий ҳуқуқлари ҳуқуқнинг турли соҳалари билан, жумладан фуқаролик ҳуқуқи, маъмурий ҳуқуқ, оила ҳуқуқи, жиноят ҳуқуқи ва бошқа ҳуқуқлар билан муҳофаза қилинади. Масалан, Фуқаролик кодексининг 20, 99, 100-моддаларида инсоннинг шахси билан бөглиқ — исми, ҳаёти, соғлиги, шаъни, қадр-қиммати, шахсий дахлсизлиги ва бошқа ҳуқуқларини ундан олиб бўлмаслиги ва улар суд йўли билан ҳимоя қилиниши қатъий қайд қилинган.

Фуқаролик сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактнинг 9-моддаси, 1-бандида, «Ҳар бир инсон эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эгадир. Ҳеч ким ўзбошимчалик билан қамоқقا олиниши ёки ҳибсда сақланиши мумкин эмас. Ҳеч ким озодликдан маҳрум этилиши мумкин эмас, қонунда белгилаб қўйилган асосларда ва қонун-қоида таомилига биноангина озодликдан маҳрум этилиши мумкин», дейилган.

Республикамиз қонунларига мувофиқ шахсни ҳибсга олиш ва ушлаб туришни прокурор ҳал этади. Шахсни жиноий жазо сифатида озодликдан маҳрум қилиш масаласи фақат суднинг одил ҳукми билан ҳал этилади.

Инсоннинг қонун томонидан тенг муҳофаза этилиши ҳуқуқи ҳам бошқа ҳуқуқлар каби мухим аҳамиятга эга. Унга кўра республикамизда истиқомат қиласетган барча кишилар, уларнинг мансабидан, келиб чиқишидан, миллатидан ва бошқалардан қатъий назар қонун олдида тенгдир. Бу ҳуқуқ Конституциянинг 18-моддасида ўз аксини топган. «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга булиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдида тенгдирлар», деб таъкидланган. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 7-моддасига мувофиқ, «Барча одамлар қонун олдида тенгдир ва сира айримачиликсиз, қонун томонидан баб-баравар муҳофаза этилиши ҳуқуқига эгадир...».

Шахснинг ушбу ҳуқуқи Фуқаролик кодексида ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг тенглик тамоилии сифатида мустаҳкамланган. Шунингдек, имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиши мумкин, у ижтимоий адолат тамоилиига мос бўлиши зарур.

Шахсни фуқаролиги ҳуқуқи — Ўзбекистонда ҳар бир киши фуқаро бўлиш ҳуқуқига эга. Фуқаролик — бу шахс билан давлат ўртасидаги барқарор ва доимий сиёсий-ҳуқуқий алоқа бўлиб, бунда уларнинг узаро ҳуқуқ, бурч ва мажбуриятлари ўз ифодасини топади. Конституцияга мувофик 21-моддада «Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ягона фуқаролик ўрнатилади.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги, унга қандай асосларда эга бўлганликдан қатъий назар, ҳамма учун тенгдир...» деб қайд қилинган.

Ўзбекистонда Қорақалпогистон Республикаси фуқаролари ҳам бирдек сиёсий-ҳуқуқий мақомга эга, улар қонун олдида барча шахслар каби тенг ва давлат-ҳуқуқий муносабатларининг тўлақонли субъекти ҳисобланади.

Фуқаролик шахснинг давлатга мансублигини, унга дахлдорлигини юридик жиҳатдан мустаҳкамлади. Фуқаролик — бу шахснинг ҳуқуқий ҳолатидир. Ҳеч ким фуқароликдан ёки фуқароликни ўзгартириш ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин эмас. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 15-моддасида «Ҳар бир инсоннинг фуқаролик ҳуқуқи бор. Ҳеч ким ўзбошимчалик билан ўз фуқаролигидан маҳрум қилиниши ёки ўз фуқаролигини ўзгартириш ҳуқуқидап маҳрум этилиши мумкин эмас», деб мустаҳкамланган.

Республикамиз Конституциясининг 26-моддасида «Жиноят содир этилганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора куриб чиқилиб, айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади», дейилиши халқаро хужжатларга тўлиқ мос келади.

Айбсиз деб ҳисоблаш ҳуқуқи (айбсизлик презумцияси) деб айб исбот қилингунча шахсни айбсиз деб фараз қилиш ҳуқуқи биринчи марта 1789 йилги Инсон ва фуқаролар ҳуқуқи Декларациясида ўз ифодасини топди. Айбсизлик презумцияси — бу шахснинг айби қонунда белгиланган тартибда ва тегишли ор-

ганлар томонидан тасдиқланмагунча айбсиз ҳисобланшидир.

Жиноий ишни тергов қилишда прокурор, дастлабки тергов ва суриштирув органлари фақат қонунга асослаши керак. Тергов органлари етарли далиллар булгандагина шахсни айбдор сифатида ишга тортиш учун қарор қабул қиласи. Дастлабки тергов органи жиноят содир этган шахсга айб эълон қилишда, унинг ушбу жиноятни содир этишдаги айбдорлигини (айбсизлигини) албатта исбот қилиб беришга мажбурдир.

Айбланувчи ўзининг айбсизлигини исбот қилиб беришга мажбур эмасдир. Лекин айбланувчи ўзининг ҳимоя ҳуқуқидан фойдаланиб, ўзининг айбсизлигини исботлашга ҳақлидир. «Жиноий айблов бўйича қамалган ёки ушланган ҳар бир шахс дарҳол судъя ёки қонунга биноан суд ҳукмронлигини амалга ошириш ҳуқуқи бўлган бошқа мансабдор шахс ҳузурига келтирилади ва жиноий айблов қуиилаётган шахс оқилона муддатда иш судда қурилиши ёки озод қилиб юборилиши ҳуқуқига эгадир...» (Халқаро Пактнинг 9-моддаси 3-банди).

Суднинг чиқарган айблов ҳукми қонуний кучга кирмагунча шахс айбдор деб ҳисобланмайди.

Жиноят содир қилишда айбланаётган шахс кўрсатма бериш ҳуқуқига эга. Айбланувчи ўзи ва қариндошларининг, якин кишиларининг ўзига қарши гувоҳлик бермаслик ҳуқуқига эгадир. Уни мажбуrlашга йўл қўйилмайди.

Айбланувчининг уз айбига икрорлиги бошқа далиллар билан ҳақиқатдан тасдиқланган тақдирдагина, уни айблашлик учун асос бўлади.

Конституцияда ҳар бир кишининг ҳимояланиш ҳуқуқи кафолатланади. Қоидага кўра, шахснинг бу ҳуқуқи адвокатлар орқали амалга оширилади. Жиноят ишларида айблов эълон қилинган кундан бошлаб, айбланувчи адвокат билан таъминланади. Айбланувчининг ҳимоя ҳуқуқи билан таъминланмаслиги жиноий ишни терговчи қайтариши ёки ҳукмни бекор қилиши учун асос бўлади.

Суд ҳимояси жиноий ва фуқаролик суд ишларини кўришда адвокатлар томонидан таъминланади.

Конституциянинг 26-моддаси 2 ва 3 қисмларида «Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсизликка ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазиيққа дучор этилиши мумкин эмас.

Ҳеч кимда унинг розилигисиз табиий ёки илмий тажрибалар ўтказилиши мумкин эмас», деб қайд қилинган. Ушбу қоида халқаро ҳужжатларнинг мазмунидан келиб чиққан ҳолда белгиланган.

Кўрсатма беришга мажбур қилиш, яъни суриштирувчи, терговчи ёки прокурор томонидан курсатма беришга мажбур қилиш мақсадида гумон қилинувчи, айбланувчи, гувоҳ, жабрланувчи ёки экспертга нисбатан қурқитиш, дўппослаш, қийнаш, азоб бериш, бандага енгил ёки оғир шикаст етказиш ёки қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар билан руҳий ёки жисмоний таъсир кўрсатиш натижасида ўша ҳаракат оғир оқибатларга сабаб бўлса, беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади (ЎзР Жиноят кодексининг 235-моддаси, 2-қисми).

Шахснинг шаъни ва қадр-қиммати — бу инсонга тегишли хусусиятдир. Сиёсий, ҳуқуқий томондан фуқароларнинг шаъни ва қадр-қиммати, унинг ҳасти ва соғлиги ёки шахсий эркинлиги кабилар тақрорланмайдиган бойлиkdir. Конституциянинг 27-моддаси 1-қисмида «Ҳар ким ўз шаъни ва обрусига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашишдан ҳимояланиш ва турар жойи дахлизлиги ҳуқуқига эга», деб белгиланган. Киши шаъни — бу шахс баҳоси, жамият аъзоси сифатида унинг ижтимоий ва маънавий хусусиятлари ўлчовидир. Инсон — шахснинг хулқи асосида, унинг маънавий-ахлоқий тимсоли ҳақидаги қарашларда шаклланади. Инсон қадр-қиммати ўзининг жамоатдаги урнига, шахсий хусусиятларига, қобилиятига, дунёкарашига қараб ўз-ўзини ички баҳолашидир. Шундай қилиб, шаън ва обру, қадр-қиммат жамоатчилик ва шахс ўргасидаги маълум бир ижтимоий алоқани акс эттиради.

Конституция — Асосий Қонун сифатида инсон шаъни ва обруси, қадр-қимматини қуриқлаш билан бирга, уларни фуқаролик, маъмурий, жиноий-ҳуқуқий воситалар билан ҳимоя қилишни кафолатлади.

Шахсга нисбатан ҳақиқатга түгри келмайдиган, шаъни ва қадр-қимматини таҳқирловчи ахборотлар тарқатилса, у суд орқали ҳимояланишни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Унинг учун фуқаролик, маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгиланади.

Шахсий ҳаётини ҳимоялаш ҳуқуқи — бу фуқаронинг ўз шахсий ҳасти ва фаолиятида ўз хоҳишига кура ўзининг ҳуқуқини аниқлаш эркинлиги билан

боглиқ субъектив ҳуқуқидир. Шахсий ҳаётини ҳимоялашга қаратилган субъектив ҳуқуқ қурилиши ўзаро алоқалар ҳуқуқларнинг икки гурухини ўз ичига олади. Биринчиси, ўз вазифаси бўйича шахсий ҳаётининг дахлсизлигини таъминлайди. У уй-жой дахлсизлиги, шахсий ҳужжатларнинг дахлсизлиги ва ташқи қиёфанинг дахлсизлиги ҳуқуқларини ўз ичига олади. Иккинчи гуруҳ эса фуқаролар шахсий ҳаётининг сирсақланиши билан боғлиқ.

Фуқароларнинг шахсий муносабат усуllibарининг дахлсизлиги ҳуқуқи шундан иборатки, қонунда тўгридан-тўгри кўзда тутилган ҳолатлардан ташқари ҳеч кимнинг шахси иродасига зид ҳолда унинг ёзишмалиари, телефон сўзлашувлари, телеграф маълумотлари билан танишишга ҳаққи йўқ. Асосий Қонунининг 27-моддаси, 2-бандига мувофиқ, «ҳеч ким қонун назарда тутган ҳоллардан ва тартибдан ташқари бирорнинг турар жойига кириш, тинтуб ўтказиши еки уни куздан кечириши, ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирини ошкор қилиши мумкин эмас».

Ўй-жой дахлсизлиги ҳуқуқига асосан ҳеч кимнинг одамларнинг доимий ёки вақтинчалик яшаш учун мўлжалланган уйига, уларнинг иродасига қарши, агар бунга қонуний асос бўлмаса, киришга ҳаққи йўқдир. Бу ҳуқуққа ётоқхоналарда, меҳмонхонларда яшовчилар, уй-жой қисмини, квартирани, хонани ижарага олиб яшаётган шахслар ҳам эгадир.

Ўй-жойни куздан кечириш ва тинтуб ўтказиши факат прокурорнинг санкцияси бўлгандагина амалга оширилиши мумкин.

Конституциянинг 28-моддасида «Ўзбекистон Республикаси фуқароси республика ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кучиш, Ўзбекистон Республикасига келиш ва ундан чиқиб кетиш ҳуқуқига эга. Қонунда белгиланган чеклашлар бундан мустаснодир», деб таъкидланган.

Давлатимиз ҳудудида фуқароларнинг бир жойдан иккинчи бир жойга кучиш, келиш ва ундан чиқиб кетиш ҳақидаги бу мсъёр мутлоч тавсифга эга булиб, номулкий шахсий ҳуқуқни ташкил этади. У халқаро ҳужжатлардаги қоидаларни ўзида мужассамлаштирган.

Шахс ўз хоҳиши билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кучиши, ундан чиқиб кетиши ва қайтиб келиши мумкин. Бу ҳуқуқлар эркин тарзда амалга оширилиши белгиланган.

ИНСОНЛАРНИНГ ШАХСИЙ ЭРКИНЛИКЛАРИ

Ҳар бир инсон ўзининг ишончига асосланиб, жамият, давлат хаёти ва ижтимоий-сиёсий муаммоларга доир фикри ва қараашларини эркин баён қилиш ҳукуқига эга. У маълум ҳодиса ва ҳужжатларга ўзининг шахсий баҳосини бериши, ҳокимият ва бошқарув, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш муассасалари ҳамда алоҳида шахсий ва мансабдор шахсларнинг фаолиятидаги мавжуд камчилик ва этишмовчиликларни танқид қилиш ҳукуқига эга.

Инсоннинг шахсий эркинликлари Конституциямизнинг 29, 31-моддаларида ўз аксини топган. Конституциянинг 29-моддасига кўра, «Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳукуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳукуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва конун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир», деб қатъий белгилаб қўйилган.

Фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги, барча маълумотларни қидириш, олиш ва тарқатиш ҳукуқидан фойдаланган фуқароларнинг давлат идораларига, жамоат бирлашмаларига, корхона, ташкилот ва муассасаларга таклиф ва ариза ёки шикоят орқали мурожаат қилиш йўли билан жамоат ва давлат ишларини бошқаришда фаол қатнашиши имконини беради. Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги ҳукуқларининг асосий қоидалари Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг мурожаати тўғрисида»ги Қонунида кўрсатилган.

Сўз эркинлиги — шахсларга конун лойиҳаларини муҳокама қилишда, референдумлар ўтказицда, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Олий Мажлис ва маҳаллий органларни сайлашда ўзининг мулоҳазаларини баён қилиш ва қатнашишда фаолликни таъминлайди.

Фуқаролар оммавий ахборот воситаларида, журналандан телевидение ва радио, матбуотда ўз фикрларини эркин баён қилиши, сўзлаши мумкин.

Барча маълумотларни олиш ва тарқатиш, агарда улар мавжуд конституциявий тузумга қарши йўналтирилган бўлса, шунингдек, улардан инсониятнинг тинчлиги ва хавфсизлигига, демократияга путур етказиш ва жамиятнинг манфаатларига қарши мақсадларда фойдаланмоқчи бўлган тақдирда ёки фуқаролар-

нинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузиш учун амалга оширилмоқчи бўлган тақдирда таъқиқланади. Бу ҳақда республикамиз қонунларида жиноий жавобгарлик ҳам белгиланган.

Давлат манфаатига дахлдор ёки бошқа сирларни сақлаш ниятида сўз эркинлиги ва уларни баён қилиш ҳуқуқи чегараланади. Бундай чегаралашнинг шарт эканлиги давлат сирларини ошкор қилиш, сиёсий ва иқтисодий мустақилликка, давлатнинг мудофаа қудратига, давлат ва жамиятнинг бошқа ўта муҳим манфаатларига зарар етказмаслиги билан асосланади.

Ўзбекистон Республикасининг «давлат сирларини сақлаш тўғрисида»ги қонунда давлат сирлари тоифалари аниқланган ва улар ҳақидаги маълумотларни олиш ва тарқатиш чегараланган. Давлат сирларини ташкил қилувчи бундай маълумотлар ҳарбий ва хизмат сирларидан иборат.

Шахси хурмат қилини, ҳуқуқ ва манбаатларини муҳофаза этиш Узбекистон Республикаси барча давлат идоралари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахсларнинг бурчидир. Республикаизда ҳуқуқни муҳофаза этиш органлари тизими мавжуд. Конституция ҳар бир фуқарога уларнинг ҳаётига, соглигига, шахсий эркинлигига, шаънига, қадр-қимматига ва мол-мулкига ҳар хил тажовузлардан суд ҳимоясини кафолатлади.

Конституциянинг 30-моддасига асосан «Узбекистон Республикасининг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манбаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозим».

Барча ишларни судларда куриб чиқаётганда фуқароларнинг ўзлари тўғрисидаги ҳужжатлар билан танишиб ҳуқуқлари суд мажлисини очиқ тарзда ўтказиш ўюли билан амалга оширилади. Узбекистон Республикаси «Судлар тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ барча судларда ишларни куриб чиқиш очиқ тарзда ўтказилади.

Жиноят иши жараёни қатнашчиларининг барчаси, агар қандайдир ҳужжатларни тузишда қатнашган бўлсалар, улар билан танишиб ҳуқуқига эгадирлар. Фуқароларнинг ҳужжатлар билан танишиб чиқиш ҳуқуқлари фуқаролик, ҳужалик, меҳнат қонунчилик-

ларида уз ифодасини топган. Агар фуқаронинг ушбу ҳуқуқлари поймол этилаётган бўлса, ҳар бир фуқаро арз қилиш ҳуқуқига эга.

Республикамизда юздан ортиқ миллат ва элатлар вакиллари яшайдилар. Шу боисдан Ўзбекистонимиз кўп миллатли давлат бўлиш билан бирга унда ўн бешдан ортиқ диний конфесиялар вакиллари ҳам истиқомат қилишади. Улар Конституциямиз ҳамда «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонунга мувофик эътиқод масаласида ҳаммалари ко-нуний teng ва баб-баравар ҳуқуққа эгадирлар. Асосий қонунимизнинг 31-моддасига кўра «Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилимаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди», деб қайд қилинган.

Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши билан инсоннинг ҳам, у яшаётган жамиятнинг ҳам маънавий жиҳатдан бойиб бориши учун кенг йўл очилди. Маънавий ривожланиш тубдан ўзгарди. Коммунистик мафкурунинг устуворлиги, сиёсий тазииклар, маъмурӣ-буйруқбозлик, шахсга сифиниш каби салбий иллатлар бекор қилинди. Виждон эркинлиги билан боғлиқ янги йўналишлар юзага келди. Динга эътиқод қилишга кенг йўл очилади. Бунда давлатимиз раҳбарияти томонидан олиб борилаётган сиёсат муҳим роль уйнади. Диндорларнинг қонуний ҳуқуқлари тикланиши ва қонуларга қатъий риоя этилиши, диний ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш халқнинг барча табақаларини бирлаштиришга ёрдам беради.

Дин арбоблари ва диндорлар мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётиди, тинчликни сақлаш ва хайрия фаолиятида, умумбашарий қадриятларни қарор топтиришда иштирок этишлари учун ҳамма имкониятлар яратиб берилади.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда тўртта диний марказ— Мовароуннахр Мусулмонлари бошқармаси, Ўрта Осиё Рус Православ Черкови бошқармаси, Ўрта Осиё Инжил Насроний-Баптистлари маркази ва Ўрта Осиё Еттинчи кун Адвентистлари Черкови конфесиялари teng ҳуқуқий мақом асосида иш олиб бормоқдалар.

Ушбу ҳолатларнинг ҳуқуқий асослари республика қонунларидан ташқари Ҳалқаро ҳуқуқ меъёрларида

ҳам үз аксини топган. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 18-моддасида «Ҳар бир инсон фикр, виждан ва дин эркинлиги ҳуқуқига эгадир; бу ҳуқуқ үз дини ёки маслагини ўзгартириш эркини, үз дини ёки маслагига якка тартибда ёки бошқалар билан биргаликда, тоат-ибодатда ҳамда диний расм-руслар ва бошқа шунга ўхшаш маросимларни адо этишда халойиқ билан биргаликда ёки хусусий тарзда эътиқод эркинлигини қамраб олади», деб белгилан-ғанлиги бунинг исботидир.

Инсонларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини тартибга солувчи Узбекистон Республикасининг асосий қонун ҳужжатлари қўйидагилардан иборат: Узбекистон Республикасининг Конституцияси, виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўгрисидаги, Таълим тўгрисидаги, Прокуратура тўгрисидаги, Судлар тўгрисидаги, Фуқароларнинг мурожаатлари тўгрисидаги, Жиноят кодекси, Жиноят-процессуал кодекси, Маъмурий жавобгарлик кодекси, Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузадиган ҳаракатлар ва қарорлар юзасидан судга шикоят қилиш тўгрисидаги ҳамда Давлат тили тўгрисидаги ва бошқалар киради.

Савол ва топшириқлар

1. Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар деганда нима тушунилди?
2. Шахсий ҳуқуқ ва эркинликларни санаб беринг?
3. Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар белгилаб берилган ва кафолатланган ҳуқуқий ҳужжатларни айтиб беринг?
4. Шахсий ҳуқуқ ва эркинликларнинг тарихий илдиzlари ҳақида нимани биласиз?

6-м а в з у. СИЁСИЙ ҲУҚУҚЛАР

СИЁСИЙ ҲУҚУҚЛАР ТУШУНЧАСИ

Аввалги мавзуда ўрганилган шахсий ҳуқуқлар, мамлакатда яшовчи ҳамма шахсларга, уларнинг кимлигидан қатъий назар тегишли бўлса, сиёсий ҳуқуқлар шахсий ҳуқуқлардан фарқ қилиб, фақат шу мамлакат фуқароларига тааллуқлидир. Яъни Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўрнатилган сиёсий ҳуқуқлар фақат Ўзбекистон фуқароларигагина тааллуқлидир. 1948 йил БМТ томонидан қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси»нинг 15-моддасида «Ҳар бир инсоннинг гражданлик (фуқаролик) ҳуқуқи бор деган қоида аслида шу сиёсий ҳуқуқларни назарда тутади.

Сиёсий ҳуқуқлар шахсий ҳуқуқлар сингари инсоннинг туғилиши билан пайдо бўлмай, шахснинг фуқаролиги натижасида фойдаланиши мумкин буладиган ҳуқуқлардир. Агар шахс фуқаро бўлмаса, яъни маълум бир давлатга ҳуқуқий мансуб бўлмаса, сиёсий ҳуқуқлардан фойдалана олмайди. Шунинг учун Конституцияда шахсий ҳуқуқлар «ҳаммага тегишли» деб курсатилса, сиёсий ҳуқуқлар «фуқароларга тегишли» деб белгиланади. Сиёсий ҳуқуқлар ҳам давлат томонидан эътироф этилади, таъминланади. Сиёсий ҳуқуқларни қай даражада эътироф этилиши ва таъминланиши даражасига қараб давлатнинг демократик давлатми ёки демократик давлат эмасми деган саволларга жавоб топилади.

Ўзбекистонда ҳокимиятнинг ягона манбаи халқдир, бу Конституцияда ҳам (7-модда) белгилаб кўйилган.

Ўзбекистон халқини эса фуқаролар ташкил этади (8-модда). Демак, ҳокимият манбаи фуқаролар ҳамдир. Улар ҳокимиятнинг манбаи бўлгач, уни амалга оширишлари керак. Ҳокимиятни амалга оширишда фуқаролар сиёсий ҳуқуқларидан фойдаланади, яъни сиёсий ҳуқуқлар фуқароларга давлат ва жамиятни бошқариш, уларнинг ишида иштирок этиш имкониятини берувчи ҳуқуқлардир.

Сиёсий ҳуқуқлардан фойдаланиш орқали фуқаролар мамлакатнинг сиёсий ҳаётида иштирок этади, аниқроғи, давлат органларини тузишда, депутатлар сайлашда, мансабдор шахсларни сайлашда, уларнинг фаолиятини назорат қилишда, муҳим қонун ва бошқа

хужжатлар ишлаб чиқишида, давлатнинг иқтисодий, сиёсий фаолиятини белгилашда бевосита иштирок этади. Қисқа қилиб айтганда, сиёсий ҳуқуқлар фуқароларнинг сиёсатда иштирокини таъминлайдиган ҳуқуқлардир.

СИЁСИЙ ҲУҚУҚЛАРНИНГ ТУРЛАРИ

Сиёсий ҳуқуқлар

Сайлов ҳуқуқи

Референдумда иштирок этиш ҳуқуқи

Умумхалқ мұхомамасида иштирок этиш ҳуқуқи

Митинглар, йығилишлар ва намойишларда иштирок этиш ҳуқуқи

Жамоат бирлашмалари (сиёсий партиялар)га бирлашиш, оммавий қаралаттарда иштирок этиш ҳуқуқи

Ваколатли давлат органларига, муассасаларга, халқ вакилларига мурожаат қилиш ҳуқуқи

Бу сиёсий ҳуқуқлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг VIII бобида ўз үрнини топган.

Конституциянинг шу боби «Сиёсий ҳуқуқлар» деб номланган, биз қуйида Конституциянинг шу боби моддалари хусусида фикр юритамиз. Конституциянинг 31-моддасида республика фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этади деб кўрсатилиб, бевосита ва вакиллар орқали иштирок этишини шакллари сифатида узини-ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш, давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш кўрсатилади. Демак, фуқаролар давлатни бошқаришда ўзлари бевосита қатнашар ёки вакиллари орқали иштирок этар экан.

Вакиллари орқали иштирок этишга халқ депутатлари кенгашларини, Олий Мажлисда сайланган депу-

татларни, Ўзбекистон Президентини мисол қилиб курсатиш мумкин. Улар халқ вакиллари бўлиб, халқ-нинг манфаатини ифодалайди.

САЙЛОВ ҲУҚУҚИ

Фуқароларнинг давлат ишларида бевосита иштироки эса турли-туман воситалар орқали рӯёбга чиқади. Булардан биттаси сайловдир. Республика фуқаролари маълум ёшга стгач, сайлов ҳуқуқига эга бўлади. Сайлов ҳуқуқи деганде «сайлаш» ва «сайланиш» ҳуқуқини ажратиш керак.

Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга етган барча фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эга. Суд томонидан муо-малага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар ва озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган фуқаролар сайлаш ва сайланиш ҳуқуқидан фойдаланмайди. Яъни уларнинг сайлов ҳуқуқи вақтинча тұхтатилиди, улар шу муддатдагина сайлов ҳуқуқидан фойдаланмайди. Озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб булгач, яна сайлов ҳуқуқидан фойдаланилади.

Сайлаш ҳуқуқига эга бўлиш учун эса маълум ёш чегаралари ўрнатилган, Ўзбекистон фуқаролари 23 ёшга тұлғач маҳаллий кенгашлар депутати бўлиб, 25 ёшга тұлғач Олий Мажлис депутати бўлиб, 35 ёшга тұлғач Ўзбекистон Президенти бўлиб сайланиш ҳуқуқига эга.

Сайланиш ҳуқуқига эга бўлиш учун яна бошқа талаблар ҳам ўрнатилади, масалан, Ўзбекистон Президенти лавозимига сайланиш ҳуқуқига фуқаролар 35 ёшга тұлған бўлишидан ташқари, республика ҳудудида охирги ўн йил давомида муқим яшаган, давлат тили (ўзбек тили)ни билиши шарт бўлади.

Сайлов утказиш тартиби ва фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари Конституция, «Олий Мажлисга сайлов тұғрисида» 1993 йил 28 декабрь, «Халқ депутатлари вилюят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тұғрисида» 1994 йил 5 май, «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тұғрисида» 1994 йил 5 май конуни билан белгиланган.

Референдумда иштирок этиш ҳуқуқи

Референдум фуқароларнинг давлат ишларида иштирокининг муҳим воситасидир. Референдум умум-халқ овози маъносини беради. Ўнда жамият ва давлат ҳастига тааллуқли муҳим масалалар халқнинг ихтиё-

рига қўйилиб, хал қилинади. Референдумнинг сайловдан фарқи шундаки, сайловда фуқаролар алоҳида шахслар учун овоз берса (Сайлов бюллетенида фамилия, исм ёзилган бўлади), референдумда бюллетенда қўйилган саволларга овоз беради. Яъни узларининг хоҳишини қўйилган саволга нисбатан «Ҳа» ёки «Йўқ» деб билдиради. Референдумда сайлаш ҳуқуқига эга бўлган барча Ўзбекистон фуқаролари қатнашиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистонда Референдум ўтказиш 1991 йил 18 ноябрдаги «Референдум тўғрисида»ги қонун билан белгиланади. Шу қонуннинг 1-моддасида референдум тушунчаси, аҳамияти берилган. Уни асосан: «Ўзбекистон Республикаси Референдуми — давлат ҳаёти ва ижтимоий ҳаётининг энг муҳим масалалари бўйича, шу жумладан Ўзбекистон республикасининг қонунлари ва ўзга қарорларни қабул қилиш, уларни аниқлаш мақсадида умумхалқ овоз бериши бўлиб, халқ ҳокимиятини бевосита амалга ошириш воситасидир». Демак, Референдумда давлат ва жамият ҳаётидан тегишли энг муҳим масалалар ҳал қилинади. Буни мисол сифатида 1991 йил декабрда Ўзбекистонда референдум ўтказилиб, Ўзбекистон мустақиллигини аниқланганлиги, 1995 йил декабрда референдум ўтказиб, республика Президентининг ваколатини 2000 йилгача узайтирилганлигини кўрсатиш мумкин. Шу референдумларда халқ ўз овози билан Ўзбекистоннинг мустақиллигини маъқуллади ва Президентнинг ваколат муддатини узайтириш учун ўз розилигини билдириди.

УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА ИШТИРОК ЭТИШ ҲУҚУҚИ

Халқнинг хоҳиш-иродасини билдиришнинг яна бир воситаси, бу уларнинг умумхалқ муҳокамасида қатнашиши ва муҳокамага қўйилган масалалар юзасидан ўз фикрларини, истакларини билдиришdir. Бу ҳуқуқ орқали ҳам халқ ижтимоий ҳаётда иштирок этади. Ижтимоий ҳаётни белгиловчи ҳужжатларнинг муқаммал бўлишига таъсир қиласи. Кейинги вақтда қабул қилинаётган қонунлар кўпроқ умумхалқ муҳокамасига қўйилиб, муҳокама натижасида тушган фикр-мулоҳазалар ҳисобга олиниб, қонун лойиҳалари такомиллаштирилиб қабул қилинмоқда.

Амалдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, сайлов тўғрисидаги қонуни, жиноят, фуқаролик

кодекслари умумхалқ муҳокамасидан утиб, қабул қи-
линган қонунлардир.

МИТИНГЛАР, НАМОЙИШЛАР, ЙИГИЛИШЛАРДА ИШТИРОК ЭТИШ ҲУҚУҚИ

Ўзбекистон Конституциясининг 33-моддасида «Фуқаролар ўз ижтимоий фаолликларини Ўзбекистон Республикасининг Қонунларига мувофик митинглар, йигилишлар ва намойишлар шаклида амалга ошириш ҳуқуқига эгадир. Ҳокимият органлари фақат хавфсизлик нуқтаи назаридангина бундай тадбирлар ўтказилишини тұхтатиш ёки таъқиқлаш ҳуқуқига эга» деб ёзиб қойилған.

Демек, фуқаролар үзларига тегишли митинглар, намойишлар ва йигилишлар ўтказиш ҳуқуқидан фойдаланиш орқали у ёки бу масалага, давлат сиёсатига үзларининг муносабатини билдириш имкониятига эга бўлади. Митинг, намойиш, йигилиш ўтказиш билан фуқаролар маълум масалаларни, ўтказилаётган тадбирларни, амалга оширилаётган сиёсатни қўллаши ёки уларга нисбатан ўз норозилигини билдириши мумкин. Лекин ўтказиладиган митинглар, намойишлар, йигилишлар шу тадбирда иштирок этувчилар ёки умуман бошқа фуқароларнинг манфаатига, хавфсизлигига, жамоат тартибига хавф түгдирмаслиги керак. Агар митинг, намойиш, йигилиш натижасида транспорт ҳаракати тұхтаб қолса, жамоат мулки зарар кўрса, бошқа фуқаролар шу ерларда эркин юра олмаса, бундай ҳолларда бу тадбирларни ўтказишга йўл қўйилмайди. Бу фуқароларнинг ҳуқуқини чеклаш эмас, аксинча, фуқароларнинг манфаатини, хавфсизлигини химоя қилишдир. Бу Конституциянинг 20-моддасидаги «Фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт», деган қоидага тұла мос келади.

«Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тұгрисида халқаро Пакт»нинг (бу БМТ томонидан қабул қилинган халқаро ҳужжат) 21-моддасида ёзиб қойилған: «Осоишта йигилишлар ўтказиш эътироф этилади. Бундай ҳуқуқдан фойдаланиш йўлига ҳеч қандай түсиқ қўйилмаслиги керак. Қонун билан белгилаб қўйиладиганлари ва демократик жамиятда давлат ва жамият хавфсизли-

ги, жамоат тартиби учун зарур бўлганлари, аҳолининг сиҳат-саломатлигини ва ахлоқ-одобини сақлаш учун ва бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза этиш учун зарур бўлганлари бундан мустаснодир», сўзлари ҳам Ўзбекистон Конституциясида белгиланган тартибга мос келади.

Рұксат берилмаган митинг, намойиш ва йиғилишларни ўтказгандик учун турли жавобгарликлар белгиланган. Митинг, намойиш ва йиғилишларни рұксатсиз ўтказиш натижасида оммавий тартибсизлик келиб чиқса, фуқароларнинг хавфсизлигига зарар етса, айбдор шахслар тегишли тарзда жиноий жавобгарлика ҳам тортилиши мумкин.

Ўзбекистон фуқароларининг митинг, намойиш, йиғилиш ўтказишни ҳокимият органлари томонидан тұхтатилиши ёки таъқиқланиши фақаттана хавфсизлик нүктай назаридангина мумкинлиги халқаро ҳужжат нормаларига ҳам, чет демократик мамлакатлар тажрибасига ҳам мосдир. Хавфсизлик нүктай назаридан митинг, намойиш, йиғилиш ўтказишни чеклаш Германия Конституциясининг 8-моддасида, Италия Конституциясининг 18-моддасида ҳам кўзда тутилган.

ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИГА УЮШИШ, ОММАВИЙ ҲАРАКАТЛАРДА ИШТИРОК ЭТИШ ҲУҚУҚИ

Ўзбекистон фуқароларининг сиёсий ҳуқуқларидан яна бири бу жамоат бирлашмаларига (сиёсий партияларига) уюшиш (аъзо бўлиш) ҳамда оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқидир. Бу ҳуқуқ Конституциянинг 34-моддасида белгилаб қўйилган. «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги қонуннинг 1-моддасида жамоат бирлашмалари ҳақида қўйидагича тушунча берилган: «Ўз ҳуқуқлари, эркинликларини ҳамда сиёsat, иқтисодиёт, ижтимоий ривожланиш, фан соҳаларидағи қонуний манфаатларини биргаликда рӯёбга чиқариш учун бирлашган фуқароларнинг хоҳиш-иродаларини эркин билдиришлари натижасида вужудга келган ихтиёрий тузилма жамоат бирлашмасидир». Демак, жамоат бирлашмаларига бирлашиш ҳуқуқи натижасида, фуқаролар узларининг бошқа ҳуқуқ, эркинликларини янада тўлароқ жамоага бирлашиб, биргаликда амалга ошишига эришар экан.

Қонуннинг шу моддасида қайси уюшмалар жа-

моат бирлашмалари булишлиги белгиланган. Унга кура жамоат бирлашмалари булиб, сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар, касаба уюшмалари, хотин-қизлар, ёшлар ва болалар ташкилотлари, ветеранлар ва ногиронлар ташкилотлари, илмий-техникавий, маданий-маърифий, жисмоний тарбия-спорт ва бошқа күпчилик жамиятлар, иктисадий уюшмалар, фондлар, асоциациялар ва фуқароларнинг бошқа бирлашмалари ҳисобланади. Уларнинг фаолияти, тегишли тартибда рўйхатга олингач қонуний ҳисобланади. Куриниб турибдики, жамоат бирлашмалари сиёсий партиялар, оммавий ташкилотлар ёки алоҳида бир соҳа, тармоқ, ёш, жинс вакилларини бирлаштирувчи уюшма шаклида булар экан. Улар қандай шаклда бўлмасин, уларга аъзо бўлиб кириш ихтиёрийликка асосланади. Фуқароларнинг жамоат бирлашмаларига уюшиш ҳуқуқи, уларга ўзларининг мақсадларини, истакларини узаро маслаҳатлашиб, биргаликда фаол самарали амалга ошириш имкониятини беради. Сиёсий партияларга аъзо бўлиш натижасида ҳокимият органлари ишида иштирок этишга кенг имконият вужудга келади, чунки улар вакиллик ҳокимияти органларининг ҳамма бўгинларига депутатликка номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга. Табиий равишда ўз-узидан маълумки, сиёсий партиялар номзод кўрсатаётган вақтида ўз аъзолари орасидан номзод кўрсатишга ҳаракат қиласи. Агар сиёсий партия аъзоларини, партиясизларга нисбатан давлат ишларида иштироки кенгроқ десак хато бўлмайди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда рўйхатга олинган туртта расмий сиёсий партиялар мавжуд бўлиб, булар: Ҳалқ демократик партияси, «Ватан тараққиёти» партияси, «Адолат» социал-демократик партияси, «Миллий тикланиш» партиясидир. Бу сиёсий партияларнинг асосий вазифалари, фаолияти принциплари Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»¹ қонуни (1996 йил 26 декабрда қабул қилинган)да белгиланган бўлиб, партияларнинг алоҳида вазифа ва мақсадлари шу партияларнинг низомлари, дастурларида кўрсатиб қўйилган.

«Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонунда партиялар тузиш ихтиёрий эканлиги, партия тузиш ва уни

¹ «Ҳалқ сўзи», 1997 йил, 7 январь.

рўйхатга олиш учун қўйиладиган талаблар белгилаб қўйилган.

ВАКОЛАТЛИ ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИГА, МУАССАСАЛАРГА, ХАЛҚ ВАКИЛЛАРИГА МУРОЖААТ ҚИЛИШ ҲУҚУҚИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг «Фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари» бобида белгиланган ҳуқуқлари қатори (35-модда), ҳар бир шахс бевосита узи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқи курсатилган.

Фуқароларнинг бу ҳуқуқлари, таклиф, ариза ва шикоятларни белгиланган тартибда ва муддатда кўриб чиқиши шартлигини ўрнатилганлиги билан кафолатланади. Бу ҳуқуқни таъминлаш мақсадида, республикада 1994 йил 6 майда «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида» қонун қабул қилинган. Қонунда таклиф, ариза ва шикоятнинг мақсади, уларни қасрга бериш кераклиги, кўриб ҳал қилиш тартиби, мурожаатларга эътиборсизлик билан қараганда жавобгарлик масалалари белгиланган.

Таклиф, ариза, шикоят мурожаат турлари ҳисобланади, улар ёзма ёки оғзаки шаклда берилиши мумкин. Таклифлар, давлат органлари, жамоат бирлашмаларининг ишини яхшилаш, аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш, турли қулайликлар яратиш, фаровон ҳаёт кечиришини таъминлаш, қонунларни такомиллаштириш мақсадида берилса, аризалар фуқароларга тегишли ҳуқуқларини яхшироқ, тезроқ, тўлароқ амалга оширилиши учун берилади. Масалан, ҳар бир шахснинг меҳнат қилиш ҳуқуқи мавжуд, лекин шу ҳуқуқдан фойдаланиш учун у тегишли ташкилотга ариза беради. Ёки ишдан бушаш учун ҳам ариза берилади ва бошқалар. Шикоят эса, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини қайта тиклаш учун, шу ҳуқуқни бузганларни хатти-ҳаракати устидан юқори ташкилотларга қилинадиган мурожаатdir. Айрим ҳолларда ҳуқуқ бузилмаган вақтда ҳам шикоят берилади, бундай пайтда шикоят қилувчи ҳуқуқни бузилган деб нотугри холосага келиши мумкин. Шикоятни асосли ёки асоссизлигини тегишли органлар аниқлади.

Фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқини таъминлашда фақат мурожаатларни ижобий ҳал қи-

лиш эмас, мурожаатларга ўз вақтида, асосли жавоб бериш муҳим роль уйнайди. Чунки ҳамма мурожаатларни ҳам ижобий ҳал қилиш мумкин эмас, шароит бўлмаслиги, талаб асоссиз бўлиши мумкин, лекин ҳар қандай ҳолда ҳам ё мурожаат ҳал қилинганилиги ҳақида, ёки уни бажариш мумкин эмаслиги ҳақида мурожаат қилувчи асосли жавобни ўз вақтида олиши зарурдир.

Фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқи, ҳар қандай шахс ўз ҳуқуқини судга мурожаат қилиб, ҳимоя қилиши ҳуқуқига эгалиги билан янада тўлароқ кафолатланади. (Конституциянинг 44-моддаси). Бу ҳуқуқни тўла таъминлаш учун маҳсус қонун қабул қилинган бўлиб, у фуқароларнинг шикоятларини суд органларида кўриш тартибини белгилайди. Фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқларини бузганлиги учун маъмурӣ, ҳатто жиноий жавобгарлик белгиланган.

Саволлар ва топшириқлар

1. Сиёсий ҳуқуқлардан нима учун фойдаланилади?
2. Сиёсий ҳуқуқларнинг қандай турлари бор?
3. Сайлов ҳуқуқи нима?
4. Референдумда иштирок этиш ва умумхалқ муҳокамасида иштирок этиш ҳуқуқи орқали нимага эришилади?
5. Митинг, йигилишлар ва намойишлар утказиш ҳуқуқи нима учун қерак?
6. Жамоат бирлашмаларига уюшиш ҳуқуқининг аҳамияти қандай?
7. Нима учун фуқаролар давлат органларига мурожаат қиладилар?

7-мавзу. ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ҲУҚУҚЛАР

ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ҲУҚУҚЛАР ҲАҚИДА ҚОНУН ВА ҲУЖЖАТЛАР

Инсоннинг иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари унинг яшашини таъминлашга, турмуш тарзини яхшилашга, соғлигини тиклашга, билимини оширишга, маънавий ва маданий эҳтиёжини қондиришга қаратилгандир.

Шахсларнинг иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликлари—муайян жамиятда инсоннинг иқтисодий соҳадаги

юридик имкониятларини аниқловчи конституциявий ҳуқук ва эркинликлари йифиндисидир. Бу ҳуқук ва эркинликлар инсоннинг табиий ҳуқуқлари ҳисобланган шахсий ҳуқуқларини тұлиқ амалга оширишга өрдам беради. Шахсларнинг иқтисодий ҳуқук ва эркинликлари республиканизнинг мустақиллікка әришиши билан үзига хос аҳамият касб этиб, янги ривожланиш босқичига кирди. Чунки республиканизнинг собық иттифоқ даврида бұлған вақтида инсон ҳуқуқларига бир томонлама ёндошилиб, улар поймол қилинди. Бу даврда қонун устуворлиги тамойили ҳамда қонунда белгиланған ҳуқук ва эркинликларга амал қилинмади.

Хозирги кунда Узбекистонда инсонларнинг иқтисодий ҳуқук ва эркинликлари Конституция ва бошқа қонуңларда белгиланған булып, улар давлат томонидан ҳимоя қилинади ва кафолатланади.

Инсонларнинг иқтисодий ҳуқук ва эркинликлари халқаро ҳужжатлардан келиб чиққан ҳолда бизнинг қонунчилигимизда үз ифодасини топмоқда. Ушбу ҳуқук ва эркинликлар мулкий, хұжалик юритиш ва мәхнат муносабатлари соҳаларига қараб қўйидагиларга булинади:

Иқтисодий ҳуқук ва эркинликларнинг турлари:

хусусий мулк ҳуқуқи;

ворислик (мерос) ҳуқуқи;

тадбиркорлик фаолиятининг эркинлиги;

корхонани бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи;

мәхнат қилиш ҳуқуқи;

касб таңлаш эркинлиги;

мәхнат эркинлиги;

ищсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқи;

дам олиш ҳуқуқи;

мәхнат таътилига чиқиш ҳуқуқи.

Инсон ҳуқуқларининг яна бир йұналиши бу ижтимоий соғадаги ҳуқук ва эркинликлардир. Улар ҳам инсоннинг ишлаши, унинг камол топиши учун жуда мұхым булып, давлатнинг олиб борағтган сиёсати билан чамбарчас болықтады. Биз қурағтран демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятида ижтимоий мұхафаза масаласи одилона ҳал этилмоқда.

Узбекистон Республикасининг бозор иқтисодиетига үтишида Президентимиз И. Каримов томонидан илгари сурىлған беш тамойилдан бири ушбу масала-

га, кучли ижтимоий муҳофаза масаласига қаратилганди.

Шахсларнинг ижтимоий ҳуқук ва эркинликлари деб, шахсга маълум шаронтда давлатдан муайян моддий ёрдам олиш имконини берадиган инсоннинг (ёки давлат фуқаросининг) конституциявий ҳуқук ва эркинликларининг йигиндисига айтилади. Улар қўйида гилардан иборат:

Ижтимоий ҳуқук ва эркинликлар турлари:

ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқи;

билим олиш ҳуқуқи;

соғлиқни саклаш ва тиббий ёрдам олиш ҳуқуқи;

туарар-жоп ҳуқуқи;

ижод эркинлиги;

маданият ютуқларидан фойдаланимиш ҳуқуқи;

ижтимоий сугурта ҳуқуқи.

Республикамиз мустақилликка эришганидан сўнг мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини қарор топтириш ва уни амалга оширишда муҳим тадбирлар амалга оширилди. Уларда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва таъминот, соғлигини саклаш, билим бериш ва бошқа масалалар ижобий ҳал этилмоқда.

Инсонларнинг иктиносидий ва ижтимоий ҳуқук ҳамда эркинликларининг ҳуқуқий асосини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ср тўгрисидаги, мулкчилик тўгрисидаги, тадбиркорлик тўгрисидаги, кооперация тўгрисидаги, тавлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўгрисидаги, ижара тўгрисидаги, аҳоли бандлиги тўгрисидаги, дехқон хўжалиги тўгрисидаги, табиатни муҳофаза қилиш тўгрисидаги, сугурта тўгрисидаги, меҳнатни муҳофаза қилиш тўгрисидаги, давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўгрисидаги, давлат пенсия таъминоти тўгрисидаги, Меҳнат кодекси, Фуқаролик кодекси, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўгрисидаги ва бошқа қонун ва ҳуқуқий ҳужжатлар ташкил этади. Ушбу қонун ҳужжатлари халқаро ҳужжатлар месъёрларини тўлиқ эътироф этган ҳолда қабул қилинган ва улар талабларига жавоб беради. Бу халқаро ҳужжатлар жумласига: Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси ва Иктиносидий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлари тўгрисидаги халқаро Пакт киради.

Юқорида кўрсатиб утилган қонунлар шахснинг иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳукукий ҳимоя қилиш билан бирга уларни кафолатлади.

ШАХСЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ

Инсонлар дунёга келиши билан маълум моддий таъминот олиши зарур. У ҳар бир шахснинг яшаси, ҳаётини давом эттириши учун зарур бўлган эҳтиёждир.

Кишилик жамиятининг ҳар бир босқичида инсонларнинг яшаш шароити унинг иқтисодий мавқеси билан улчанганд. Бу шахснинг жамиятда тутган ўрни билан боғлиқдир.

Республикамизнинг мустақилликка эришиши билан ижтимоий жиҳатдан одамларни ҳимоя қилишга қаратилган бозор иқтисодига үтиши ҳўжалик тизимида қарор топадиган бутун муносабатлар мажмуининг туб ўзгаришлари билан боғлиқдир.

Собиқ иттифоқда давлатнинг мулкчиликни ўта марказлаштириши мулкнинг инсонлардан бегоналишишига, унинг «ҳамманики — ҳеч кимники» булишига олиб келди. Бу даврда қонунларда фуқароларнинг мулкка бўлган ҳуқуқи жуда кўп чеклашлар билан берилиши ҳам буни исботлайди. Унда фуқароларнинг мулки фақат шахсий мулк булиши ёки унинг обьектлари доираси чекланган ҳолда кўрсатилган эди.

1992 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 36-моддасида «Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли...» деб, шахсларнинг мулкка бўлган ҳуқуқи конституциявий меъёр даражасига кутарилди. Бу ҳуқуқ Конституциядан ташқари республикамизнинг мулкчилик тўгрисидаги, корхоналар тўгрисидаги, тадбиркорлик тўгрисидаги ва бошқа қонунларда мустаҳкамланди.

Ҳозирги кунда инсонларнинг, фуқароларнинг мулк ҳуқуқи Фуқаролик кодекси ва мулкчилик тўгрисидаги қонунга мувофиқ хусусий мулк ҳуқуқи деб белгиланди. Уларнинг мулки ижтимоий ишлаб чиқаришда қатнашишдан, ўз ҳўжалигини юритишдан олинган даромадлар, кредит ташкилотлари, акциялар ва бошқа қимматли қоғозларга сарфланган маблаглардан келадиган даромадлар, мерос олиш ва қонунда таъқиқланмаган бошқа ҳар қандай асосда вужудга келади. Хусусий мулк ҳуқуқининг обьектлари таркиби, миқдори

ва қиймати жиҳатидан чекланмайди. Хусусий мулк мулкдорнинг ҳам ишлаб чиқариш жараённида бевосита қатнашиши ҳамда бошқа фуқароларнинг меҳнатга ёлашга асосланиши мумкин.

Конституциянинг 53-моддаси 2-қисмига асосан «Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор факат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин». Бу модда инсонларнинг мулк ҳуқуқини асосий қонун даражасида кафолатлади.

Мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулкдан фойдаланиш экологик мұхитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қуриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт (Конституциянинг 54-моддаси).

Шахларнинг «банкка қўйилган омонатлари сир тутилиши ва мерос ҳуқуқи қонун билан кафолатланади». Ушбу конституциявий месъердан келиб чиқиб, республикамизнинг «Банк ва банк фаолияти тўгрисида»ги қонунда молиявий олиш-сотиш, ҳисобдаги пул ва омонат жамгармалари бўйича маълумотлар сир сакланиши кафолатланган.

Фуқаролик кодексига асосан шахслар мул-мulkини ёки мулкий ҳуқуқ ва бурчларни васият бўйича ҳам, қонун бўйича ҳам мерос қилиб қолдириш ёки уларни мерос қилишиб олиши мумкин. Мулк ҳуқуқи муддатсизdir (ФКнинг 164-моддаси). Мулк дахлсизdir ва қонун билан қуриқланади.

Ҳар бир шахсга эркин тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқи берилган булиб, у давлат томонидан муҳофаза қилинади. Бу фаолиятни чеклашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Конституциямизнинг 37-моддаси 1-қисмida «Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир», дейилган. Бу қоида Инсон ҳуқуқлари умумжашон Декларациясининг 28-моддаси ва Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар халқаро Пактнинг 6-8 моддалари мазмунига мос келади.

Ишга жойлашиш даврида, ишлаш жараённида ва меҳнат муносабатлари тухтатилаётганда меҳнат қилиш ҳуқуқи таъминланади. Ҳар бир кишининг қандай фаолият билан шугулланиши, қандай касб ва мутахас-

сисликни эгаллаши, қандай ишни танлаши унинг ўз манфаатлари ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб ҳал қилинади.

Меҳнат кодексига мувофиқ ишга қабул қилишни асоссиз рад этиш таъқиқланади; шахснинг жинси, ирқи, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, мулкий ахволи, динга муносабати, эътиқоди, жамоат бирлашмаларига мансублиги, шунингдек ходимнинг ишчанлик сифати билан bogлиқ бўлмаган бошқа ҳолларга қараб бирор афзалликлар белгилашга йўл қўйилмайди.

Инсонларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқининг таркибий қисми бу адолатли меҳнат шартларига бўлган ҳуқуқдир. Меҳнат шартлари бевосита қонун билан, маҳаллий тартибда ва иш берувчи билан ходим ўртасида ўзаро келишувга асосан белгиланади.

Хозирги вақтда бозор иқтисодиётiga ўтишда юзага ~~кесластган меҳнат муносабатлари иш берувчи~~ билан ходим ўртасида тузиладиган шартнома меҳнат контрактига асосан тартибга солинади.

Ҳар бир инсонга меҳнат қилиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш, жумладан, суд орқали амалга ошириш имкони берилади. Ходимни ишга тиклаш тўғрисидаги суднинг қонуний кучга кирган қарори иш берувчи учун мажбурий бўлиб, у дарҳол ижро этилиши шарт.

Республикамизда фукароларнинг ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқи қонун билан мастаҳкамланган. 1992 йилда қабул қилинган «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ ҳар бир шахсга маъқул келадиган ишни танлаш ва ишга жойлашишда ҳақ олмай кўмаклашишни, ҳақ олмай янги касбга ўргатишни, иш билан таъмин этиш тизимида ёки шу тизим йўлланмаси билан стипендия тўлаш ва бошқа кафолатлар белгиланган.

Меҳнат эркинлигига асосан ҳар бир инсон ўз хишига қараб меҳнат қилиши ёки қилмаслиги мумкин. Конституция ва қонунларда ҳар бир шахсга меҳнат қилиш бурч сифатида белгиланмаган. Конституциямизда «Суд ҳукми билан тайинланган жазони уташ тартибидан ёки қонунда кўрсатилган бошқа ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнат таъқиқланади» деб кўрсатилиши ҳам бунинг исботидир.

Дам олиш ҳуқуқи Асосий Қонунда ва бошқа қонун ҳужжатларida кафолатланган бўлиб, халқаро ҳужжатларга жавоб берадиган тарзда белгиланган. Ёлла-

ниб ишлаётган барча фуқаролар дам олиш ҳуқуқига эгадирлар. Иш вақти ва ҳақ тұланадиган мәхнат таътилининг муддати Мәхнат кодекси билан белгиланади. Дам олиш ҳуқуқидан мәхнат щартномаси (контракт) асосида, мулкчилик ва хужалик юритиш шаклидан қатын назар, бирор-бир корхонада ишлаётган ходимлар, шунингдек айрим кишига өлланиб ишлаётган шахслар тұлиқ фойдаланадилар. Ходимнинг ҳафталик иш вақтининг муддати 40 соатдан ошмаслиги, таътилининг энг кам муддати 15 иш кунидан кам бўлмаслиги кузда тутилган. Иш вақтининг энг кўп муддати ва таътилининг энг кам муддати қонун билан мустаҳкамлаб қўйилганлиги фуқаролар дам олиш ҳуқуқининг энг муҳим кафолатидир.

Баъзи шахсларнинг мәхнат фаолияти хусусиятларидан келиб чиқиб, уларга қўшимча мәхнат таътиллари берилиши мумкин.

Мәхнат кодекси қисқартирилган иш куни имтиёз сифатида айрим тоифадаги шахсларга қўлланилади. Уларга 18 ёшга тўлмаган шахслар, мактаб ўқувчилари ва бошқалар киради.

ИЖТИМОЙ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАР

Ҳар бир жамиятда ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликлар у ёки бу ҳажмда мавжуд бўлади. Чунки инсонлар дунёга келиши билан ўз ҳаётини давом эттириши, яшаши учун маълум даражада ўзининг моддий, маънавий эҳтиёжини қондириши зарур.

Ижтимоий муҳофазага муҳтоҷ шахсларга давлат, ташкилотлар ва фуқаролар ёрдам беради, яъни вояга етмаганларга, мәхнатга лаёқатсизларга, ёши улугларга ота-оналар, бошқа шахслар ҳамда юридик шахслар ва давлат кўмаклашади.

Ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқи — шахснинг конституциявий ҳуқуқларидан биридир. Конституциянинг 39-моддасига мувофиқ «Ҳар ким қариганда, мәхнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга.

Пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдам бошқа турларининг миқдори расман белгилаб қўйилган тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас», деб таъкидланган.

Давлатнинг инсонпарварлиги ва ривожланганлиги-

га биринчи навбатда у ўтказаётган ижтимоий сиёсатга қараб баҳо бериш мумкин. Узбекистон Республикасининг мустақилликка эришганидан сўнг олиб бораётган ижтимоий сиёсати жуда тўғри эканлигини бошқа давлатлар ҳам тан олмоқдалар.

1993 йил сентябрда қабул қилинган «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунга асосан инсонларнинг ижтимоий таъминот олиш бўйича конституциявий ҳуқуқи кафолати янада мустаҳкамланди.

Республикамизда ижтимоий ёрдам олишнинг турлари жуда ҳам кўп, булар жумладан, ҳар бир тугилган бола учун бериладиган мукофот (суюнчи) пули, болалар ун икки ёшга тўлгунча бериладиган нафақа, аёлларнинг ҳомиладорлик ва туғищдан сўнгги таътили учун тўловлар, яъни бола икки ёшга тўлгунча бериладиган нафақалар, болалиқдан ногиронлик учун бериладиган нафақалар, инсонларнинг меҳнат жараённада ёки бошқа хизмат вазифаларини бажариш давомида олган ногиронлик учун нафақалар, қариганда ёки боқувчисини йўқотганда бериладиган нафақалар ва бошқа ҳолатларда бериладиган ижтимоий таъминотлар ҳисобланади.

Соғлиқни сақлаш ва тиббий ёрдам олиш ҳуқуқи ҳам инсонларнинг энг зарур ва муҳим ижтимоий ҳуқуқларидан бири бўлиб, у Конституциямизнинг 40-моддасида қўйидагича мустаҳкамланган: «Ҳар бир инсон малакали хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга». Ушбу ҳуқуқни амалга ошириш, биринчидан, республикада малакали тиббиёт ходимлари, замонавий тиббиёт ускуналари, самарали дори-дармонлар ва иккинчидан, ҳар бир фуқаро тиббиёт хизматидан баҳраманд була олишига муайян даражада боғлиқдир.

1992 йил июлда қабул қилинган «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги қонунда касалликнинг олдини олиш тадбирларининг устуворлиги ўз ифодасини тонган. Унда ҳар бир фуқаронинг қулай атроф-муҳитда яаш, касалланиш, эпидемия ва радиация вазияти, атроф-муҳитнинг ҳолати ва уларнинг одамлар соғлигига таъсири хусусида тўғри ахборотлар олиш ҳуқуқи мустаҳкамланган. Қонунда фуқароларнинг сифати ёмон озиқ-овқат маҳсулотлари халқ истеъмол моллари инсон соғлигига стказган заарини қоплашни талаб қилиш ҳуқуқи белгиланган. Касалликларга қарши кураш ва уларнинг олдини олиш миллий дастури ишлаб чиқилган, унда сугуртали

тиббий хизматга ўтиш, рақобатлашишга қодир бўлган хусусий клиникалар ва дорихоналар ташкил этиш оркали тиббиёт хизматини янада такомиллаштириш мақсади баён қилинган.

Билим олиш ҳуқуқи шахснинг асосий ҳуқуқларидан бири булиб, у Конституциямизнинг 41-моддасида мустаҳкамланган. Унга кура: «Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга.

Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир». 1992 йил июлда қабул қилинган «Таълим тўгрисида»ги қонунга мувофиқ «Давлат келиб чиқиши, жинси, тили, ёши, ирқи, қайси миллатга мансублиги, эътиқоди, динга муносабати, ижтимоий ахволи, машгулот тури, яшаш жойи, республика ҳудудида қанчадан бери яшаётганлигидан қатъий назар ҳар ким учун билим олишда тенг ҳуқуқлар яратиб берилади».

Билим олиш ҳуқуқи билим олиш учун ижтимоий ва иқтисодий шарт-шароитлар яратиш; давлат ва давлатга дахлсиз бўлган муассасаларни ривожлантириш; таълим олишнинг давлат ва белгиланган меъёрларда текин бўлиши, давлатга дахлсиз маърифий муассасаларда ўқитишининг кундузги, кечки, сиртқи, оиласда ўқитиш ва экстернат каби ҳар хил шаклларидан фойдаланиш; давлат муассасаларида шартнома асосларида пул тўлаб ўқишишга йўл қўйиш; таълим муассасаларининг барча турларини тугаллаганларга ўқишининг навбатдаги босқичида таҳсил куриш учун ўкув юртларига киришида тенг ҳуқуқлар бериш билан таъминланади.

Республикамизда таълим ягона тизимининг мавжуд бўлиши ўкув режалари ва дастурларнинг келишилганлиги, таълимнинг давлат ва жаҳон стандартларига мувофиқлиги билан таъминланади.

Мамлакатимизда оила, мактабгача таълим ва тарбия ишларига катта эътибор берилмоқда.

Республикамизда бошлангич, таянч, ўрта мактабларда, бошқа билим юртларида (гимназия, лицейлар)да умумий таълим олиб борилади. Умумий таълим — бошлангич (I—IV синфлар), таянч (V—IX синфлар) ва ўрта (X—XI синфлар) таълимни ўз ичига олади. Таянч таълимга эга ўқувчиларни ўрта маълумот олишга қабул қилиш танлов асосида амалга оширилади.

Хунар-техника таълими бир вақтнинг ўзида умумий урта таълим олиш ёки касб эгаллаш билан таянч таълим асосида ёки касбни эгаллаш билан бошқа таълим асосида амалга оширилади.

Техникум, билим юртлари, колледж ва бошқа урта маҳсус ўкув юртларида таянч, умумий урта ва хунар билимлари таълими асосида фуқаролар урта маҳсус таълим олишлари мумкин.

Олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаш умумий урта, урта хунар-техника ва урта маҳсус таълим базасида амалга оширилади. Олий ўкув юртларида ўқитишик икки босқичда: биринчисида бакалавр, иккинчисида магистр даражаси берилади. Фуқаролар иккинчи олий маълумотни ҳам олиши мумкин, лекин у фақат шартнома асосида амалга оширилади.

Республикамиз Конституцияси ижод эркинлигини мафкуравий доира билан чекламайди. **Фуқароларнинг** маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи биринчи марта Конституциявий мақом даражасига кўтарилиди. 42-моддага кўра: «Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади.

Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникий ривожланишига ғамхўрлик қиласди».

Ижод эркинлиги илмий тадқиқотлар ўтказиш, илмий ташвиқотлар ва ихтиrolарни амалга ошириш, адабиёт ва санъатнинг янги асарларини яратиш йўли билан амалга оширилади. Илмий кашфиётлар, ихтиrolар, рационализаторлик таклифлари қонун билан муҳофаза қилинади. Давлат тегишли моддий шароитлар яратиш ва фуқароларнинг илмий-техника ва бошқа бирлашмаларини қуллаб-қувватлаш йўли билан илмий, ихтирочилик ва рационализаторлик фаолиятига кўмаклашади ҳамда уларнинг таклиф ва тавсияларини жорий этишга имкон яратиб беради.

Ихтиро ва рационализаторлик таклифларини жорий этишда қатнашиш учун ходим асосий ишидан озод қилинганида унинг ихтиро ёки рационализаторлик таклифи муаллиф сифатидаги ўртача ойлик маошиби сақланади.

Юқорида кўриб ўтилган ижтимоий ҳукуқ ва эркинликлар ҳар бир шахснинг жамиятда стук ва баркамол инсон бўлиб стишишини таъминлайди.

Саволлар ва топшириқлар

1. Шахсларнинг иқтисодий ҳуқуқлари деганда нимани тушунасиз?
2. Шахсларнинг ижтимоий ҳуқуқлари тушунчасини айтиб беринг?
3. Инсонларнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини тартибга солувчи ва мустаҳкамловчи қонуңларни санаб беринг?
4. Шахсларнинг иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликларини санаб ва тушунтириб беринг?
5. Шахсларнинг ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликларини санаб утинг ва уларни шарҳланг.
6. Таълим тизими нима ва уни қандай тушунасиз?

8-м а в з у. ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАР КАФОЛАТИ

ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАР КАФОЛАТИ ҲАҚИДА ТУШУНЧА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг X боби «Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари» деб аталади. Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонуңларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди. Агар у ёки бу шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилса, суд орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга. Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси тургисидаги Қонуннинг З-бандига биноан «Инсон ва фуқароларнинг ижтимоий, сиёсий, шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишни таъминлашга қаратилган қонуңларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши назоратини амалга ошириш», прокуратура фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Демак, фуқароларнинг тенг ҳуқуқлиги, ҳуқуқий ҳолатларининг бирлигини таъминлаш кафолати Конституция ва қонуңларда ёзилган. Ҳуқуқий ҳолат — кафолатларни ҳам ўзига қамраб олади, бунда ўз бурчларини бажариш учун қулай шароитларни яратувчи фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини амалда рӯёбга чиқариш имкониятини таъминлайдиган воситалар ҳамда усувлар тушунилади. Ҳуқуқ эркинликларга кафолат бериш — ана шу ҳуқуқ ва эркинликларга эгалик қилинишини таъминлаш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни бузилишлардан ҳимоя қилиш демакдир. Бурчлар кафолати шу бурчлар бажарилиши учун қулай шароитларни яратишдан ўз бурчла-

рини бажармайдиган шахсларга нисбатан масъулият белгилашдан иборатдир. Сиёсий, иқтисодий ва юридик кафолатлар мавжуд.

Сиёсий кафолат — амал қилиб турган сиёсий тизимдир. Бу тизим, жамиятимизни қонунсизликдан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг бузилишидан ҳимоя этиш учун хизмат қилади.

Иқтисодий кафолатларга вужудга келган ишлаб чиқариш муносабатлари, иқтисодий тизим киради. Мустақил Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига хусусий мулкка асосланган ҳокимият булинишини сиссий ҳурфиксликка, мулкчиликнинг барча шакллари тенглиги ва ҳимоясини тан олган давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш йўли билан мулкдорларни купайтирадиган ҳуқуқий жамиятни қурмоқда. Қилинаётган бу ишлар халқни иқтисодий кафолатлашга ёрдам беради.

Юридик кафолатларга ҳуқуқ ва эркинликларни руёбга чиқариш механизмини тартибга солиб турувчи қонун меъёрлари киради. Бу кафолатни амалга ошириш жараённада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Президенти томонидан қабул қилинган қонунлар, фармонлар гувоҳ бўла олади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддаси 22-бандига мувофиқ, давлат мукофотлари ва унвонларни таъсис этиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мутлоқ ваколатига киради. Конституциянинг 93-моддаси 18-бандига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикасининг орденлари, медаллари ва ёрлиғи билан мукофотлайди. Ўзбекистон Республикасининг малакавий ва фахрий унвонларини беради. Давлат мукофотлари тўғрисидағи қонун Олий Мажлис томонидан қабул қилинса, бу мукофотларни кимга бериш масаласи Президент Фармони билан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотлари тўғрисидаги қонунчилик асослари янги таъсис этилган орден ва медалларнинг маҳсус ҳуқуқий ҳолатини белгилаш орқали амалга оширилади.

Демак, инсонларнинг меҳнатини, жамиятда эришган ютуқларини эъзозлаш масаласи қонун ва қонуний актлар билан амалга оширилишининг ҳам ҳуқуқий кафолати мавжуд.

Сиз инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари тўғрисидаги айрим тушунчага эга бўлдингиз.

Энди мисоллар тариқасида бу кафолатлар қачон ва қандай амалга оширилишини ҳам кўриб чиқамиз. Бу жараёнда қонун: «Жамики дунёвий неъматлар орасида энг улуги — Инсон деган гоя асосида фуқаро — жамият — давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг оқилона ҳуқуқий ечимини топишга ҳаракат қиласди» (И. Каримов).

ШАХСИЙ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРНИНГ КАФОЛАТЛАНИШИ

Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар тўгрисида гапирганда, инсон ҳаётига суюқасд энг оғир жиноят эканлиги Конституция ва бошқа қонунларда қайд этилган. Бунинг кафолати эса Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24-моддасида ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 97—103-моддаларида ёзилган. Инсон ҳаётга яшаш учун келади, ҳеч ким унинг ҳаётига, соглигига, танасига, шаъни, қадр-қиммати, ор-номусига, озодлигига қарши ҳаракат қилишига ҳаққи йўқ.

Агар бирор шахс шундай ҳаракат қиласа, масалан, қасдан одам ўлдирса, 10 йилдан 15 йилгача озодликдан маҳрум қилинади ёки улим жазосига тортилади. Буни эса давлат ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органларга топширган ва бирорта жиноят очилмасдан қолмаслигини таъминлашни назорат қиласди. Лекин биронта шахс айбдор бўлмаса, уни жазоламасликка ва айбсиз шахсни айбламасликка давлат ўз Қонунлари билан кафолат беради.

Масалан, биронта шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларига пурт етказилса, у мансабдор шахсми ёки раҳбарми, давлат арбобими устидан судга шикоят қилиши мумкинлиги Конституциясининг 44-моддасида ва 1995 йил 30 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўгрисида»ги қонуни билан тартибга солинади. Қонунга кура, ҳар бир фуқаро давлат органлари, ўз-узини бошқариш идоралари ҳар қандай поғона мансабдор шахсларнинг айби билан ўз ҳуқуқи, манфаати, эркинлигига зарар етказган деб ҳисобласа шикоят билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Бу ҳуқуқлардан хорижийлар ва фуқаролиги булмаган шахслар ҳам тўла фойдаланиши мумкинлиги қонунда белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 205-моддасида, ҳоки-

мият ёки мансаб ваколатини суистеъмол қилиш, яъни мансабдор шахснинг ўз мансаб ваколатидан қасдан фойдаланиш фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан кўриқланадиган манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса, жарима солинади ёки беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади, дейилган.

Одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузган ёки уларни рӯёбга чиқаришга монелик қилган, ўз қилмиши билан бошқача тарзда ноқонуний жабр кўришига сабаб бўлган идора, унинг раҳбари суд орқали жазоланиши жамиятимизга демократия, ҳуқуқий кафолат кириб келаётганлигининг мисоли бўла олади.

Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлар дахлсизdir, улардан суд қарорисиз маҳкум этишга ва уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас.

Шахсий ҳуқуқ ва эркинликларни ўргантанингизда сизга маълум бўлдики, асосий қонун ҳар ким ўз шаъни ва обрусига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашишдан ҳимояланиш ва турар-жойининг дахлсизлиги ҳуқуқига эга эканлигини белгилайди.

Биласизми, инсонга тухмат қилиш, уни ҳақорат қилиш, ҳатто вафот этганда қабрини таҳқирлаш жиноят ҳисобланади. Бу ҳаракат учун Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 41-моддасига биноан маъмурий жазо, Ўзбекистон Республикасининг ЖК 139-моддасига биноан, жиноий жазо белгиланган. Тухмат — бу била туриб бошқа шахсни шарманда қиладиган уйдирмалар тарқатиш, уларни нашр қилиш ёки бошқа усулда купайтиришдир. Бундай ҳаракатлар учун 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси берилиши мумкин.

Мактаб ҳаётida ҳам ўқувчиларнинг ўқитувчиларга, ўртоқларига тухмат қилиш ҳоллари баъзида учраб турди. Масалан, ўқитувчини пора олишида, таъмагирликда айблаш натижасида унинг шаънига, орномусига, қанчадан-қанча зарар етказилади. Бундай нотўғри маълумотлар тарқатган — тухматчи жазога тортилиши қонун билан кафолатланади.

Ҳақорат қилиш эса — биронта шахснинг шаънини, қадр-қимматини қасдан камситиш ёки беодоблик билан таҳқирлаш ёки шундай маълумотларни нашр қилиш, купайтиришдир. Бундай ҳаракатлар учун Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғриси-

даги кодексининг 40-моддасига биноан маъмурий жазо ва Узбекистон Республикаси ЖКнинг 140-моддасига биноан жарима тұлашдан тортиб уч йилгача озодликдан маҳрум қилишгача жиноий жазо белгиланади.

Масалан, сиз ўз синфдошларингизни ҳар хил уятсиз сүзлар билан ҳақорат қиласиз, сизнинг тилингиздан бу сүкиш дейилади. Қонун эса буни ҳақорат деб белгилайди, бунинг учун маъмурий ёки жиноий жазо қўллайди.

Ўзбекистон Республикасининг ЖК 134-моддасига кўра қабрни ёки мурдани таҳқирлаш, шунингдек мурдадаги, қабр устидаги ёки ичидаги нарсаларни олиш жиноят ҳисобланади. Бунинг учун жарима тұлашдан тортиб 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланади.

Ҳар бир инсоннинг оиласида вақти-соати этиб кимдир вафот этади. Ўлимдан қочиб қутулиб бўлмайди. Маълумки, барча расм-русумларини адо этиб сўнгги йулга кузатилади. Тобутни елкада кутариб, хурмат-иззат билан дағн этилади. Энди унинг манзилгоҳи шу ер. Сўнг унинг яқинлари хотирлаб зиёрат учун қабристонга боради. Фараз қилинг, унинг қабрини қайси бир нодон таҳқирласа! Сиз бунга нима дер эдингиз? Агар бу қабр сизнинг қариндош-уругларингизники бўлса-чи? Шунинг учун қабрни таҳқирлаш жиноят эканлигини ва қабрлар давлат томонидан кафолатланиб, ҳимоя қилинишини ўзингиз билгандан кейин бошқаларга ҳам ўргатинг.

Республикамизда жиноят содир этиш учун биронта асос йўқ. Давлат иложи борича тарбиясиз болаларни тарбиялашга ҳаракат килади. Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикасида Мехрибонлик уйлари ташкил қилинган. Бу тўғрида Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 18 февралда қарор эълон қилинди. «Мехрибонлик уйлари»га етим болалар, суд қарори билан отонасидан ажратиб олинган болалар, ҳукм қилинган, ота-оналиқ ҳуқуқидан маҳрум этилган, узоқ муддатли даволанишда бўлган ёки Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилган, шунингдек турар-жойи аниқланмаган ота-оналарнинг болалари қабул қилинади.

Мехрибонлик уйлари ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, қонунларга, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари ва бошқа ҳужжатларига, Президентимизнинг фармонла-

ри, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига ва бошқа норматив ҳужжатларга амал қиласи. Ота-онасиз, қаровсиз қолган болаларни тарбиялаш кафолатини ҳам давлат ўз зиммасига олган.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан бошлаб, ҳалқимизнинг виждан эркинлигига эга бўлиши учун давлатимиз томонидан бир қанча қонун ва қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида эса, ҳамма учун виждан эркинлиги кафолатланади, деб қайд этилган. Буни амалга оширишнинг кафолати сифатида Конституция билан бир қаторда 1991 йил 14 июнда қабул қилинган «Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар» ҳақидағи қонунни кўрсатиш мумкин. Бу қонун фуқароларнинг динга нисбатан ўз муносабатини белгилаш ҳамда ҳеч қандай қаршиликсиз динга эътиқод қилиш ва диний расм-русларни бажариш ҳуқуқларини таъминлайди, ижтимоий адолат ва тенгликни, фуқароларнинг динга муносабатидан қатъий назар, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишини кафолатлади.

Лекин виждан эркинлигининг айримлар фақат динга берилиб, дунёвий ҳаётдан чекланиш керак деб тушунадилар.

Аммо ҳар бир инсон илмга интилиши, меҳнат қилиши, яшаш учун курашиши Аллоҳ таоло томонидан ман этилмаган.

Ҳазрат Баҳоуддин таълимотлари ҳам худди шунга, яъни ўз қўл кучи билан ҳалол луқма топмоқ — кўнгил эса Аллоҳ таоло ёди билан бўлмоққа асосланган. «Дил ба ёру даст ба кор!», яъни кўнгил ёр — Аллоҳ ёди билан, қўл эса иш билан банд бўлсин, деган Нақшбанднинг шиори бутун мусулмон оламига машҳур. Шундан хулоса қилиб, ҳар бир динга берилган ўқувчимиз кўнгилда Аллоҳ, қўлида эса дарс китоблари ўқиш, ҳаётда ўз ўрнини топишга интилиши керак.

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида ҳалқаро Пактнинг 18-моддасида: «Дин ёки эътиқодга сифини шэрки қонунда белгилаб қўйилган ва жамоат хавфсизлигини сақлаш, тартиб, сиҳат-саломатлик ва ахлоқ-одобни сақлаш учун, айни вақтда бошқа шахсларнинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликларини сақлаш учун зарур бўлган чеклашларгагина нозил бўлади» дейилган. Диндан

фойдаланиб Ватанга, халқа зиён етказгандар гуноҳга ботадилар. Ҳеч кимни мажбурлаш йўли билан у ёки бу динга ишонтириш, жалб этиш мумкин эмас.

СИЁСИЙ ҲУҚУҚЛАРНИНГ КАФОЛАТЛАНИШИ

Инсон ва фуқароларниң сиёсий ҳуқуқларини ба-жарилишининг кафолати фуқаролик жамиятини қуришда, инсонпарвар ҳуқуқий давлатни барпо этишда муҳим ўрин эгаллайди. Узбекистон Конституцияси-нинг 7-моддасида «Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир» дейилган, 2-моддада давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат килиши таъкидланади. Демак, фуқаролик жамиятини-нг энг муҳим тамойилларидан бири — халқ ҳокимиятини қарор топтириш, республикамиз фуқароларини жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этишини таъминлашдир. Конституция ва қонунлар бу ҳуқуқлар реал амалга ошишининг кафолатидир.

Юқорида айтиб ўтилганидек, халқ ҳокимиятнинг бирдан-бир манбаидир.

Республикамизда қабул қилинган ёки қабул қилиниши керак бўлган қонунлар халқнинг ишончини қо-зониб, халқ иродасини ифодалаш йўлида амалга оширилади. Радио, телевидение орқали ёки газеталарда сиз республикамиз Олий Мажлиси сессиясида куриб чиқилган, муҳокамага тақдим этилган қонун лойиҳалари тўғрисида эшитасиз, ўқийсиз. Шу ерда халқнинг давлат ишларини бошқаришдаги бевосита иштироки, бу қонун лойиҳасини ўқиб, ўз Фикр ва таклифларини маълум этишидир. Халқнинг ўз вакиллари орқали иштирок этиши эса унинг таклифларини инобатга олган ҳолда, қонун лойиҳасини қонун даражасига етказишида, халқ номидан, Олий Мажлис депутатлари — Халқ вакиллари, қонунни қабул қилишга овоз беришидир. Демак, давлат ишини бошқаришда халқнинг иштирок этиши ҳам асосий қонунимизда, ҳам бошқа қонунларда кафолатланганлигини юқорида зикр этилган мисолдан кўришингиз мумкин.

Сиз яшаётган жойда — шаҳарчада, қишлоқ ва овулларда, маҳаллаларда фуқароларниң йигинлари — ўзини-ўзи бошқариш органлари бор. Биласизми, агар бу йигинда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган барча аҳолининг ярмидан кўпин тўпланмаса йигин ўtkазил-

майди. Демак, «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тұғрисида»ги қонун ахоли яшаётган пунктлар ободонлаштирилиши, санитария ҳолати яхшилаши ва бошқа халқ фаровонлигига қаратылған ишлар жойларда амалга ошишини таъминлаш туфайли халқнинг шахсан иштирокида бу орган тузилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида депутатни чақириб олиш тұғрисида»ги қонуннинг 1-моддасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонуларини бузаётган, депутатлик вазифаларини бажармаётган ёки сайловчиларнинг, шунингдек депутатликка номзод қилиб курсатған органнинг ишончини бошқача тарзда оқладамаётган Олий Мажлис депутати, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгашининг депутати чақириб олиниши мүмкін дейилған. Демак, халқ узи сайлаган депутатни яхши ишламаса, қайтадан чақириб олиб, унинг ўрнига бошқа депутат сайлаш ҳуқуқига әгалиги Конституция ва қонуларда баён этилған.

Сиёсий ҳуқуқнинг амалга оширилиши, халқнинг жамият ва давлат ишларида иштирок этиши яна ҳаётимизнинг энг мұхым масалалари халқ мұҳомасига тақдим этилишда, умумий овоз (референдум)га қўйилишда ҳам намоён бўлади.

Референдумга энг асосий масалалар қўйилади. Ўзбекистон Республикаси референдуми — давлат ҳаёти ва ижтимоий ҳаётнинг энг мұхым масалалари буйича, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг қонулари ва ўзга қарорларини қабул қилиш, уларни ўзгартириш жамоатчилик фикрини аниқлаш мақсадида умумхалқ овоз бериши бўлиб, халқ ҳокимиятини бевосита амалга ошириш воситасидир.

Референдумда қабул қилинган қарорлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Олий юридик кучга эга бўлади ва фақат референдум ўтказиш йўли билан бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мүмкін.

Давлат халқ ҳокимиятчилигини амалга оширишда инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб ижтимоий адолат ва қонунийлик тамойиллари асосида иш тутади. Фуқаролик жамиятининг асосий маъноси — давлат ривожлана борган сари бошқарувнинг турли хил вазифаларини бевосита халққа топшириш, яъни ўзини-ўзи бошқариш органларини ривожлантириш демақдир.

Республика Конституцияси фуқароларга ижтимоий фаолиятларини амалга ошириб, митинг, йиғи-

лишлар ва намойишларда қатнашишларига рухсат этади ва қонун асосида унинг йўлларини курсатиб беради. Рухсат этилган ижтимоий фаолиятларини амалга оширишда тўсқинлиқ қилувчи шахсларга тегишли жазо қуллашни ҳам қонунлаштириб қўйган.

Республика Конституциясида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолатлари қаторига фуқароларнинг касаба уюшмаларга, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиши ҳуқуқлари киради.

Ҳеч кимга у ёки бу сиёсий партия аъзоси бўлишга тўсқинлик қилиш касаба ёки бошқа жамоат бирлашмаларига киришга мажбурлаш ҳуқуқи берилмаган. Бундай ҳаракат ёки талаб ноқонуний ҳисобланади ва қонун асосида жазога лойик ҳисобланади. Фуқаролик жамиятини қуришда «Фуқароларнинг сиёсий жараёнларда, давлатни бошқаришда қатнашувини таъминлайдиган ҳуқуқий асосларни такомиллаштиришга алоҳида эътибор бериш зарур»¹.

Бунда сиёсий партиялар, бирлашмалар, касаба уюшмалари, ёшлар ташкилотлари, турли хил хайрия ва ижодий жамғармалар ҳамда уюшмалар фаолиятини юксалтириш лозим. Бугунги кунда: «жамоат ташкилотлари, жамғармалар, уюшмалар ҳуқуқини оширадиган, уларнинг жамият сиёсий тизимидағи ўрнини ва аҳамиятини белгилаб берадиган давлат ишларига таъсирини кучайтирадиган бутун бир қонунлар тизимиға эҳтиёж сезилмоқда»².

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасида ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки ҳалқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга, дейилган. Бу ҳуқуқларнинг амалга оширилиши 1995 йил 30 августда қабул қилинган «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги ва «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонунларда тасдиқланган.

«Фуқаролар мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунида: «Аризалар, таклифлар ва

¹ И. Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқалласидир. З-том, Ўзбекистон, 1996 йил, 14-бет.

² Курсатилган асар, 15-бет.

шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда қурилиб чиқилиши шарт» дейилган.

Қонун фуқароларга якка тартибда ёки жамоа бўлиб, ташкилотлар раҳбар ходимлар, мансабдор шахсларга оғзаки ёки ёзма ўзакда таклиф, ариза ёки шикоят билан мурожаат қилишлари мумкинлигини билдиради. Бу ҳуқуқ республика фуқаролари билан биргаликда фуқаро булмаган шахсларга ҳам берилади. Демак, юқорида курсатилган иккита қонун фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, уларнинг таклиф, ариза ва шикоятларини кўриб чиқиш кафолати бўла олади. Қонунга кўра ҳар бир фуқаро давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини-узи бошқариш органлари ёки мансабдор шахсларнинг гайриқонуний хатти-ҳаракатлари (қарорлари) натижасида ўз ҳуқуқлари ёки эркинликлари бузилган деб ҳисобласа, шикоят билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадирлар. Ушбу қонуннинг 4-моддасига кўра шикоятни ҳуқуқлари, эркинликлари бузилган фуқаро ёки унинг вакили, шунингдек фуқаронинг илтимосига кўра жамоат бирлашмасининг, меҳнат жамоасининг ваколат берилган вакили бериши мумкин. Шикоят фуқаронинг хоҳишига қараб ё у яшайдиган жойдаги судга ёки орган жойлашган ердаги, ёхуд хатти-ҳаракат (қарорлари) устидан шикоят қилинаётган мансабдор шахснинг иш жойидаги судга борилади. Шикоят суд томонидан фуқаролик судлов ишларини юритиш қоидалари асосида кўриб чиқилади. Шикоятни кўриб чиқиш натижалари бўйича суд қарор чиқаради.

Инсоннинг ҳуқуқий ҳолатини кафолатлашга қаратилган БМТнинг 1979 йил 17 декабрда «Ҳуқуқий тартиботни қўллашда лавозимли шахсларнинг ахлоқи тўғрисида» кодекси қабул қилинган. Бу кодекснинг 2-моддасида ҳуқуқий тартиботни амалга ошириш жараёнида ўз вазифасини бажаришда инсоннинг қадр-қиммати, шаъни ва барча инсонларга қаратилган ҳуқуқларини ҳурмат қилиши керак дейилган. Бу қоида БМТ томонидан қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси»да, «Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Пакт»да, «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги Пакт»да ва бу Пактга илова қилинган факультатив протоколда ҳамда жаҳон миқёсида қабул қилинган бошқа ҳужжатларда ўз

ифодасини топган. Масалан, «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тұғрисидаги халқаро «Пакт»нинг 26-моддасыда шундай дейилган: «Барча одамлар қонун олдида тентидирлар ва сира камситишсиз қонун томонидан баб-баравар ҳимоя қилиниши ҳуқуқига әгадир!» Юқорида айттылган кодекснинг 3-моддасига биноан ҳуқуқий тартиботни таъминловчи биронта шахс инсонга нисбатан зулм қиласынан, унинг инсонийлик, одамийлик хусусиятини поймол қиласынан, хусусан қийнаш, уриш әки бошқа ҳаракатлар қилишга ҳақли әмаслиги күрсатылған. Демек, инсонни ҳуқуқий ҳимоя қилиш кафолати ҳам яхшиларга, ҳам ҳуқуқий тартиботни бузғанларға қонун асосида муносабат билдиради.

ИҚТІСОДИЙ ВА ИЖТИМОЙ ҲУҚУҚЛАРНИҢ КАФОЛАТЛАНИШИ

Инсон ва фуқароларнинг мулкдор булиши, мулкка әгалік қилиши, ундан фойдаланиш ва тасарруф этиш Үзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва мулкчилик тұғрисидаги қонунида баён этилған ва «Мулкий ҳуқуқнинг кафолати ва ҳимоя қилиниши» бұліміда тасдиқланған. Ушбу қонун белгіланған мулкчилик муносабатларининг барқарорлыгини кафолат этади. Шунда мувофик рационалды мулкдорнинг мол-мулкини мажбуран тортиб олишга йўл қўйилмайди.

Мулкдор узга шахс томонидан қонунга хилоф равища әгаллаб олинған мол-мулкини талаб қилишга, мулкка әгалік қилиш ҳуқуқларидан маҳрум этиш билан бөглиқ бўлмаса-да, бартараф этишини талаб қилиши мумкин.

Давлат бошқаруви идораси әки давлат ҳокимияти маҳаллий идораси томонидан қонунга хилоф бўлған ҳужжатнинг қабул қилиниши натижасида мулкдорнинг ва бошқа шахсларнинг үзларига қарашли мол-мулкка әгалік қилиш, ундан фойдаланиш әки уни тасарруф этиш борасидаги ҳуқуқлари бузилған тақдирда бундай ҳужжат мулкдорнинг әки ҳуқуқи бузилған шахснинг даъвосига биноан суд томонидан ҳақиқий әмас деб топилади.

Республикамизда барча фуқаролар меҳнат ҳуқуқларига эга булиши ва улардан фойдаланиши маҳсус қонун ва қонуний ҳужжатларда кафолатланған. Мисол учун Үзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳо-

фаза қилиш тұгрисида»ги, «Аҳолини иш билан таъминлаш тұгрисида»ги қонунларини, республика миз Мәҳнат кодексини, «Иш ҳақи, пенсиялар ва стипендияларнинг миқдорини ошириш тұгрисида»ги республика Президентининг қатор фармонларини ва бошқаларни күрсатиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Мәҳнат кодексида алоҳида XIV боб «Айрим тоифадаги ходимларга бериладиган құшимчы кафолат ва имтиёзлар» деб аталади. Бу бобнинг иккинчи банди сиз — ёшлар учун құшимчы кафолатларни күрсатиб берган. 18 ёшга тұлмаган шахсларни ишга қабул қилиш, уларнинг мәҳнатидан фойдаланиш таъқиқланадиган ишлар, иш вақти қисқартирилишини таъминлаш, мәҳнат таътилларини вақтида беришни амалта ошириш, тунги сменаларда, иш вақтидан ташқари юмушларда, дам олиш күнларидаги ишларға жалб этишини таъқиқлаш, мәҳнат шартномасини бекор қилиш ва бошқа кафолатлар күрсатылған. Масалан, ўн саккиз ёшга тұлмаган шахслар мәҳнатидан шу тоифа ходимларнинг соглиғи, хавфсизлиги ёки ахлоқ-одобига зиён етказиши мумкин булған мәҳнат шароити нокулай ишларда, ер ости ишларида ва бошқа ишларда фойдаланиш таъқиқланади. Уларға белгилаб құйилған меъердан ортиқ оғир юқ күтаришларига ва ташишларига йўл қўйилмайди. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мәҳнат тұгрисидағи қонунларнинг аниқ ижро этилиши устидан назорат олиб бориш Ўзбекистон Республикаси Баш прокурори ва унга буйсунувчи прокурорлар томонидан амалға оширилади.

Инсон йиллар давомида қылған мәҳнатининг эвазига давлат томонидан ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига ҳам эга. Фақат қариллик чоғида әмас, балки ёшлик чоғида ҳам турли сабабларға күра ҳар хил нафақалар олишга муҳтож бўлғанлар борлиги сизга аён. Уларнинг ҳуқуқлари амалға оширилиши Конституция ва тегишли бошқа қонунлар билан тартибга солинади, бажарилиши эса назорат қилинади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг давлат пенсия таъминоти тұгрисидаги қонуни пенсионерларни, ёшига доир, ногирон, боқувчисини йўқотганларга бўлади. Қонуннинг 1-моддасида фуқароларнинг давлат пенсия таъминотига тааллуқли ҳуқуқлари күрсатилған. Республика миз фуқаролари қонунда күрсатилған тартибда пенсия билан таъминланиш ҳуқуқига эга деб

әзилган. Бундай ҳуқуқ республикамизда яшаб турган чет эл фуқароларига, фуқаролиги бўлмаган шахсларга ҳам берилади.

Ижтимоий ҳимояга болали аёлларга ёрдам бериш, болаликдан ногиронларга, қарорининг 1-ил 23 июндангаги 317-сон қарорининг 1-иловасидаги тиббий меҳнат эксперт комиссиялари тўғрисидаги Низомини кўрсатиш мумкин. Унда меҳнатга лаёқатлийк аҳволини, уни узоқ вақт ёки доимий йўқотганлигини, ногиронликнинг гурӯхи, сабабларини, бошланиш вақти ва муддатларини аниқлаш; ўз меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ равишда майиб бўлиб қолган ёки бошқача тарзда касалланган ишловчиларнинг меҳнатга лаёқатлийгини йўқотганлик дараҷасини ҳамда уларнинг қўшимча ёрдам турларига муҳтоҷлигини аниқлаш; ногиронлар саломатлигини тиббий ва ижтимоий-меҳнат бўйича тиклаш чораларини белгилаш ҳамда даволаш — касалликнинг олдини олиш муассасаларида ва корхоналарида тавсияларнинг бажарилишини назорат қилиш ва бошқалар кўрсатилган.

Узбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддаси ҳар бир фуқаронинг билим олиш ҳуқуқини мустаҳкамлайди ва бепул умумий таълим олишини кафолатлайди, мактаб иши давлат назоратида бўлишини таъкидлайди.

Конституциянинг ушбу принципиал қоидалари Узбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонунида узининг қатъий ифодасини топган. Қонун фуқароларнинг билим олиш учун Конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлайди, узаро муносабатларининг тамойилларини, субъектларнинг таълим соҳасидаги маъмурий-ҳуқуқий ваколатларини ва жавобгарликларини, Узбекистон Республикасида таълимни эркин ривожлантиришнинг ҳуқуқий кафолатини белгилайди.

Конституция ва қонунлардан келиб чиқиб, таълим тизими бўйича жуда кўп низомлар қабул қилинди. Улар ичида «Умумтаълим мактаби тўғрисида»ги Ни-

зом, «Мактабгача тарбия муассасаларининг Низоми», «Гимназия тўғрисида»ги Низом ва бошқалар.

Умумтаълим мактаби тўғрисидаги Низомда республикамизда умумий таълим мактаби узлуксиз таълим тизимининг асосий бугини эканлигини ва барча фуқароларга давлат умумтаълими андозалари доирасида бепул таълим олишининг кафолатланган ҳуқуқи ва имкониятини бериш баён этилган.

Бугунги кунда республикамиз қудратли илмий ва маънавий имкониятга эга. Ўзбекистонда ўзининг Фанлар академияси, Қишлоқ хужалик академияси, 120 дан зиёд илмий-тадқиқот институтлари ўз фаолиятларини амалга оширмоқдалар. Республикамизнинг 57 та олий ва 246 та ўрта маҳсус билим юргларида 519175 қадар йигит-қизлар таълим олмоқда. 9 мингдан зиёд умумтаълим мактаблари ва лицейлар ишлаб турибди. Илмий ходимлар сони 100 минг кишидан ортиқ булиб, улар орасида 159 академик ва мухбир аъзо, 2200 га яқин фан докторлари ва профессорлар, 14600 дан зиёд фан номзодлари ва доцентлар бор. Ишлаётган кишиларнинг ҳар 4 тасидан биттаси олий ёки ўрта маҳсус маълумотга эга. (Ўзбекистон мустақил тараққиёт йўлида. Т., 1994, 23-бет).

Республикамиздаги талабалар сони умум аҳоли билан солиштирганда, Буюк Британия, Германия, Франция ва Япония мамлакатлариникидан кўп. Юқоридаги кўрсаткичлар республикамизда илмга катта эътибор берилаетганинг ва таълим давлат назоратида эканлигининг тасдиги бўла олади.

Бундан ташқари таълимни ривожлантириш жаҳон миқёсисида қабул қилинган қонун ва декларацияларда ҳимоя қилиниши таъкидланган. Булар қаторига БМТ томонидан 14 декабрь 1960 йилда қабул қилинган «Таълим соҳасида тенгсизликка қарши кураш ҳақида»ги Конвенцияси, бунга тааллуқли 10 октябрь 1962 йилда қабул қилинган Протоколи ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар киради. Жумладан, Конвенциянинг З-моддасида БМТга аъзо бўлган давлатларнинг ҳаммаси: таълим соҳасида тенгсизликка олиб келадиган қонун ва қонуний ҳужжатларни бекор қилиш ҳуқуқига эга; ўқув муассасаларига ўқувчиларни қабул қилишда тенгликка асосланган чора-тадбирлар ишлаб чиқишига ҳақли; чет давлатда билим оладиган ўқувчиларни ўша давлатда ўқиётганлар билан тенглигини таъминлаш, фақат билимига қараб баҳо беришига ҳақли; ўқувчилар

билимини рағбатлантиришда уларни у ёки бу гурухга тааллуқлигига қарамасдан амалга оширишга ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 42-моддасида ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади деб белгиланган. Ҳозирги даврда республикамизда илмий, ижодий изланишларга кенг йўл берилган. Ижодкор фаолиятини ривожлантиришга қаратилган бир неча қонунлар қабул қилинган. Масалан, 1994 йил 6 майда Ўзбекистон Республикасининг «Ихтиrolар, фойдали моделлардан ва санъат намуналари тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Бу қонунда ихтиrolар, фойдали моделлар ва санъат намуналари ни яратиш, уларни ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатлар тартибига солинади.

Жаҳон миқёсида 1979 йил 10 ноябрда БМТ томонидан «Инсон баҳт-саодати ва тинчлигига қаратилган илмий-техника ривожланишидан фойдаланиш декларацияси» қабул қилинди. Бу декларацияда инсонийлик жамиятининг асосий омили бўлиб, илмий-техникавий прогресси ҳисоблана бошлади. Бу ривожланиш инсон ҳаётини яхшилашга, инсонларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал қилишга қаратилган ва Конституцияда — давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишга ғамхўрлик қиласи, деган сатрларнинг далили бўла олади.

ДАВЛАТ ҲИМОЯСИНИНГ МАЗМУНИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 45-моддасида «Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлгиз инсонларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида-дир», деб қайд этилган.

БМТнинг «Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлари тўғрисида»ги халқаро Пактнинг 10-моддаси З-бандида оиласи келиб чиқиши ёки бошқа аломатларидан қатъи назар, бирор-бир камситишсиз барча болалар ва ўсмирларга нисбатан муҳофаза ёрдамининг алоҳида тадбирлари кўрилиши керак. Болалар ва ўсмирлар иқтисодий ва ижтимоий эксплуатациядан ҳимоя қилинишлари керак. Уларнинг ахлоқ-одоби ва сиҳат-саломатлиги учун зиён келтирадиган ёки ҳаёт учун хавфли бўлган соҳаларда ёхуд уларнинг нормал

ўсиши учун зарап келтириши мумкин бўлган соҳаларда болалар меҳнатидан фойдаланиш ман этилган, агар бу соҳаларда ўсмирлар меҳнатидан фойдаланиш ман этилган, агар бу соҳаларда ўсмирлар меҳнатидан фойдаланилса қонун йўли билан жавобгар шахслар жазоланиши кераклиги ёзилган.

Ундан ташқари БМТ томонидан 1959 йил 20 ноябрда «Бола ҳуқуқи тўгрисида Декларация» қабул қилинган. Бу декларацияда фарзанд тугилиши билан у исмга, фукароликка эга булиш ҳуқуқи, унинг яшashi, камол топиши, ҳимояланиши учун ҳамма шароитлар таъминланиши шартлиги кўрсатилган. БМТ томонидан фавқулодда ҳолатлар вақтида, уруш даврида аёллар ва болаларни ҳимоя қилиш тўгрисида Декларация, Ижтимоий ва ҳуқуқий тамоиллар асосида, фарзандликка берилиши ёки тарбияга берилаётган болаларни, ҳимоя қилишга қаратилган Декларация қабул қилинган. Жаҳон миқёсидаги қонун, Декларацияларга қўшилганлигини билдириб Ўзбекистон Республикаси ҳам «Соғлом авлод учун» орденини, «Ўзбекистон Республикасининг давлат ёшлилар сиёсати асослари тўгрисида»ги қонунлар қабул қилинди. Ёшлилар тўгрисидағи қонунда, Ўзбекистон Республикаси ёшлилар тўгрисида гамхўрлик қилиш, уларнинг ҳар томонлама, ижтимоий сиёсий, ҳуқуқий шароитларини яхшилаш, жамият учун ишлашларида кенг йўл очиш кераклиги кўрсатилган. Қонун ёшлиларни ҳуқуқий ҳимоя қилишни, вояга етмаган қонунбузарларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилишни, ёшлиларнинг илм олишларига шароит яратишни таъминлаш масалалари ёритилган. Қонун бажарилишининг таъминланишини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, маҳаллий давлат органларига топширган, Қонун бажарилиши устидан назоратни республика Прокуратураси зиммасига юклangan. БМТнинг «Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлари тўгрисида»ги халқаро Пактнинг 12-моддасида: «Барча кишиларга тиббий мадад берилиши ва бетоб бўлиб қолганида тиббий мадад кўрсатишни таъминлайдиган шарт-шароитлар яратилиши» шартлиги тасдиқланган.

Конституциянинг 64-моддасида «Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар, давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарнинг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўкишини таъмин-

лайдиган, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларини рағбатлантиради» деб таъкидлаган, 65-моддада «Оналик, болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади», дейилганды.

Шундай қилиб, қонун ва қонуний ҳужжатлар ҳозирги вақтда вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза этиш билан бөглиқ бўлган барча давлат ҳамда нодавлат идораларининг, мансабдор шахсларнинг вазифаларини, ваколатлари ва ҳуқуқий мақомини тартибга солиб турибди.

Жамиятнинг ҳуқуқий бойлиги, бу инсон, инсон — авлодидир. «Дунёга келиб муносиб фарзанд қуриш, иморат қуриш, ниҳол экиб бօғ яратиш — ота-боболаримиздан бизга мерос бўлиб қолган эзгу тилак ва қутлуг инсоний бурчdir» (И. Каримов). Инсон, кишилик, жамияти, оила, эл-юртига, ватанига садоқатли фарзанд тарбиялаш лозим. Ана шу сабабдан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бир қанча моддасида оиласининг, онанинг, фарзанднинг жамиятдаги ўрни кўрсатилган. Шахсан 63-моддасида — оила жамиятнинг асосий бугини эканлигини ва у жамият ҳамда давлат муҳофазасида бўлиши қайд этилган.

Ота-оналар уз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиши ва тарбиялашга мажбурдирлар, деб ёзилган Конституциянинг 64-моддасида. 46-модда эса хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқли эканлигига катфолат беради.

Маълумки, шахснинг ўзига хос табиати, истеъоди, фаолияти ва ҳалқига ҳурмати оила эркинлиги билан бөглиқ, Ҳар томонлама ҳимояланган оила давлатга фойда келтириш, олдига қўйган мақсадига эришиш осонроқ амалга ошади.

Оила — жамият ўзаги. Оилада қанчалик осойишталик, тотувлик, тинчлик, бирдамлик бўлса, бола тарбияси, жамоат ишларида иштирок этишга шунчалик кўп ҳисса қушилади. Балки шу сабабдан жаҳон миқссида жуда кўп қонунлар оиласини ҳимоя қилишга, оналик ва болалика ғамхўрлик қилишга, эркак ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлиликларини таъминлашга қаратилган. Буларга: никоҳ ёши, никоҳдан ўтишдаги ўзаро қелишув, никоҳни расмийлаштириш тўғрисидаги БМТнинг 1962 йил 7 ноябрда қабул қилган Конвенцияси; никоҳдан ўтиш учун минимал ёш, никоҳдан ўтиш ва никоҳни расмийлаштириш тўғрисидаги таклифлар (1965 йил 1 ноябрь); аёлларнинг сиёсий ҳуқу-

ки тұгрисида Конвенция (1952 йил, 20 декабрь), аәлларни камситишиң йүқ қилиш тұгрисидаги Декларацияси (1967 йил 7 ноябрь) киради.

Бу — қонун — ҳужжатларда жағон миқёсіда никохдан үтиш тартиби, никоҳ ёши, никохдан үтүвчиларнинг тенг ҳуқуқлилiği, озодлиги инобатта олининши шарт эканлығы күрсатылған.

Ўзбекистон Республикасы «Никоҳ ва оила кодекси» республикамыздаги оиласын муносабатларни, ойладагиларнинг бир-бирларига бўлган муносабатларини, ота-она ва фарзандларнинг ҳуқуқ ва бурчларини, фарзандликка олиш ва бошқа муносабатларни тартибга солиш воситаси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Мехнат кодексида алоҳида XIV боб «Айрим тоифадаги ходимларга бериладиган қўшимча кафолат ва имтиёзлар» деб номланган. Бу «айрим тоифалар»га аәллар ва оиласын вазифаларни бажариш билан машғул бўлган шахслар киради. Мехнат қонуни аёлларнинг ҳомиладорлигидан бошлаб болали булгунча, боласи 2—3 ёшдан 14—16 ёшга етгунча қонуний имтиёзлар берилишини ва қонун буни кафолатлашини моддама-модда күрсатган.

Ҳуқуқий давлатда — инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларини ҳимоя қилиш ва Конституция, қонунларда буни кафолатлаш асосий мақсадлардан биридир. Ҳар қандай жамият инсоннинг, ўз фуқаросининг муҳофазасини тұла зымасига олмас экан, унга кафил бўлмас экан, унинг келажаги ҳам, истиқболи ҳам порлоқ бўла олмайди. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари эса унинг онги, савияси, тафаккури — ҳуқуқий маданияти билан боғлиқ. И.Каримов айтганидек, республикамиз «Инсон ҳуқуқлари тұгрисидаги, ҳужум қилмаслик ҳақидаги, низоли масалаларни ҳал этишда куч ишлатищдан ва куч ишлатиши билан таҳдид килишдан воз кечиш тұгрисидаги халқаро ҳужжатларни тан олади ва уларга оғишмайриоқ қиласы».

Шу сабабдан мустақил Ўзбекистон Республикасининг Асосий қонунида алоҳида боб «Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари» деб номланган.

Саволлар ва топшириқлар

1. Инсон ҳуқуқи кафолати деганда нимани тушунасиз;
2. Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар қандай кафолатланади?

3. Сиесий ҳуқуқ ва эркинликлар қандай кафолатланади?
4. Инсон ҳуқуқини кафолатлаш қайси қонунларда кўрсатилган?
5. Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликларнинг ҳуқуқий кафолатлари қандай?

9-мавзу. ФУҚАРОЛАРНИНГ БУРЧЛАРИ

БУРЧ ҲАҚИДА ТУШУНЧА

Олдинги мавзуларда сиз фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳақидаги қоидалар билан танишдингиз. Давлат томонидан фуқароларга бериладиган ҳуқуқ ва эркинликлар билан бирга Конституцияда ва қабул қилинган бошқа қонунларда фуқароларга тегишили бурчлар ҳам баён этилган. Жамиятда шахснинг тутган урни, унинг ҳуқукий ҳолати фақат ҳуқуқ билангина эмас, балки бурч билан ҳам белгиланади.

Бурч шахснинг жамиятга бўлган муносабатида на-
моён бўлади. Бурч — бу ҳар бир шахснинг ўз вазифаларини тўлиқ бажариши, бошқаларга тўгри муносабатда булишидир, ёки бошқача айтганда, бурч — бу адо этилиши, бажарилиши мажбурий бўлган вазифадир. Ҳар бир инсон ўз вазифасини, ўз масъулиятини бажаришда ақл-заковат, тафаккур билан иш кўриши лозим. Бурчга содиклик ҳар бир шахснинг одоби ва ахлоқини ҳам ифода этади. Ўз вазифасини адо этмаган, бурчини бажармаган кишилар халқ орасида хурмат қозонмайди, қонун олдида эса жавоб беради.

Жамиятда кишиларнинг ахлоқ-одобини белгилаб берадиган бурчлар табиий бурчлар деб аталади. Буларга катталарни ҳурмат қилиш, инсофли булиш, ростгўй булиш, ҳушмуомалали булиш ва ҳоказолар кира-ди. Буларнинг барчаси қадим-қадимдан амал қилиб келинаётган, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган ахлоқ-одоб фазилатларидир. Бу фазилатлар ҳар бир шахсда намоён булиши лозим. Чунки маънавий камол топган шахсларгина баркамол жамият қуришлари мумкин. Бугунги кунда асрлар мобайнида халқимиз сақлаб келаётган умуминсоний, миллий ва маънавий қадриятларни ривожлантиришга давлатимиз томонидан ҳам катта аҳамият берилмоқда. «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси»нинг 29-моддасида таъкидланганидек, ҳар бир инсон жамият олдида мажбурият олган, фақат шу таҳлилдагина инсон шахси эркин ва тўла-тўқис камол топиши мумкин.

Фуқароларнинг — жамият ва давлат олдидағи вазифалари, конституцияда ёзилган бурчлари конституциявий бурчлар деб аталади. Ҳар бир шахс конституцияда берилган ҳуқуқ ва эркинликлар билан бир қаторда ўзига юклатилган вазифани, масъулиятни ҳам бажариши зарур. Бу бурчларни бажариш жараённанда фуқаролар қонунларга риоя қилишлари, жамиятнинг турмуш қоидаларини ва маънавий қадриятларини, бошқа шахсларнинг орномуси, обруйи ва қадр-қимматини ҳурмат қилишлари лозим. Бурчларни бажариш ўз-ўзидан қонунийликни мустаҳкамлашда асосий омил булиб хизмат қиласди.

Конституциявий бурчларга: конституция ва қонунларга риоя этиш, бошқаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш, Ўзбекистон ҳалқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини асраш, табиий муҳитта эҳтиёткорона муносабатла булиш, белгиланган соликлар ва маҳаллий йиғимларни тұлаш, Ўзбекистон Республикасининг химоя қилиш бурчлари киради.

ФУҚАРОЛАРНИНГ ҚОНУНЛАРГА РИОЯ ЭТИШ БУРЧИ

Конституцияга кура фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга мажбурдирлар. Чунки демократик ҳуқуқий давлатни шакллантириш учун жамиятда қонуннинг устуворлиги қарор топишини тақозо этади. Барча фуқаролар қонун олдида тенгдирлар.

Агар фуқаролар конституция ва қонунларга риоя қилмасалар, давлат томонидан белгиланган қоидалар бузилади — ҳуқуқбузарлық пайдо бұлади. Ҳуқуқбузарлар эса маъмурий, мулкий ва ҳатто жиноий жавобгарликка тортиладилар.

Масалан, меңнат интизомига риоя қилинмаса, бундай ҳолларда фуқаро интизомий жазога тортилади, бироннинг мулкига заар етказилса, мулкий, маъмурий, ҳатто жиноий жавобгарликка тортилади.

Фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматини пастга урадиган, унинг обрусига путур етказадиган ҳар қандай ҳуқуқбузарлайлар учун ҳам жавобгарлик белгиланган (Масалан, ЖКнинг 135—140-моддалари).

Бундан ташқари Конституцияда Ўзбекистон фуқароларидан бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳурмат қилишга, жамият манфаатларига зид хатти-харакатларга нисбатан муроса-

сиз булишга, жамоат тартибини сақлашга күмаклашиш талаб этилиши қайд этилган. Халқимиз шарқона миллий урф-одатлардан бўлган ҳурмат қилиш, ҳиммат кўрсатиш фазилатини доимо ардоқлаб келган. Ўзбек халқи юрг бошига қандай ташвиш тушмасин, не балоларни бошидан кечирмасин асл саховати билан ажралиб турган. Ҳимматли шахслар ҳар қандай вазиятда ҳам эл файзи ва роҳати учун қайгуради. Жамият манфаати йўлида жон куйдиради. Барча фуқаролар хоҳ ўқишда, хоҳ ишда, хоҳ маҳаллада бўлмасин, бошқа шахсларни ҳурмат қилишга мажбурдирлар. Масалан, маҳаллаларда баъзи вақтларда алламахалгача шовқин-сурон, мусиқани баланд қилиб эшитиш холлари учраб туради. Бу шовқин қайсиdir хонадонда касал бўлиб ётган ёки дам олаётган киши учун халал беради. Мусиқа эшитаётган фуқаро қуни-қўшниларни ҳурмат қилиб, эшитаётган мусиқани пастроқ қилиб эшитиши лозим, бу эса ҳатто қонун билан белгиланиб қўйилган. Ўзбекистон фуқароларининг ор-номусларига ва қадр-қимматларига қарши қаратилган ҳар қандай ҳаракат суд орқали ҳимоя қилинади.

ФУҚАРОЛАРНИНГ ХАЛҚ МЕРОСИНИ АСРАШ БУРЧИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 49-моддасида ҳар бир фуқаро Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб-асраш зарурлиги баён этилган. Дастреб сиз тарихий, маънавий ва маданий меросларга нималар киришини билиб олишингиз керак. Тарихий мерос — бу тарихда қолган, тарихга оид муҳим воқеалар, асарлар, ёдгорлик лардир. Маънавий мерос — бу кишиларнинг ички, руҳий, ахлоқий ҳаётига оид нарсалардир.

Маданий мерос — бу маориф, фан, санъат каби соҳаларда яратилган моддий ва маънавий бойликлардир.

Юқоридагиларнинг барчасини мерос деб аталишига сабаб, буларнинг барчаси авлоддан-авлодга ўтиб келаётган бойлиkdir. Бу мерослар авайлаб асралмаса биз утмишимизни, тарихимизни билмай қоламиз. Бугунги кунда барча фуқаролар авлод-аждодларимиз меросини ўрганиб, ҳаётга татбиқ этмоклари лозим. Бу ҳақда И. А. Каримов шундай деган эди: «...миллий давлатчилигимиз негизларини аниқлаб, буюк маданиятимиз томирларига, қадимий меросимиз илдизла-

рига қайтиб, ўтмишимиздаги бой анъаналарни янги жамият қурилишига татбиқ этмоғимиз керак». (И. А. Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т., 1995 йил, 176-бет).

Дарҳақиқат, узбек халқининг тарихи жуда бой ва сермазмундир. Ўз тарихини билмаган халқнинг келажаги ҳам бўлмайди деган иборада жуда катта маъно стади. Мустақилликка эришган Ўзбекистон асрлар қаърига бориб тақаладиган кўхна тарихи, Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Навоий, Амир Темур, Улугбек, Бобур сингари ва бошқа жаҳон тараққиётига бебаҳо ҳисса қушган буюк фарзандлари билан шуҳрат қозонган. Ҳар бир фуқаро тарихимизнинг қувончли дақиқаларини: буюк давлат арбоблари, улуг саркардлар, олиму шоирлар ва шоиралар ижодини ўрганиш билан гурурлансане арзишни.

Бунинг учун ҳар биримиз тарихни билишга қизиқишимиз даркор. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жуда кўп тарихий ёдгорликлар бор. Бу ёдгорликлар узбек халқининг беқиёс тарихий меросининг тирик гувоҳидир. Бугунги кунда ҳар бир фуқаро бу ёдгорликларни таъмиrlаш, тиклаш, сақлаб қолиш ва келажак авлодларга етказиши зарур. Бу ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг халқнинг маънавий руҳини мустаҳкамлашга, маънавий меросни асрлашга, уни ўрганишга жуда катта эътибор берилмоқда. «Ўтмишдаги алломаларнинг бебаҳо мероси қанчадан-қанча авлодларнинг маънавий-руҳий онгини ва турмуш тарзини шакллантирган эди ва у ҳамон таъсир кўрсатмоқда»¹.

Республикамизда маънавият ва ахлоқийликни тиклаш, халқнинг маънавий меросига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, миллий бойлик бўлган қадимги урф-одатлар, расм-русумларни излаб топиш ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Бизнинг маънавий меросимиз асрлар давомида миллион-миллион кишилар тақдири билан шаклланган. Маънавий мерос ҳисобланган инсонпарварлик, камтарлик, меҳнатсеварлик, меҳр-оқибатлилик, биродарлик, дўстлик, мардлик,

¹. И. А. Каримов. Ўзбекистон миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мағкура. Т., 1993 йил, 40-бет.

меҳмондўстлик, одамийликлар, поклик, сахийлик, тўғрилик каби фазилатлардан етарлича фойдаланиш вақти келди. Чунки бу бой меросга асрлар давомида аждодларимиз риоя қилиб келганлар. Маънавий меросни ўрганиш мақсадида мактабларимизда маънавият дарслари ўтилмоқда, ахлоқ-одоб ҳақидаги билимлар ўрганилмоқда.

Маданий мерос булиб ҳисобланган, ўтмишда боболаримиз томонидан маориф, илм-фан, санъат соҳаларида яратилган моддий ва маънавий бойликларни авайлаб-асраш бутунги кунда барчамизнинг бурчимиздир.

Боболаримиз яратган бу бойликларни жаҳон цивилизацияси тан олди. Шунинг учун ҳам ўзбек халқининг маданий мероси жаҳон маданиятининг узвий ажралмас таркибий қисмидир. Бугунги кунда бутун жаҳонга танилган алломаларимизни, буюк инсонларимизнинг руҳини шод этмоғимиз, улар қолдирган панд-насиҳатларга қулоқ солмоғимиз керак. Бугун биз Гурӯгли, Алпомиш, Ойбарчин, Ҳасан достонларини барадла куйламоғимиз, уларни чуқур ўрганмоғимиз керак.

Ўзбек халқининг тарихий, маънавий ва маданий мероси — бу тарихимизнинг тилидир. Давлат муҳофазасига олинган тарих ёки маданият ёдгорликларини қасдан нобуд қилиш — жиноят ҳисобланади. Бу хатти-ҳаракатларни содир этган шахс Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 132-моддасига кура жарима ёки З йилгача озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик кодексининг 64-моддасига биноан эса, тарих ёки маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш қоидаларини қасдан бузиш — фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишига сабаб бўлади.

Республикамиздаги ўзбек халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини давлат миқёсида асраш мақсадида «Ўзбекистон Республикаси тарихий ва маданий ёдгорликларини муҳофаза қилиш жамияти» тузилган. Бу бойликларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги барча қонунлар тарихий, маданий ёдгорликларни авайлаб-асраб келажак авлодга етказишга каратилгандир. Республикамиз худудидаги айрим тарихий, мада-

ний ёдгорликларни «ЮНЕСКО» Халқаро ташкилоти уз ҳимоясига олган.

ФУҚАРОЛАРНИНГ ТАБИАТНИ АСРАШ БУРЧИ

Ўзбекистон Республикаси фуқароларнинг асосий бурчларидан яна бири атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишdir. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасида ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий заҳиралар умуммиллий бойликdir. Улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир, деб белгиланган. Ҳозирги пайтда инсон билан табиат ўртасидаги муносабатларга катта аҳамият берилмоқда. Давлат ўз фуқаролари учун нормал ҳаёт кечириш шароитини яратиб беради ва унинг ривожланиши ва камол топиши учун зарар бўлган шарт-шароитлар имкөнини беради. Ана шу шарт-шароитлардан бири инсоннинг қулай атроф-муҳитга эга булишидир. Шунинг учун ҳам «Инсонни табиат яратгани учун ҳам, одам унинг олдида доимо бурчли» деган ибора кундалик ҳаётимизда катта аҳамиятга эга.

Конституциянинг 50-моддасида курсатилган табиатга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш қоидаси Ўзбекистон Республикасининг бир қанча қонунларида ҳам ўз ифодасини топган. Масалан, сизга 9-синфдан маълум бўлган «Табиатни муҳофаза қилиш түгрисида»ги қонуннинг 12-моддасида Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, табиат бойликларига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиши, экология талабларига риоя этиши щартлиги курсатилган. Қонун фуқаролар зиммасига табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш учун уни купайтириш, қайта тиклаш ва муҳофаза қилиш буйича мажбуриятлар ҳам юклайди. Чунки атрофимизни ураб турган табиий борлиқ — инсон ҳаёти учун зарурdir. Йнсон табиатдан ва табиий заҳиралардан фойдаланмай яшай олмайди. Шундай экан, ҳар бир фуқаро табиатга нисбатан аёвсиз, бепарво булиши керак эмас. Бу эса келгуси авлоднинг манфаатларини ўйлаб иш тутишга олиб кслади.

Ўзбекистон Президенти таъкидлаганидек, бизнинг муштарак бурчимиз ер юзини болаларимиз ва набиралиримизнинг баҳтиёр яшашлари учун муносиб қилиб қолдиришидир. Бугунги кунда биз табиатдан фойдала-

ниш жараёнида уларга зарар етказувчи ҳар қандай хатти-харакатларнинг олдини олишимиз зарур.

Мустақил республикамиз экологик ислоҳотлар жараёнида жуда кўп қонунлар қабул қилди. Масалан, «Ер тўгрисида»ги, «Сув ва сувдан фойдаланиш тўгрисида»ги, «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўгрисида»ги, «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўгрисида»ги, «Алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар тўгрисида»ги, «Ер ости бойликлари тўгрисида»ги қонунлар шулар жумласидандир.

Фуқаролар ва тегишли ваколатли идораларнинг табиатни муҳофаза қилиш тўгрисидаги қонунларга риоя қилмаслиги, уларни кўпол равишда бузиши оқибатида келиб чиқсан фалокатли ҳоллар амалиётдан ҳаммамизга маълум. Масалан, Орол дengизидаги вазият Марказий Осиё ҳалқларига табиий, иқтисодий зарар етказмоқда. Бугунги кунда Оролнинг экологик ҳолати жаҳон миқёсидаги фожиа деб эътироф этилмоқда. Орол муаммоси буйича БМТ, Юниско махсус иш олиб бормоқда. Республикаизда эса Оролни қутқариш буйича ёзувчиларнинг жамоатчилик асосида қўмита ташкил этилган. Вазирлар Маҳкамаси 1993 йил 24 майда «Табиатни муҳофаза қилиш жамғармалари тўгрисида Низом» қабул қилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1995 йил 5 майда «Атроф муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари қўмитасини сайлаш тўгрисида» қарор қабул қилди. Бу қонун ва қонуний ҳужжатларнинг қабул қилинишидан асосий мақсад табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, давлат экология бошқарувини ташкил қилиш, табиий бойликларни асрардан иборат.

Илмий-маданий ва эстетик жиҳатдан қимматли бўлган айрим камёб, йўқолиб бораётган, қайта тикланмайдиган табиат обьектлари табиий обидалар ҳам қонун билан муҳофаза этилади. Республикаизда бундай табиат ёдгорликлари хилма-хилдир. Улар орасида турли қимматли, дараҳтзорлар, асрлар давомида кукка бўй чўзиб келаётган камёб чинорлар, бутазорлар, ўсимликлар билан қопланган ҳудудлар, бодорчилик санъати асарлари, шунингдек, жонсиз табиат обидалари, яъни горлар, қоялар, тоглар, қирлар, тепаликлар бор. Давлат табиат ёдгорликлари жойлашган ҳудудда уларни асраб қолишга таҳдид этувчи ҳар қандай фаолият таъқиқланади.

Табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат назоратини Узбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Соғлиқни саклаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари амалга оширадилар.

Республикамиз конунларида табиатни муҳофаза қилишга доир қоидаларни бузганлик учун хуқуқий жавобгарликлар белгиланган. Масалан, Узбекистон Республикаси ЖКнинг 193—204-моддаларига кура экология хавфсизлигига оид нормалар ва талаблар бузилса, табиий муҳит ифлослантирилса ёки ўсимлик дунёсидан фойдаланиш тартиби бузилса, энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача жарима ёки 5 йилгacha озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Чунки табиат хатони кечирмайди. Табиат қанча асралса, одамзод шунча асралади.

Қонунга кўра табиатни муҳофаза қилишга ўз ҳиссасини кўшган фуқаролар молдий ва маънавий рағбатлантирилади.

ФУҚАРОЛАРНИНГ СОЛИҚ ВА ЙИГИМЛАРНИ ТЎЛАШ БУРЧИ

Узбекистон Республикаси Конституциясининг 51-моддасига биноан ҳар бир фуқаро қонун билан белгиланган соликлар ва маҳаллий йигимларни тўлашга мажбурдирлар.

Ҳар қандай замонларда ҳам соликларнинг давлат томонидан тартибга солиниши ҳамиша катта аҳамиятга эга бўлган. Буюк соҳибқирон А. Темур ҳам ўз даврида «Халқдан даромадлар ва товоонлар йигиш ҳақида» қарор чиқарган.

Соликлар ва йигимларни тўлаш тартиби Конституция асосида 1993 йил 7 майда қабул қилинган «Маҳаллий соликлар ва йигимлар тўғрисида»ги конун билан тартибга солинади. Давлат томонидан ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун белгиланадиган соликлар маҳаллий соликлар ҳисобланади. Узбекистон Республикаси қонунларига, давлат ҳокимияти, маҳаллий органларнинг қарорига мувофиқ белгиланган, фуқаролар ва ташкилотлардан уларга кўрсатилган маданий-маиший хизматлар ёки давлат ҳокимиятининг маҳаллий органлари назорати остида ўтказиладиган бошқа тадбирларнинг чиқимлари билан боғлиқ хара-

жатларини қисман қоплаш учун ундириладиган тұловлар — маҳаллий йигимлар ҳисобланади.

Маҳаллий солиқлар ва йигимларга қуидагилар киради:

- а) жисмоний шахслар мол-мұлкларига солинадиган солиқ;
- б) ер солиғи;
- в) курорт минтақасыда ишлаб чиқариш объектлерини қуышга солинадиган солиқ;
- г) реклама солиғи;
- д) автомобиль воситалари, мураккаб ҳисоблаш ва рұзгор техникаси қайта сотғанлик учун солинадиган солиқ;
- е) транспорт воситалари әгаларидан олинадиган солиқ;
- ж) курорт йигими;
- з) савдо-сотиқ қилиш ҳуқуқини берувчи йигим;
- и) вино-арақ маҳсулотлари билан савдо-сотиқ ки-лиш ҳуқуқини берувчи рухсатнома йигими;
- к) маҳаллий кимошди савдолари ва лотереялар үтказиш ҳуқуқини берувчи рухсатнома йигими;
- л) тадбиркорлық фаолияти билан шуғуланағтган жисмоний шахсларни рұйхатта үтказғанлик учун оли-надиган йигим;
- м) автотранспортлар сақланадиган жойдан фойда-ланғанлик учун йигим;
- н) отчопарларда пойгода қатнашғанлик учун йигим;
- о) отчопарларда үтказилған пойгадаги ютуқ учун йигим;
- п) биржалардаги олди-сотди битимларидан ундири-ладиган йигимлар;
- р) кино ва телесуратта олишларни үтказиш ҳуқуқи-ни берувчи йигимлар;
- с) ахоли манзилгоҳлари ҳудудини супуриб-сиди-риш учун йигим;
- т) қимматли қоғозлар мұомаласини үтказғанлик учун йигимлар;
- у) ит әгаларидан олинадиган йигим.

Маҳаллий солиқлар ва йигимларни үз вақтида ва тұғри ундириш устидан назорат қилиш давлат солиқ органдары зыммасига юклатилади. Маълумки, 1994 йил 18 январда Ўзбекистон Республикаси Президенти «Давлат солиқ бөш бошқармасини Ўзбекистон Респу-бликасининг Давлат солиқ құмитасига айлантириш тұғрисида» фармон эълөн қилды. 1994 йил 4 марта эса

Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат солиқ қўмитасини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари тўгрисида»ги қарори қабул қилинди.

Жаҳон мамлакатлари давлатчилигининг тарихий жараёнларида ҳеч бир инсон солиқ мажбуриятини четлаб утмаган. Бизнинг республикамизда ҳам қисқа вақт ичидаги солиқ тизимини шаклантиришга эришилди. 1994 йил 1 январдан бошлаб ер солиги жорий қилинди, 1993 йил 28 декабрда «Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган соликлар тўгрисида», 1995 йил 22 декабрда «Муддатида тўланмаган соликлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириб олиш тўгрисида», «Даромад солиги тўгрисида» Ўзбекистон Республикасининг қонунлари қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси «Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган соликлар тўгрисида»ги қонунига кура соликларни давлат солиқ органлари ҳисоблаб чиқарадилар. Солик белгиланган муддатла тўланмаган ҳолларда муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун тўланмаган сумманинг 0,5 фоизи миқдорида пеня ёзилади. Жисмоний шахсларнинг мол-мулкидан вақтида, тўғри ва тўлиқ солиқ ундирилишини назорат қилиб бориш давлат солиқ органлари зиммасига юклатилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Муддатида тўланмаган соликлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириб олиш тўгрисида»ги қонунига биноан эса тегишли тўловларнинг белгиланган тўлов муддатлари тугагач, тўланмаган сумма боқиманда ҳисобланади ва у пенясини қушиб ҳисоблаган ҳолда ундириб олинади.

Соликлар ичидаги энг кенг тарқалган солиқ даромад солиги бўлиб, у бюджетнинг асосий манбаи ҳисобланади. Даромад солиги тўгрисидаги қонунда белгиланишича, ундирилган соликлар ва тўловлар фуқаронинг эҳтиёжлари учун халқ таълимига, соғлиқни сақлашга, моддий ёрдам ҳамда ижтимоий ёрдамнинг бошқа турларига сарф қилинади. Ушбу қонунда ёзилган қоидаларни бузувчиларга молиявий жарималар солинади ва қонунда курсатилган ҳолларда жиноий жавобгарлик ҳам белгиланади.

ФУҚАРОЛАРНИНГ ВАТАННИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БУРЧИ

Ўзбекистон фуқароларининг энг асосий конституциявий бурчларидан бири Ўзбекистон Республикаси-

ни ҳимоя қилишдир. Аввало Ватан тушунгасини чуқур англаб олишимиз зарур. Ватан — бу ҳар бир кишида ўз уйига, туғилиб ўсан юртига бўлган муносабатида акс этади. Ватан — бу она юртдир. Она-Ватан шундай тушунчаки, у киши қалбидагачон ўзгармайди. Ҳар бир киши мустақил Ўзбекистоннинг битмас-тутнамас бойликлари, шаҳар ва қишлоқлари, шарқираб оқаётган сойлари, гуллаб-яшнаётган боғлари, қорли тоглари каби гўзалликка эга бўлган Ватанимиз билан фаҳрланади. Ватан сўзи ҳамиша она сўзи билан ёнма-ён келади. Шундай экан, Ватанини худди отаонани севгандек севиш керак. Унинг озодлиги, поклиги учун курашмоқ зарур! Ҳар бир инсон Ватан ҳистийгуси билан яшаши лозим. Абдулла Авлоний узининг ижтимоий қарашларида Ватан ҳақида сўз юритиб шундай деган эди: «Ҳар ким туғилган, ўсан ерини жонидан ортиқ суръ. Ҳатто бу Ватан ҳисси — туйгуси ҳайвонларда ҳам бор. Агар бир ҳайвон ўз Ватанидан — уюридан айрилса, ўз еридаги каби роҳатда яшамас, маишат талх бўлуб, ҳар вақт дилининг бир гўшасида ўз ватанининг муҳаббати турад».

Ватанини севиш — ватанпарвар булиш демакдир. Инсон учун Ватандан юксакроқ бойлик йўқ. Шунинг учун ҳам ҳар бир инсон олдида шу севган Ватанини ҳимоя қилиш вазифаси туради. Ватанимизни, яъни Ўзбекистон Республикасини қандай ҳимоя қилишимиз мумкин? Баъзилар Ватанини ҳимоя қилишни факатгина ҳарбий хизмат билан чегаралаб қўйишидади. Йўқ, Ватанини: биринчидан, уни севиш, эъзозлаш: қадрини билиш билан; иккинчидан, Ватанимизнинг рамзий белгиларини билиб олиш, уларни ҳурмат қилиш билан; учинчидан, Ватанимиз бойликларини куз қорачигидай сақлаш, уларни кўпайтириш билан; туртингчидан, Ватанимиз маънавий қадриятларини, урфодатларини урганиш билан; бешинчидан, Ватан тарихини урганиш билан; олтинчидан, Ватан тараққиётига ҳисса қушиш, фойда келтириш ҳалоллик билан меҳнат қилиш, ҳалқ дардини ўз дардларидек ўйлаб яшаш билан ҳимоя қилиш зарур. Буларнинг ҳаммаси Ватан олдидаги бурчимиздир.

Агарда Ўзбекистон Республикасига қарши хатти-ҳаракат содир этилса, бундай кишилар ҳуқуқий жавобгарликка тортиладилар. Жумладан, давлатга хоин-

лик қилиш, жосуслик, қўпорувчилик, давлат сирлари-ни ошкор қилиш жиноялари учун Узбекистон Республикаси ЖКнинг 157—163-моддаларига биноан жи-ноий жавобгарликка тортиладилар. Бу моддаларга кўра давлатга хоинлик қилиш (157-модда), жосуслик (160-модда) — 10 йилдан 20 йилгача озодликдан маҳ-рум қилиш ёки ўлим жазоси билан жазоланади. Бун-дан ташқари, Узбекистон Республикаси томонидан 1993 йил 7 майда «Давлат сирларини сақлаш» тўғри-сида қонун қабул қилинган. Бу қонунда республика ҳудудида ҳамда унинг ташқарисида давлат сирларини сақлашнинг ҳуқуқий асослари белгилаб берилган. Қонуннинг 10-моддасида давлат сирларини сақлаш бора-сидаги бурч, уларни ошкор этганлик ёки қонунга хи-лоф равишда маҳфийлаштирганлик учун жавобгарлик белгиланиши кўрсатилган.

Узбекистон Республикаси ЖКнинг 162-моддасига кура, Давлат сирларини ошкор килганилик учун 3 йил-дан 8 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўл-ланилади.

Юқорида айтиб ўтилганидек, ҳар бир фуқаро Узбекистон Республикасини ҳарбий ёки муқобил хизмат-ни уташ билан ҳимоя қилишга мажбурдирлар!

Бу ҳуқуқий қоида асосида Узбекистон Республика-си бир қанча қонунлар қабул қилган. Улар қаторига «Мудофаа тўғрисида»ги, «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги, «Муқобил хизмат тўғ-рисида»ги (1992 йил 3 июлда қабул килинган) қонун-ларини киритиш мумкин. Бундан ташқари Узбекис-тон Республикаси Олий Кенгashi томонидан «Ҳарбий қасамёд тўғрисида» қарор қабул қилинган.

Узбекистон Республикасининг «Мудофаа тўғриси-да»ги қонуннинг ҳуқуқий асослари мустақилликни, ҳудуди яхлитликни, аҳолининг тинч ҳаёт кечиришини таъминлашдан иборат. Қонуннинг 11-моддасига кура Узбекистон Республикаси, унинг ҳудудий яхлитлиги-ни, мустақиллигини ҳимоя қилиш республика фуқа-роларининг конституциявий бурчи ҳисобланади.

«Умумий ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонунга би-ноан тинчлик вақтида саломатлигига кура ҳарбий хиз-матга яроқли бўлган ва чақирув куни 18 ёшга тўлган Узбекистон Республикаси Фуқароси бўлмиш йигит-лар муддатли ҳарбий хизматга чақириладилар. Қонун-нинг 17-моддасига кура, чақириш муддатлари қўйида-гича ҳолларда кечиктирилади:

1) оиласий шароитига күра, яни

— чақирилувчининг отаси ва онаси ёки улардан бири мөхнатга қобилиятысиз бўлиб, ўзларини боқиши шарт бўлган бошқа мөхнатга қобилиятли ўғли бўлмаса;

— чақирилувчининг мөхнатга қобилиятли онаси ёлғиз бўлиб, унинг 16 ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи бўлиб, онасига моддий ёрдам курсатиши шарт бўлган мөхнатга қобилиятли бошқа болалири бўлмаса;

— чақирилувчининг бир фарзанди бўлиб, уни ёлғиз ўзи тарбиялаётган бўлса;

— чақирилувчининг икки ва ундан ортиқ фарзанди бўлса, ёки хотини I ёки II гуруҳ ногирони бўлса.

2) Ўрта умумий таълим, хунар-техника билим юртларида ўқиётган, лекин кўпич билан 21 ёшгача; олий ўқув юртларида кундузги бўлимда таълим олаётган студентларга ўқув юртини битиргунларига қадар чақириш муддати узайтирилади. Бунда ўқув юртларидан интизомсизлиги, ўқишида улгурмаслиги, ўқишини хоҳламаслиги сабабли ҳайдаб юборилган шахслар чақирилиш муддатини узайтириш хуқуқидан маҳрум буладилар.

Қонуннинг 23-моддасида ҳарбий хизмат муддатлари календарь ҳисобида:

аскар, сержант ва старшиналар учун: хизматни чақиравга биноан ўтаётганларга — 18 ой (олий маълумотли шахслар учун 12 ой) битимга биноан ўтаётганларга 3 йил деб белгиланган.

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонунни бузганлик учун мансабдор шахслар ва фуқаролар жавобгарликка тортиладилар. Масалан, Узбекистон Республикаси ЖКнинг 287-моддасига кура ҳарбий кисм ёки хизмат жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш — жиноят ҳисобланиб, унга нисбатан 6 ойгача қамоқ билан ёки ҳаракатнинг мазмунига кура 3 йилдан 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилади.

Ҳарбий хизматдан бўйин товлаш ҳам жиноят ҳисобланади. ЖКнинг 288-моддасига биноан бу жиноят 5 йилдан 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Муддатли ҳарбий хизматга чақиришдан қўйидагилар озод этилади:

1) тинчлик вақтида саломатлиги ёмонлашганлиги учун ҳарбий хизматга ёки муқобил хизматга чақирилмаганлар;

2) 27 ёшгача муддатли ҳарбий хизматга ёки муқобил хизматга чақирилмаганлар;

3) диний идораларнинг бирида диний рутбага эга булганлар;

4) туғишган ака-укалардан бири ҳарбий хизмат уташ даврида ҳалок бўлган ёки улган чақирилувчилар.

Ўзбекистон Республикасида мажбурий ҳарбий хизматдан ташқари, муқобил хизмат тўғрисида ҳам ҳуқуқий қоидалар белгилаб берилган. Муқобил хизмат бу Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ўтайдиган давлат хизматининг алоҳида туридир. 1992 йил 3 июлда қабул қилинган «Муқобил хизмат тўғрисида»ги қонуннинг 3-моддасида муқобил хизматни уташ ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар кўрсатиб берилган. Улар:

— хизматга чақирилаётган шахсадан ташқари 16 ёшга тўлмаган тўрт ва ундан ортиқ болали оиласдан бўлса;

— ~~ҳарбий хизматни уташ даврида негирон бўлиб~~ қолган ота-онаси ёки ака-укаси (опа-сингил)лари бўлса, у ҳолда муқобил хизматни уташ ҳуқуқига эга буладилар.

Муқобил хизмат муддати 24 ой, олий маълумотли фуқаролар учун 18 ойdir.

Муқобил хизматни утаётган фуқаролар қуйидаги мажбуриятларни бажарадилар:

1) хизматни белгиланган жойда уташ;

2) ҳарбий низомларда белгиланган ички меҳнат қоидаларига сўзсиз бўйсуниш;

3) топшириқларни ўз вақтида ва сифатли қилиб бажариш.

Ҳарбий хизматчилар Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан тасдиқланган «Ҳарбий қасамёд»ни қабул қиладилар. Ҳарбий қасамёднинг матни қуйидагича:

«Мен (фамилияси, исми, отасининг исми) Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафига кирав эканман, ҳалқимга, Президентимга содик булишга тантанали равишда қасамёд қиламан.

Мен Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини ва қонунларини муқаддас билиб, уларга риоя этишга ҳарбий низомларни, қўмондонлар ва бошқаларнинг буйруқларини сўзсиз бажаришга, ҳарбий интизомга қатъий риоя қилишга, ҳалол, жасур ва сергак жангчи булишга қасамёд қиламан.

Сўнгги нафасим қолгунча, она-Ватанимнинг садо-

қатли фарзанди булиб қолишга, ҳарбий хизматнинг бутун машаққати ва қийинчиликларини сабот билан енгишга, давлат ва ҳарбий сирларни мустаҳкам сақлашга аждодларим руҳи олдида қасамёд қиласман.

Жонажон Ўзбекистонимни нурли истиқболи учун давлат манфаатлари ва мустақиллигининг ҳимоячиси булишга қасамёд қиласман.

Агар мен ушбу тантанали қасамёдимни бузсам қонунларда белгиланган жазога ва халқнинг нафратига мубтало бўлай».

Демак, Ватанни севган мустақил республика ҳар бир фуқароси Қуролли Кучлар сафларида ҳарбий хизмат қилиши ўзининг фахрий ва муқаддас бурчи эканлигини, унга хиёнат қилиш эса оғир жиноят эканлигини ёдда тутмоғи лозим.

1993 йил 29 декабрь Ўзбекистон Республикаси Олий Конгасининг қарори билан Ватан ҳимоячилари куни белгиланди ва 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни этиб қонуний белгиланди.

ФУҚАРОЛАРНИНГ ОТА-ОНА ОЛДИДАГИ МАЖБУРИЯТЛАРИ

Азиз ўқувчи, сиз юқорида Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг бурчлари билан танишдингиз. Конституция ва қонунларда шахсларнинг ваколати, малакаси ва лавозимидан келиб чиқсан бурч ва мажбуриятлари ҳам кўрсатилган. Масалан, Конституциянинг 64-моддасида ота-оналарнинг ўз фарзандлари олдидаги мажбуриятлари кўрсатилган. Бу мажбурият ота-оналарнинг ўз болалари ва жамият олдидаги мажбурияти ҳисобланади. Бу мажбурият бажарилмаса, давлат ота-оналарни ота-оналик ҳукуқидан маҳрум қиласди. Ота-она ўз фарзандларини 18 ёшгача боқиши ва тарбиялашлари шарт.

Конституциянинг 66-моддасида вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида гамхўрлик қилишлари шартлиги ёзилган. Аслида ота-оналарнинг фарзандлари олдидаги ва аксинча, фарзандларнинг ота-оналар олдидаги мажбуриятлари ахлоқий қоидалар ҳисобланади. Чунки оила вужудга келибдики, ота-она ва фарзандлар ўртасидаги ўзаро мажбуриятлар ҳар бир инсоннинг онгидаги шаклдана боради. Демак, бу қоидалар давлат томонидан ўрнатиб қўйилишига бирмунча сабаблар бор. Сабаби — жамиятилизда хатто бугунги кунда ҳам ўз ота-онасига, ўз фар-

зандига бепарво қаастган, уларни қаровсиз қолди-раётган кимсалар учраб турибди. Буни ҳеч қайси сўз билан оқлаб бўлмайди. Бунинг натижасида республика изизда кўплаб етим-есирларга бошпана, озиқ-овқат, уст-бош билан таъминлаб турадиган «Мехрибонлик уйлари» ташкил килинаётир.

Баъзида мактаб ўқувчилари томонидан ҳам ота-оналарга нисбатан ҳурматсизлик қилаётганлар кўзга ташланади. Бу қандай ҳол? Отa-она сиз учун ҳормай-толмай меҳнат қилса, сизни боқса, кийинтирса, сиз эса бунга жавобан «Мен мактабдан келдим, чой беринг, мен дарс тайёрлаяпман, корни ўзингиз куранг», деган баҳоналар билан уларнинг оғирини енгиллатмасангиз? Ахир «Ота рози — Худо рози», «Жаннат оналар оёги остидадир» деган халқимизнинг азал-азалдан риоя қилиб келган ноёб иборасининг мазмуни қаерда қолди?

Фарзандларнинг уз ота-оналарига бир умр яхшилик қилсалар ҳам стмайди-ку. Улар ота-она олдида қарзини уза олмайдилар-ку. Шундай экан, ҳар бир фарзанд ота-онасидан қарзини узиши учун ҳар кун, ҳар дақиқада уни рози килиши, хурсанд этиши унинг фарзандлик бурчидир. Отa-она айниқса қариган чоғида деразага ёки эшикка қараб қолмасин. Бу даврда уларга фарзанднинг пули, нони ёки кийими керак эмас, уларга фарзанднинг ўзи, унинг меҳри, эътибори керак. Шунинг учун фарзанд ота-онаси олдидағи қарзини узиш мақсадида шоферидан ота-онасига пул, зеб-зийнат жўнатиб юбормасин. Ўзи келиб ота-онасининг иссиқ қучогида бир неча дақиқа бўлсин, уларга меҳрибонлик қилсин, ширин сўзлар билан унинг кўнглини кўтарсин.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, бугунги фарзанд эртага ота-она бўлади. Фарзанд ота-онасига қандай муносабатда бўлса, унинг боласи ҳам унга шундай муносабатда бўлади. Бу ҳақда жуда кўп ривоятлар эшитгансиз. Шунинг учун Аҳмад Дониш:

Сен отангга ҳар на қилдинг яхшилик,
Кут болангдан яхшиликка яхшилик, —

деб ёзади.

Юқоридаги мажбуриятлар Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ота-оналиқ ва фарзандлик бурчларидир. Энди фуқароларнинг педагогик, мансабдорлик бурчлари ҳам мавжуддир. Таълим соҳасида педагогларнинг ва ўқувчиларнинг мажбуриятлари «Таълим

тұғрисида»ги қонунда белгилаб берилған. Сиз бу қоидалар билан 9-синфда танишдінгиз.

Мансабдор шахсларнинг бурчлари эса жуда күп қонунларда үз аксини топған. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясینинг 92-моддасыда Ўзбекистон Республикаси Президентининг касамеди баён қилинганды:

«Ўзбекистон халқыга садоқат билан хизмат қилишга, республиканинг Конституцияси ва қонунларга қатый риоя этишга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва әркинликлатрига кафолат беришга. Ўзбекистон Республикаси Президенти зиммасига юқлатылған вазифаларни виждонан бажаришга тантанали қасамед қиласаман!».

Күриниб турибдикі, бу қасамедда республика Президентининг бурчлари ифодаланған.

Булардан ташқары қонунлар ва бошқа ҳужжатларда Олий Мажлис депутатларининг, судьяларнинг, прокурорларнинг, вазирларнинг, мактаб директорларининг ва бошқа ходимларнинг мажбуриятлари уларнинг мансаб ва лавозимидан келиб чиққани ҳолда белгилаб берилған.

Шундай қилиб, шахс жамиятда яшар экан, у фуқаро сифатида ҳуқуқ ва әркинликлардан фойдаланади ҳамда бурчларни бажаради. Ҳуқуқ бор жойда бурч мавжуддир.

Бурчларни бажариш, қоидаларга амал қилиш уларнинг фуқаролик мажбуриятыдیر.

Саволлар ва топшириқлар

1. «Бұрч» деганда нимани түшүнасиз?
2. Инсоний бурчларға нималар киради?
3. Фуқароларнинг бошқа кишилар олдидаги бурчларини айтиб беринг?
4. Нима учун фуқаролар узбек халқининг меросларини асраши зарур?
5. Фуқароларнинг солиқ тизимидағи мажбуриятларини айтиб беринг?
6. Ватанни ұмома қилишни қандай тушунасиз?

10-м а в з у. ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛА- РИНИНГ АМАЛГА ОШИШИНИ НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ МУАССАСАЛАР

ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРНИНГ АМАЛГА ОШИШИНИ НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ МУАССАСАЛАР ҲАҚИДА ТУШУНЧА

Ҳар бир мамлакатда яшовчи шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари Конституция ва у асосда қабул қилинган қонун ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаб қўйилади ҳамда уларнинг амалга ошиши маълум воситалар орқали назорат қилиб борилади. Ҳуқуқ ва эркинликларнинг амалга ошишини назорат қилиш — ҳар бир кишининг ҳуқуқ эркинликларига турли тажовузлар булишининг олдини олади ҳамда уларни тиклаш имкониятини тутдиради.

Ҳар қандай давлат инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини қонун асосида белгилаб қўйишига қарамасдан, турли соҳаларда ҳуқуқ бузилишлари булиб турганидек, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларида ҳам бузилиш ҳоллари учраб туради. Чунончи, шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари айрим шахслар, давлат органлари ҳамда мансабдор шахслар томонидан бузилиши мумкин. Бунинг сабаблари турлича бўлади. Масалан, бир киши ўзининг шахсий манфаатини кўзлаб бошқа кишининг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошишига тўсқинлик қиласи ва ҳоказо.


Ўзбекистон Республикаси қонунларига асосан ҳар бир шахс тегишли ҳолларда моддий таъминот олиш ҳуқуқига эга. Айрим ҳолларда меҳнатга лаёқатсиз отоналар моддий ёрдамга муҳтоҷ бўлганда, уларнинг фарзандлари ота-онасини моддий таъминлаши зарур. Ана шундай мажбуриятни бажармаслик бошқалар ҳуқуқининг бузилишига олиб келади, баъзи идоралар, мансабдор шахслар идора манфаатини кўзлаб ҳуқуқ ва эркинликларини бузиши, амалга ошишига тўсқинлик қилиши мумкин. Аёлларнинг ҳомиладорлиги ёки ёш боласи бўлганлиги учун ишга қабул қилишни рад этишса, бу шахснинг ҳуқуқ ва эркинлигини бузиш ҳисобланади. Ёки айрим ҳолларда ҳуқуқ ва эркинликларнинг амалга ошиши учун шароит бўлмаслиги, қонунларни яхши билмаслик ҳам ҳуқуқ ва эркинликларнинг бузилишига олиб келади.

Ҳуқуқ ва эркинликларнинг ҳар қандай сабаблар билан бузилишига йўл қўймаслик, агарда ҳуқуқ ва эркин-

ликлар бузилгудек бўлса, уларни тиклаш учун алоҳида муассасаларнинг бўлиши албатта зарур. Бундай муассасаларнинг айримлари факат инсон ҳуқуқларига риоя этишнигина назорат қилса, масалан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ҳамда айрим муассасалар бошқа вазифаларни бажариш билан бирга инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилишни таъминлаш вазифасини ҳам бажаради. Жумладан, суд, прокуратура, адлия органлари.

НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ МУАССАСАЛАРНИНГ ТУРЛАРИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошишини назорат қилувчи муассасалар вазифаси, ваколати ҳамда иш юритиш шаклига қараб бир неча гурӯхга бўлиниши мумкин. Аввало улар халқаро муассасаларга ва ҳар бир мамлакатда ташкил қилинадиган, яъни миллий муассасаларга бўлинади.



Халқаро ташкилотларнинг фаолияти шундай ташкилотга аъзо бўлган ҳамма мамлакатларга тадбиқ қилинса, алоҳида мамлакатларда ташкил қилинадиган муассасаларнинг фаолияти фақат шу мамлакат доирасида амалга оширилади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг амалга ошишини назорат қилувчи муассасалар ташкил бўлишига қараб давлат муассасаларига ҳамда нодавлат муассасаларига бўлинади. Давлат муассасалари давлат органлари тизимида ташкил қилиниб, давлатнинг назорат функциясини бажаради ва аксарият ҳолларда мажбурий қарорлар қабул қилса, нодавлат муассасалар давлат органлари тизимига кирмайди ҳамда уларнинг қарорлари тавсия этувчи характеристерга эга бўлади. Демак, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари айрим мамлакатларда, давлат муассасалари ва шу мамлакатда ташкил қилинадиган миллий давлат муассасалари томондангина эмас, балки халқаро ташкилотлар томонидан ҳам назорат қилинади. Сабаби инсон ҳамма ерда тенг туғилади ва у энг олий қадрият ҳисобланади. Ҳар бир киши миллати, ирқига қараб бирон-бир камситишга учрамаслиги ёки ҳеч қандай имтиёзга, бошқа кишиларга нисбатан эга бўлмаслиги керак. Ҳамма ерда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари бир хилда бўлишини таъминлаш мақсадида уларни амалга ошишини назорат қилувчи халқаро ташкилотларнинг мавжуд бўлишига зарурат туғилади.

Хўш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг амалга ошишини таъминловчи муассасалар қайсилар? Аввали шундай халқаро ташкилотларни кўриб чиқайлик.

Халқаро ташкилотлар.

Бунда энг биринчи, дунёдаги энг йирик халқаро ташкилот, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)ни назарда тутамиз. БМТ 1945 йил 24 октябрда ташкил топган ва 1995 йил мартағча таркибига 185 мамлакат аъзо бўлиб кирган йирик халқаро ташкилотдир. 1992 йил мартағдан Ўзбекистон Республикаси ҳам БМТ аъзоси ҳисобланади. Унинг асосий ҳужжати — Низомда ташкилотни ташкил этиш мақсадлари курсатилган бўлиб, улар орасида, — «инсон ҳаётини яхшилаш мақсадида биргаликда ҳаракат қилиш, дунёда қашшоқликка, хасталикка, саводсизликка барҳам бериш, экологик инқирозни тұхтатиши, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига бўлган хурматлашни рағбатлантириш» алоҳида қайд қилинади. Демак, БМТнинг асосий вазифаларидан бири инсоннинг яшаш шароити-

ни яхшилашга таъсир қилиш ҳамда ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилинишига эришишидир.

Бу вазифани бажаришда БМТ узининг таркибидаги тузилмалар ва нодавлат ташкилотлар ёрдамига таянади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда БМТнинг инсон ҳуқуқлари буйича Олий Комиссари ва БМТнинг инсон ҳуқуқлари комиссияси муҳим роль ўйнайди. Улар бутун дунёдаги мамлакатларда инсон ҳуқуқ ва эркинликларига муносабат ҳақида маълумотлар тұплайды. Ана шу маълумотлар асосида БМТ у ёки бу мамлакатда инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг амал қилиниши кай даражада эканлиги ҳақида холосалар чиқаради, уни жағонга маълум қиласы. Ҳуқуқ ва эркинликларнинг амалга ошиши учун турли чоралар күради.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг амалга ошишини таъминлашда муҳим роль ўйновчи яна бир ҳалқаро ташкилот бу — Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотидир. Бу ташкилот 1970 йил бошида, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик буйича Кенгаш номи билан ташкил топган. Унинг асосий мақсади Шарқ билан Farb уртасида яхши муносабатлар ўрнатиш бўлган. 1994 йил Будапешт учрашувида у Кенгашдан ташкилотга айлантирилди. Унинг аъзолари 53 мамлакат ҳисобланиб, Узбекистон ҳам тенг ҳуқуқли аъзосидир. ЕХХТнинг муҳим вазифаларидан бири давлатлар ўртасида инсон ҳуқуқларини таъминлаш соҳасида самарали муносабатлар ўрнатиш, инсон ҳуқуқларига амал қилишни кузатиш, шу ишда давлатларга ёрдам беришлери.

Ташкилотта аъзо бўлган давлатлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда амалга ошириш мажбуриятларини олган.

1992 йил июлда Хельсинкида қабул қилинган ҳужжатда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг аниқ чора-тадбирлари белгиланди. Озчиликни ташкил этувчи миллатлар иши буйича Олий Комиссар лавозими ташкил этилди. Инсон ҳуқуқларига амал қилишни назорат остига олишда ЕХХТнинг демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари буйича Бюроси муҳим роль ўйнайди. Бюро ташаббуси билан 1996 йил 11—13 сентябрда Тошкентда «Инсон ҳуқуқлари буйича миллий муассасалар» мавзуисида семинар ўтқазилди. Унда Узбекистонда инсон ҳуқуқларига амал қилиш, уларни таъминлашни назорат қилувчи ташкилот ва муассаса-

ларнинг фаолияти масалалари муҳокама қилинди. Семинарда кўплаб хорижий мамлакатлар вакиллари иштирок этиб, Ўзбекистонда бу борада олиб борилаётган ишларга ижобий баҳо беришди.

Лекин бу Халқаро ташкилотлар дунёда мамлакатлар ҳаддан ташқари кўплиги туфайли инсон ҳуқуқларининг тұла равищда назорат қилиниши имкониятига эга эмас. Инсон ҳуқуқларининг амал қилинишини назорат қилишни яхши йүлга қўйиш мақсадида ҳар бир мамлакатда махсус муассасалар тузилади. Бундай ташкилотлар ҳам иккига бўлиниши мумкин. Биринчиси — давлат ташкилотлари, иккинчиси — нодавлат ташкилотлар.

Шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатини фақат конституциялар ва қонунларда белгилаб қўйилишининг узи кифоя қилмайди. Баъзи шахсларнинг, мансабдор шахсларнинг, давлат органлари ва бошқа муассасаларнинг қонунсиз хатти-ҳаракати ёки ҳаракатлизлиги туфайли шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари поймол қилинади. Ана шу холга иложи борича барҳам бериш мақсадида ҳар бир мамлакатда инсон ҳуқуқларининг амалга ошишини назорат қилувчи муассасалар тузишга зарурат туттилади.

Миллий ташкилотлар.

Ўзбекистонда ана шундай ташкилотлардан бири Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари буйича вакилидир. Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари буйича вакили Олий Мажлис депутатлари орасидан Олий Мажлиснинг ваколат муддатига сайланади. У фақат Олий Мажлис олдида ҳисоб беради. Вакил уз фаолиятини Ўзбекистон Конституцияси ва бошқа қонунларга ҳамда халқаро ҳужжатларга асосланиб иш юритади. Унинг асосий вазифаси бошқа тузилмалар (ташкилот ва органлар) билан бирга инсон ҳуқуқ ва эркинликлари тұғрисидаги қонун ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда халқаро ҳужжатларга риоя қилишни таъминлаш ҳисобланади.

Вакил Ўзбекистон фуқаросининг ва Ўзбекистонда яшовчи бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилганлиги тұғрисидаги шикоятларни кўради. Шикоятлар давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари ва фуқароларнинг узини-үзи бошқариш органлари устидан берилиши мумкин. Фақат у вакиллик органлари — Олий Мажлис ва халқ депутатлари устидан, фуқаролар ўртасида ҳуқуқ

бузилиши натижасида вужудга келувчи баҳслар, ҳарбий бошқарув муассасалари га тааллукли ҳарбий бошлиқлар устидан бериладиган шикоятларни күрмайды.

Шикоятни күриш давомида вакил

- шикоят қилувчига ўз ҳуқуқини ҳимоя қилиш воситаларини тушунтириш;
- шу шикоятни ҳал қилиш ваколатига эга давлат органлари, мансабдор шахсга юбориш;
- шикоятни текшириш ва ҳал қилиш учун зарур хужжатларни тегишли идоралардан сұраб олиш;
- давлат органларига ҳеч қандай түсиқсиз кириш;
- мустақил ёки ваколатли органлар билан бирға текширув үтказиш;
- мансабдор шахслардан тушунтиришлар олиш;
- тегишли идоралардан шикоят буйича эксперт хулосаларини олиш ҳуқуқига эга.

Вакил шикоятни куриши натижасида ҳуқук бузилишини аниқламаса, бу ҳақда мурожаат қилувчига жавоб беради. Ҳуқук бузилиши аниқланған тақдирда эса, тегишли идораларга ҳуқук бузилишини тиқлаш ҳақида тавсия юборади. Суд органларига ҳам кучга киргап суд қарорларини текшириб күриш ҳақида мурожаат қилиши мүмкін.

Вакил ўз ташаббуси билан ҳам инсон ҳуқук ва әркинликларига доир қонунларга амал қилиниши ҳақидаги масалаларни текшириш мүмкін. Вакил ўз фаолиятини самарали амалга ошириш, тесгишли хужжатлар тайёрлаш учун олимлар ҳамда мутахассисларни жалб этиши мүмкін. Вакилнинг хатини олган идоралар хатни бир ой ичиде куриб чиқишига мажбур. Агар унинг тавсияси рад этиладиган бұлса, буни асослаб бериши керак.

Вакил ҳузурида жамоатчилик асосида фуқаролар-нинг конституциявий ҳуқук ва әркинликларига амал қилиш буйича комиссия тузилади. Комиссия ишига вакил раислик қилади.

Комиссиянинг асосий вазифаси:

- вакил номига келаётган ҳужжат ва мурожаатларни ўрганиш;
- инсон ҳуқуқларига амал қилиниши ҳолатлари ҳақида маълумотномалар лойиҳаларини тайёрлаш;
- ахоли ўртасида инсон ҳуқуқларига тааллукли қонунчиликни тушунтириш, ташвиқт-тарғибот қилиш;

— халқаро ҳужжатлар ишлаб чиқаришда иштирок этиш ҳисобланади.

Комиссиянинг таклифлари вакил учун тавсия характерида бўлади.

Узбекистон Республикасида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари муҳофазасига катта эътибор берилмоқда. Ҳуқуқ ва эркинликларнинг муҳофазасини янада кучайтиришш мақсадида 1996 йил 31 октябрда Узбекистон Республикаси Президентининг Фармонига кўра «Инсон ҳуқуқлари бўйича Узбекистон Республикаси миллий маркази» тузилди. Бу орган давлатга қарашли булиб, у инсон ҳуқуқлари масалаларини таҳлил қилувчи, шу хусусда маслаҳатлар берувчи мамлакат миқёсида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги фаолиятларни мувофиқлаштириб турувчи идораларро органдир. Унинг мақсади:

— инсон ҳуқуқлари муҳофазасини кучайтириш;

— халқаро ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтириш:

— давлат муассасалари ходимлари ҳамда аҳолининг инсон ҳуқуқлари бўйича билими ва маданиятини оширишга кўмаклашиш ҳисобланади.

Шу мақсадлардан Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий Марказнинг асосий вазифалари келиб чиқади. Улар қуйидагилардир:

— инсон ҳуқуқларининг тўла амалга ошишини таъминлашни назарда тутувчи миллий ҳаракат режасини ишлаб чиқиш;

— Конституция, Қонуnlар ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги умумътироф этилган халқаро ҳуқуқ меъсрлари қоидаларини амалга ошириш стратегиясини ишлаб чиқиш (яъни тадбирларни белгилаш);

— инсон ҳуқуқлари соҳасида мамлакатимизнинг халқаро ва миллий ташкилотлар билан ҳамкорлигини ривожлантириш;

— мамлакатимизда инсон ҳуқуқларига риоя этилиши ва ҳуқуқларнинг муҳофаза қилиниши ҳолати түргисида миллий маъruzalар, маъlumotlar tay'rlash;

— давлат ҳокимияти органлари ва жамоат бирлашмаларига инсон ҳуқуқлари соҳасида маслаҳатлар бериб туриш;

— мамлакатда инсон ҳуқуқларининг амалга ошишини таъминлаш, муҳофаза қилиш аҳволини таҳлил қилиш, бу соҳада тарғибот ишларини олиб бориш, уқув-услубий адабиётларни нашр этиш ишларини мувофиқлаштириш;

— давлат органларининг инсон ҳуқуқлариға риоя этиши ҳамда ҳуқуқларни муҳофаза қилишни янада такомиллаштиришга қаратилган тавсиялар тайёрлаш;

— инсон ҳуқуқларини муҳофаза килишга қаратилган тадқиқотларни ташкил этиш.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази юридик шахс ҳисобланади, яъни у мустақил ташкилот, ўз маблаги ва мулкига эга. Миллий марказга Республика Президентининг Фармони билан тайинланадиган директор бошчилик қиласди. Директорнинг ўринбосари Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинланади. Миллий марказнинг иш фаолияти Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган қарор билан тартибга солинади.

Ўзбекистонда инсон ҳуқук ва эркинликларини ҳимоя қилувчи органлардан бири суд ҳисобланади. Суд органлари ҳокимиятнинг алоҳида тури булиб, улар қонунчилик ва ижро ҳокимиятидан мустақиллар. Уларнинг мустақиллиги шахсларнинг ҳуқук ва эркинликларини, алоҳида шахсларнинг ва давлат органларининг, масабдор шахсларнинг ҳар қандай тажовузлардан сақлаш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасида «Ҳар бир шахсга ўз ҳуқук ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг гайри-қонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади», деб таъкидланган. Бу — Ўзбекистонда яшовчи ҳар бир шахс, кимлигидан қатъий назар, ўз ҳуқук ва эркинликлари бузилса ёки уни бузилди деб ҳисобласа, судга мурожаат қилиши, суд эса мурожаатни куриб, ҳуқук, эркинлик бузилишини аниқласа, уни тиклаши зарурлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги қонунининг 4-моддасида суднинг вазифалари белгиланган булиб, улар орасида судларнинг Республика Конституцияси ва бошқа конунларда ҳамда инсон ҳуқуқлари халқаро ҳужжатларда эълон қилинган фуқароларнинг ҳуқук ва эркинликларига риоя этишини кафолатлаш алоҳида қайд этилган. Демак, судларнинг асосий вазифаси, кўпчилик тасаввур қилганидан, жазо тайинлаш эмас, ҳуқук ва эркинликларни амалга ошишини таъминлашдир. Ана шу вазифалардан уларни жазолаш вазифаси келиб чиқади, чунки

суд жазони ҳуқуқ ҳамда эркинликларни бузувчиларга тайинлайди.

Ўзбекистонда ҳар бир шахснинг судга мурожаат қилиши ҳуқуқини кенг амалга ошишини кўзлаб, «Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қонунлар устидан судга шикоят қилиш тўгрисида» маҳсус қонун қабул қилинган. Шу қонуннинг 1-моддасида «Ҳар бир фуқаро давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ёки мансабдор шахсларнинг гайри-қонуний хатти-ҳаракатлари (қарорлари) билан ўз ҳуқуқлари ёки эркинликлари бузилган деб ҳисобласа, шикоят билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга» деб ёзилган. Қонуннинг шу моддасининг давомида Ўзбекистон ҳудудида яшовчи, фуқаролиги бўлмаган ёки чет эл фуқароси бўлган шахсларнинг ҳам судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган.

Ҳар бир фуқаронинг шикояти судда ҳар томонлама текширилиб, шикоят юзасидан қарор чиқарилади. Суд шикоятни куриш давомида уни асосли деб топса, мурожаат қилувчининг талабини қондиради ва ҳуқуқ бузилишига сабаб бўлган органларга ҳуқуқни тиклаш мажбуриятини юклайди. Суднинг шикоят юзасидан чиқарган қарорини бажариш мажбурийdir. Судга шикоят қилувчи суд қарорига рози бўлмаса, юқори судга мурожаат қилиши мумкин.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этишни назорат қилишда Прокуратура органлари алоҳида роль уйнайди. Улар аввало бошқа ҳар қандай қонунлар сингари, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари мустаҳкамланган қонунларга амал қилиниши устидан назорат олиб боради. Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўгрисида» қонунининг 3-моддасида Прокуратура органларининг инсон ва фуқароларни ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, шахсий ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилишни таъминлашга қаратилган қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назорат олиб борилиши белгиланган. Прокуратура органлари ҳуқуқ ва эркинликларни бузиш ҳолини аниqlаса, тегишли муассаса ёки мансабдор шахсларга ҳуқуқ ва эркинликларни тиклаш ҳақида талабнома юборади, прокурорнинг талабномасини бажариш ҳамма учун мажбурий.

Ўзбекистон Республикасида фаолият курсатаётган

турли давлат органлари, мансабдор шахслар ҳам у ёки бу шаклда, миқдорда инсон ҳуқуқларини ҳимоя ҳамда уларга амал қилишни назорат қилиш вазифасини бажаради. Ҳатто давлат бошлиғи Президентнинг ҳам бу масалага таалуқли фаолияти бор.

Конституциянинг 93-моддасида, Ўзбекистон Республикаси Президенти фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, Конституция ва қонунларга риоя этилишининг кафилидир, деб кўрсатилган. Ҳуқуқ ва эркинликларнинг бажарилиши кафили сифатида Президентнинг белгиланиши, бу масаланинг нақадар муҳим эканлигини кўрсатади. Президентнинг бу вазифасини бажаришда Президент Девонида ташкил қилинадиган турли тузилмалар ёрдам беради. Девондаги фуқароларнинг қабулинин ўюнтирувчи қабулхона кўплаб фуқароларни қабул қилиб, уларнинг шикоятларини кўриб чиқади ёки шикоятларни кўриш учун ваколатли идораларга юборади. Натижада ҳуқуқ ва эркинликлар тикланади. Қабулхонага келган шикоятлар натижасида республикада ҳуқуқ ва эркинликларнинг амалга ошиш ҳолати назорат қилинади.

Ўзбекистон Республикасида маҳаллий вакиллик органлари халқ депутатлари Кенгашлари ва маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари — ҳокимлар ҳам инсон ҳуқуқларининг амалга ошишини таъминловчи ва назорат қилувчи тузилмалардан ҳисобланади. «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонуннинг 24 ва 25-моддаларида фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини назорат қилиш — бу органлар ваколатига киритилган.

Ўзбекистонда шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлаш, бузилган ҳуқуқ ва эркинликларни қайта тиклаш учун самарали ҳуқуқий асос яратилган. Ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлашга қаратилган қонунлар орасида «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги 1994 йил 6 майда қабул қилинган қонун муҳим роль уйнайди. Бу қонун фуқароларга ва Ўзбекистонда яшовчи бошқа шахсларга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишга ёрдам беради. Шу қонун асосида ҳар бир шахс ҳар қандай давлат органига мурожаат қилиши, давлат органлари ва мансабдор шахслар уларнинг манбаатини ҳимоя қилиши зарур.

ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИК-ЛАРИНИНГ АМАЛГА ОШИШИНИ НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ МУАС-САСАЛАР

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг амалга ошишини назорат қилувчи органлар, тузилмалар турли мамлакатларда турлича ташкил қилинган. Баъзи мамлакатларнинг бу борадаги тажрибаларини билиш ҳам, урганилаётган масалани янада чуқурроқ билишга олиб келади.

Қардош Қозогистон Республикасида Президент ҳузурида инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия фаолият кўрсатади. Бу комиссия давлат бошлиги ҳузуридаги маслаҳатчи орган ҳисобланади. Унинг асосий вазифаси Президентнинг инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолати бўлишилгига ёрдам бершидир. Комиссия ўз номига келган мурожаатлардан ташқари, Президент номига келган мурожаатларни ҳам куради. Комиссиянинг таркиби: раис, раис ўринбосарлари, котиб ва комиссия аъзоларидан иборат. Улар Қозогистон Президенти томонидан тасдиқланади. Комиссия мажлиси ҳар кварталда камида бир марта ўтказилади.

Комиссия қошида жамоатчилик асосида эксперт кенгashi ташкил қилинади.

Ривожланган демократик мамлакатларда инсон ҳуқуқларига амал қилишни назорат қилувчи тузилмалар фаолияти узоқ тарихга эга. Агар Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари бўйича вакил мустақиллигимиз туфайли вужудга келган бўлса, хорижий мамлакатларда шундай тузилмалар бир неча йиллардан бери мавжуд ва улар турли шаклда ташкил қилинади.

Инсон ҳуқуқларининг амал қилишини назорат қилувчи муассасалар халқаро юридик атама ҳисобланувчи «Омбудсман» деб номланади. Бу шведча сўз булиб, кимнингдир манфаатини ифодаловчи, деган маънони билдиради. Яъни шахснинг манфаатини ифодалайди. Омбудсман айrim мамлакатларда сайланадиган, айrim мамлакатларда тайинланадиган шахс булиб, у инсон ҳуқуқларига амал қилишни назорат қиласи. Агар прокуратура органлари инсон ҳуқуққа амал қилишни фақат қонун асосида назорат қиласа, Омбудсманлар бу масалани мақсадга мувофиқлик, виждонлилик, адолат нуқтаи назаридан назорат қиласи. Бундай мансабдор шахслар, яъни омбудсманлар турли мамлакатларда турли номлар билан аталади. Масалан, Швеция, Да-

ния, Ҳиндистонда омбудсман, Испания ва Колумбияда халқ ҳимоячиси, Францияда воситачи, Руминияда халқ адвокати, Россияда инсон ҳуқуқлари буйича вакил ва хоказо. Улар турли давлат органлари томонидан турлй муддатга сайланади ёки тайинланади. Испанияда беш йил муддатга парламент томонидан сайланади. Францияда Вазирлар Кенгаши томонидан тайинланади.

Аксарият күпчилик мамлакатларда Омбудсманларга ҳар қандай фуқаролар бевосита мурожаат қилишлари мумкин. Улар ҳуқуқ ва эркинликлар бузилишини аниқласа, тегишли идораларга ҳуқуқ ва эркинликларни тиклаш ҳақида таклиф кирилади. Омбудсманларнинг таклиф ва тавсиялари тегишли органлар томонидан бажарилмаса, рад этилса Омбудсманлар суд органларига ёки парламентта мурожаат қилишлари мумкин.

Демак, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг бузилиш ҳоллари аниқланганда, уларнинг ўзи ҳуқуқ ва эркинликларни тикламайди. Уларни тиклашни тегишли органлардан сўрайди. Тегишли идоралар бундай таклифни инобатга олмасалар, унда ҳуқуқ ва эркинликларни тиклаш ҳақида судга мурожаат қиладилар.

Саволлар ва топшириклар

1. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларига амал қилиниши нима учун назорат қилинади?
2. Қандай муассасалар ҳуқуқ ва эркинликларга амал қилишни назорат қиласди?
 - a) халқаро ташкилётлар.
 - б) мамлакат доирасида ташкил қилинадиган ташкилётлар.
3. Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари буйича вакилининг вазифаси, ваколатлари қандай?
4. Инсон ҳуқуқлари буйича Узбекистон Республикаси миллый марказининг вазифалари нималардан иборат?
5. Болшқа қандай давлат органлари инсон ҳуқуқларининг амалга ошишини таъминлайди?
6. Ҳорижий мамлакатларда инсон ҳуқуқ ва эркинликларига амал қилиниша назорат қўйувчи органлар қайсилар?

МУНДАРИЖА

| | |
|---|-----|
| Кириш | 3 |
| 1-м а в з у. «Инсон ҳуқуқлари» маҳсус курсини урганишининг аҳамияти | 6 |
| 2-м а в з у. Инсон ҳуқуқларининг тарихий ривожланиши | 16 |
| 3-м а в з у. Жамиятда шахснинг урни ва унинг ҳуқуқий ҳолати. Хуқуқ ва эркинлик тушунчаси | 33 |
| 4-м а в з у. Инсон ҳуқуқлари тұғрисидаги ҳужжатлар | 47 |
| 5-м а в з у. Шахсий ҳуқук ва эркинликлар | 62 |
| 6-м а в з у. Сиёсий ҳуқуқлар | 76 |
| 7-м а в з у. Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар | 84 |
| 8-м а в з у. Хуқуқ ва эркинликлар кафолати | 94 |
| 9-м а в з у. Фуқароларнинг бурчлари | 112 |
| 10-м а в з у. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг амалга ошишини назорат қылувчи муассасалар | 129 |

Озод Тиллабоевич ҲУСАНОВ,
Омина Абдураҳмоновна КАРИМОВА,
Худойқул Тожиевич АЗИЗОВ,
Ҳамида ТҮЙЧИЕВА, Зокирбай Юлдашбаевич КАРИМОВ

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг
Бош таҳририяти
Тошкент — 1997

Муҳаррир Г. Зокирова
Бадиий муҳаррир А. Баҳрамов
Техник муҳаррир Д. Габдраҳманова
Мусаххих Ю. Бизаатова



Теришта берилди 28.01.97. Босишига рухсат этилди 3.03.97. Бичими
84x108¹/₃₂. Таймс гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма табоги
7,56. Нашриёт ҳисоб табоги 6,56. Адади 300000 нусха. Буюртма
№ 959.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахона-
си, 700083, Тошкент ш., «Буюк Турон» кўчаси 41.



Инсон ҳуқуқлари: (махсус курс) // О.Хусанов,
О.Каримова, Х.Азизов ва бошк.; Масъул мұхаррир
О.Хусанов.— Т.: Шарқ, 1997.— 144 б.

1. Автордош ва бошқ.

ББК 67.99(5У)Оя7